# Inform AGRO BIZNES

Ijtimoiy-iqtisodiy, ilmiy-ommabop jurnal
Socio-economic, scientific-popular magazine
Общественно-экономический, научно-популярный журнал

№2 (175) 2025



BOSH MUHARRIR v. b. :
**Azamat TOIROV**

**TAHRIRIYAT KENGASHI A'ZOLARI:**

**Anvar TUYCHIYEV,**
Oʻzbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi Agrar va suv xoʻjaligi masalalari qoʻmitasi raisi

**Ibrohim ABDURAXMONOV,**
Oʻzbekiston Respublikasi Qishloq xoʻjaligi vaziri

**Aktam XAITOV,**
Oʻzbekiston Fermer, dehqon xoʻjaliklari va tomorqa yer egalari kengashi raisi

**Akrom ALIMOV,**
"Tadbirkorlik va fermerlikni qoʻllab-quvvatlash" markazi direktori

**Sirojiddin RUSTAMOV,**
"Agro Biznes Inform Tahririyati" MCHJ rahbari, Turon FA faxriy a'zosi, O'zbekiston Jurnalistlar uyushmasi a'zosi

**Fayzullo TOJIQULOV,**
OʻzLiDeP Toshkent viloyati Chinoz tuman Kengashi rahbari

Bosh muharrir oʻrinbosari
**Asror MOʻMINOV**

Mas'ul kotib:
**Shukurjon JABBOROVA**

Dizayner:
**Ramazon RUSTAMOV**

Musahhih:
**Joʻrabek SIROJIDDINOV**

**Viloyat muxbirlari:**
Qoraqalpogʻiston Respublikasi va Xorazmda
**Baxtiyor ESANOV**

Sirdaryo va Toshkentda
**Farmina G'ayratova**



**Nashr Oʻzbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining 2020-yil 31-dekabrdagi 290/10-sonli qarori bilan Oliy attestatsiya komissiyasining ilmiy jurnallar roʻyxatiga olingan.**

**Jurnal 2005-yildan buyon chiqa boshlagan**
**The journal has been published since 2005**



**TAHRIR HAY'ATI RAISI :**

**Zafar ISKANDAROV,**
Turon FA vitse-Prezidenti, t.f.d., professor

**TAHRIR HAY'ATI A'ZOLARI:**

**Ibrahim DILER,**
Isparta Amaliy fanlar universiteti rektori, professor (Turkiya)
**Kamoliddin SULTONOV,**
Toshkent davlat agrar universiteti ilmiy ishlar boʻyicha prorektori
**Durbek MAXKAMOV,**
Toshkent davlat yuridik universiteti "Ekologiya huquqi" kafedrasi prof.v.b., yuridik fanlar nomzodi
**Temirjan AYTBAEV,**
Qozogʻiston Milliy FA akademigi, Qozogʻiston Milliy agrar universiteti Meva-sabzavotchilik va yong'oqchilik kafedrasi mudiri, q.x.f.d.
**Surayyo AXMEDOVA,**
Oʻzbekiston Jurnalistlar uyushmasi a'zosi, xalq deputatlari Chinoz tuman Kengashi deputati
**Baxrom MADARTOV,**
Samarqand VMI Toshkent filiali direktori, q. x. f. d, professor
**Khashim YAKHYAEV,**
Oʻsimliklar karantini va himoyasi ilmiy-tadqiqot instituti yetakchi ilmiy xodim, professori, q. x. f. d.
**Usmon NORQULOV,**
ToshDAU, Dehqonchilik va melioratsiya kafedrasi professori, q. x. f. d.
**Erkin BERDIYEV,**
ToshDAU, Manzarali bogʻdorchilik kafedrasi professori, q. x. f. d.
**Erkin FARMONOV,**
Toshkent irrigatsiya va qishloq xoʻjaligini mexanizatsiyalash muhandislari instituti, professor, texnika fanlari doktori
**Mansur YULDASHOV,**
ToshDAU, Baliqchilik kafedrasi professori, biologiya fanlari doktori
**Asqarbek SAFAROV,**
ToshDAU, qishloq xoʻjaligi fanlari boʻyicha falsafa doktori, dotsent
**Alevtina KOJEVNIKOVA,**
ToshDAU, biologiya fanlari doktori, professor
**Abdulla MADALIEV,**
"Toshkent gumanitar fanlari universiteti" professori, iqtisod fanlari doktori
**Abdunabi FATXULLAEV,**
ToshDAU, texnika fanlari doktori, professor
**Sirojiddin JOʻRAYEV,**
ToshDAU Qishloq xoʻjaligi ekinlari seleksiyasi va urugʻchiligi kafedrasi mudiri
**Murod RAXMANKULOV,**
ToshDAU, Qishloq xoʻjaligi ekinlari genetikasi, seleksiyasi va urugʻchiligi kafedrasi professori, q. f. d.
**Oʻktam QOʻLDOSHEV,**
Samarqand davlat chet tillar instituti Tarjima nazariyasi va amaliyoti kafedrasi mudiri, (PhD)
**Dilmurodjon HAKIMOV,**
ToshDAU, "Qishloq xoʻjaligi mahsulotlarini standartlashtirish va sertifikatlash" kafedrasi dotsenti
**Iroda BAKIEVA,**
Toshkent moliya instituti Iqtisodiy xavfsizlik kafedrasi professori v. b., i. f. d.
**Erkinjon BOTIROV,**
Toshkent moliya instituti "Iqtisodiy xavfsizlik" kafedrasi dotsenti, i. f. n.
**Gulxehra TANGIROVA,**
ToshDAU, Qishloq xoʻjaligi ekinlari genetikasi, seleksiyasi va urugʻchiligi kafedrasi dotsenti
**Musulman ZIYATOV,**
Paxta seleksiyasi, urugʻchiligi va yetishtirish agrotexnologiyalari ilmiy tadqiqot institutining katta ilmiy xodimi, q. x. f. f. d., (PhD)
**Nilufar IRGASHEVA,**
Toshkent davlat agrar universiteti Oʻsimliklarni himoyasi va karantini kafedrasi dotsenti
**Mohichehra ABLAZOVA,**
Toshkent davlat agrar universiteti Oʻsimliklarni himoyasi va karantini kafedrasi dotsenti
**Olimjon ALLANAZAROV,**
Oʻsimliklar karantini va himoyasi ilmiy-tadqiqot instituti Surxondaryo mintaqaviy filiali "Entomologiya va biousul" laboratoriyasi katta ilmiy xodimi, q. x. f. f. d., (PhD)

# ЖАМҒАРМА ТОМОНИДАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ



**Тўлқин Саттаров,**

Фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ижро этувчи директор

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 февралдаги “Томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжаликлари фаолиятида замонавий ташкилий тизимни жорий қилиш ва молиявий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-22-сон Фар-монига асосан Ўзбекистон фермерлари кенгаши ҳузуридаги Фермер хўжа-ликларини қўллаб-қувватлаш жамғар-масининг фаолият-йўналишлари белги-лаб берилган бўлиб, эндиликда ўз фаолиятини фермер хўжаликлари ва улар билан ҳамкорликда ишлайдиган деҳқон хўжаликлари ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари билан биргаликда олиб бориши, жумладан уларни имтиёзли кредит маблағлари билан қўллаб-қувватлаши белгиланган.

Жамғарма маблағлари фермер хўжаликлари ва улар билан ҳамкорликда ишлайдиган деҳқон хўжаликлари ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига:

боғдорчилик ва узумчилик ташкил этиш, иссиқхона қуриш, қишлоқ хўжалиги техникаси ҳамда асбоб-ускуналарини харид қилиш, уларни жойлаштириш учун бино ва иншоотлар қуриш, кўчма музлаткичларни ўрнатиш, агрологистика марказларини

ташкил этиш, “in-vitro” ва бошқа лабораториялар, совутиш омборхоналарини ташкил этиш учун - 3 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилгача (бунда кредитлар йиллик Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада - 17,5%);

чорвачилик (қорамол, қўй, эчки), балиқчилик, қуёнчилик, асаларичилик ва паррандачилик, биогумус ишлаб чиқариш, агротуризм лойиҳалари, сув чиқариш учун тежамкор насос агрегатлари харид қилиш, қишлоқ хўжалиги мақсадларида қуёш панелла-рини ўрнатиш, артезиан қудуқларини қазиш, ёмғирлатиб суғориш тизимини ўрнатиш ва дала дўконларини қуриш учун - 1 йилгача имтиёзли давр билан 4 йил муддатга;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш, халқаро сертификатлар олиш, “ўсимликлар клиникаси” фаолияти ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа йўналишлари учун айланма маблағларга талабгорларга - 6 ой имтиёзли давр билан 18 ой муддатга (бунда кредитлар йиллик Марказий банкнинг асосий ставкасида -13,5%) кредитлар ажратилиши белгиланган.

Жамғарма томонидан қишлоқ хўжа-лигида янги инновацион йўналиш-ларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, кўчма музлаткичларни ўрнатиш, агрологистика марказларини ташкил этиш, “in-vitro” ва бошқа лабораториялар, совутиш омборхоналарини ташкил этиш, агротуризм лойиҳалари, сув чиқариш учун тежамкор насос агрегатлари харид қилиш, қишлоқ хўжалиги мақсадларида қуёш панелларини ўрна-тиш, артезиан қудуқларини қазиш, ёмғирлатиб суғориш тизимини ўрнатиш мақсадларида маблағлар ажратиб келинмоқда. Жумладан, бугунги кунда фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари учун долзарб бўлиб бораётган электр энергиясидан қишлоқ хўжалигида фойдалани ҳисобланади.

Жамғарма томонидан фермер хў-жаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига қишлоқ хўжалиги мақ-садларида қуёш панелларини ўрнатиш учун 1 йилгача имтиёзли давр билан 4 йил муддатга имтиёзли кредитлар ажратилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги мақсадларида қуёш панелларини ўрнатмоқчи бўлган қишлоқ хўжалиги корхоналарига:

20 киловатгача электр энергияси ишлаб чиқарадиган қуёш панеллари ҳар бир киловати 5 млн сўмдан ҳисоблаганда 100 млн сўм;

Йиллик ўртача электр энергия ишлаб чиқариш ҳолати 6 соат (4 та фаслдаги қуёшли, қуёшсиз кунлар инобатга олинганда) 20 киловат*6 соат= 120 киловат соат (1 кунлик);

120 киловат соат*365 кун=43 800 киловат соат (1 йиллиги);

ишлаб чиқарилган электр энергиясини давлатга сотилганида 20 киловат соат*720 сўм= 14 400 сўм;

қишлоқ хўжалиги корхонасининг ўзи электр энергиясини ишлатган тақдирда 20 киловат соат*900 сўм= 18 000 сўм (юқоридаги таҳлилар қуёш панеллари орқали ишлаб чиқарилган электр энергиясининг суммадаги таҳлили).

20 киловат соат*6 соат=120 кунлик;

120 кун *365/12 ой= ўртача 3,6 млн сўм.

Ўрнатилган қуёш панели 31 ойда ўзини оқлайди. Қуёш панелига 25 йиллик кафолатни инобатга олсак, фермер учун 22 йил муддат фойдага қолади.

# ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИНИНГ СОЛНОМАСИ

- **1991 йил 31 август** – **«Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»**ги қонун, 1991 йил 19 ноябрда **«Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»**ги қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг дастлабки ҳуқуқий нормаларини белгилаб берди.

- **1991 йил 29 ноябрь** - Президентнинг **«Республикада деҳқон (фермер) хўжаликларини янада ривожлантириш ва янада мустаҳкамлаш ҳамда давлат йўли билан ишбилармонлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳақида»**ги Фармони қабул қилинди.

- **1991 йил 30 декабрдаги** – Вазирлар Маҳкамасининг **«Республикада деҳқон (фермер) хўжаликларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чоралари ҳақида»**ги **315-сонли қарори** республикада деҳқон (фермер) хўжаликларининг ташкил этилишига асос солди ва уларнинг ривожланишига кенг йўл очиб берди.

Ушбу фармон ва қарорга кўра, республикада деҳқон (фермер) хўжаликларини ташкил этиш учун 200 минг гектар ер майдони фонди барпо этилиб, деҳқон (фермер) хўжаликларига ажратилди ва 7 мингдан ортиқ деҳқон (фермер) хўжаликлари ташкил этилди.

- **1992 йилнинг 3 июнь** – Ўзбекистон Республикаси **«Деҳқон хўжалиги тўғрисида»**ги Қонун қабул қилинди. Деҳқон (фермер) хўжаликлари янада ривожланди, уларнинг ҳақ – ҳуқуқлари қонуний ҳимояга олинди.

- **1993 йил январь** – Вазирлар маҳкамаси **«Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотни янада чуқурлаштириш чоралари тўғрисида»** қарор қабул қилди. Ушбу қарор асосида зарар келтирадиган ва кам рентабелли совхозларнинг асосий ишлаб чиқариш воситалари ва мол мулки босқичма - босқич меҳнат жамоаларига мулк қилиб бепул топширилди. Шунингдек, давлат тасарруфида бўлмайдиган бошқа шаклларга, ижара, кооператив, фермер каби хўжаликларга айлантирилди. Хўжаликларнинг ер фондининг яхлитлиги ва уларда таркиб топган ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви сақлаб қолинди.

- **1994 йил 23 февраль** - Республикада деҳқон (фермер) хўжаликларини ривожлантиришда Вазирлар Маҳкамасининг 87 ва 88 - сонли қарорлари муҳим ўринни эгаллади. Ушбу қарорларга кўра, деҳқон (фермер) хўжаликлари учун 100 минг гектар ер ажратилди ва кўплаб деҳқон (фермер) хўжаликлари ташкил қилинди ва шу йили уларнинг сони 10325 тани ташкил этди.

- **1996 йил** - Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманидаги барча жамоа хўжаликларининг ер майдонлари «тажриба» тариқасида деҳқон (фермер) хўжаликларига тақсимлаб берилди.

- Вазирлар Маҳкамасининг **1997 йил 15 апрелдаги 192-сонли қарори**га асосан, Республика шахсий ёрдамчи хўжаликлари иттифоқи негизида Республика шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари уюшмаси ташкил этилди.
- **1998 йил 24 декабрь** - Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.
- **1998 йил** – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1998 йилда **"Ер Кодекси", "Фермер хўжаликлари тўғрисида", "Деҳқон хўжаликлари тўғрисида", "Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"**ги қонунларининг қабул қилиниши қишлоқ хўжалигининг, жумладан, деҳқон ва фермер хўжаликларининг ҳуқуқий асосларини яратди.
- **1998 йил 9 апрелда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Хусусий тадбиркорлик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг **1998 йил 22 апрелдаги 168-сонли қарори**га асосан, Республика шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари уюшмаси - Республика Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасига айлантирилди ва шу қарор асосида вазирлик мақоми берилди.
- **1998 йил 27 апрель** – Вазирлар Маҳкамаси раҳбарлигида Республика Деҳқон ва фермер хўжаликларининг биринчи съезди бўлиб ўтди. Съезднинг асосий таъсисчиси Республика Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси бўлди. Съездда, республикада деҳқон ва фермер хўжаликларини янада ривожлантириш ва уларнинг ўтган даврдаги қилинган ишлари, ютуқлар ва камчиликлари, келгусида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Республика Президентининг Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш юзасидан зарурий чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.
- **2000 йил 25 май** – Ўзбекистон Республикасининг **«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолати тўғрисида»** Қонуни қабул қилинди.
- **2003 йил 14 март** – Тошкентда Деҳқон ва фермер хўжаликларининг Низомига мувофиқ деҳқон фермерларининг II-республика қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда йўл қўйилган камчиликлар қаттиқ танқид остига олиниб, тезлик билан камчиликларни бартараф этиш чора - тадбирлари ва уюшманинг келгусидаги долзарб вазифалари белгилаб берилди.
- **2004 йил 26 август** – Ўзбекистон Республикасининг **«Фермер хўжалиги тўғрисида»**ги қонунини янги таҳририда қабул қилинди. Юртимизда яратилган соғлом муҳит ва фермерларнинг фидокорона меҳнатлари, фермерлик бирдан-бир тўғри танланган йўл эканлиги исботланди.
- **2005 йилнинг 16 июнь** – ЎзЛиДеП ҳамкорлигида Ўзбекистон деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг навбатдан ташқари Таъсис конференцияси ўтказилди. Конференция қарорига асосан Уюшма **"Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси"** деб номланадиган бўлди.
- **2006 йил** - Қишлоқ хўжалигида қайта ишлашни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24 августдаги **"Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори қабул қилинди.
- **2006 йил 21 октябрдан - 10 ноябргача** Тошкент шаҳрида **"Ўзэкспомарказ"** МКК ОАЖнинг кўргазма майдонларида қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускунларнинг Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси ўтказилди ва доимий ишлайдиган кўргазма-савдоси ташкил этилди.

- **II-Халқаро ихтисослашган кўргазмада** минитехнологиялар ва ихчам ускуналар сотиб олиш учун жами 12,6 миллиард сўмлик 503 та ҳужжат имзоланди, жумладан: 329 та шартнома, 150 та келишув баённомаси, 24 та буюртма шунингдек, қишлоқ хўжалик техникасини сотиб олиш учун 10,1 миллиард сўмлик 401 та ҳужжат имзоланди.

- **2007 йил** – Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг қисқа муддат ичида кўп укладли иқтисодиёт барпо этилди. Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш таъминланиб, ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш жараёни амалда тугалланди.

- **2007 йилнинг 1 июль ҳолатига** Республикада жами 212,5 минг нафар фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, уларга ажратилган жами ер майдони 5 677,6 минг гектарни ташкил этди. Республика бўйича ўртача бир фермер хўжалигига 26,7 гектар ер майдони тўғри келиб, фермер хўжаликларида 1 317 минг киши иш билан банд бўлди.

- **2009 йил** – Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9,0 фоизга кўпайди, қишлоқ хўжалигидаги ўсиш 5,7 фоизни ташкил этди, чакана савдо айланмаси 16,6 фоиз, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 12,9 фоизга ошди.

- **2012 йил 15 октябрь** – Тошкентда Жанубий Кореянинг қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш борасидаги тажрибаси ва эришган ютуқларига бағишланган конференция ҳамда мазкур соҳада қўлланиладиган Корея технологиялари кўргазмаси бўлиб ўтди.

- **2012 йил** – Глобал иқтисодиётда жиддий муаммолар сақланиб қолаётганига қарамай, 2012 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш натижасида иқтисодий ривожланишнинг барқарор юқори суръатлари таъминланди. Ялпи ички маҳсулот 8,2 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми – 7,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми – 7 фоизга ўсди.

- **2012 йил 22 октябрь** – Ўзбекистон Республикаси Президентининг **"Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони қабул қилинди.

- **2012 йил 14 ноябрь** – "Туркистон" саройида Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан 350 нафар фермер иштирок этди.

- **2012 йил 14 ноябрь** – **«Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига асосан Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ташкил этилди.

- **2017 йил 9 октябрда** – Кенгаш фаолиятни такомиллаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг **ПФ-5199-сонли "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги фармони қабул қилинди.



➤ **2017 йил 10 октябрда** – Ўзбекистон фермерлари кенгашининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишларини белгилаш мақсадида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг **ПҚ-3318-сонли "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"**ги қарори қабул қилинди.

➤ **2018 йил 26 апрелда** – Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг бу соҳадаги ваколатларини кенгайтириш ва фаол иштирокини таъминлаш мақсадида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг **ПҚ-3680-сонли "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги қарори қабул қилинди.

➤ **2021 йил 16 декабрда** - Томорқа хўжаликларида маҳсулот етиштиришни кўпайтириш орқали аҳоли даромадини ошириш, ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, томорқада етиштирилган маҳсулотларни кафолатли харид қилиш тизимини яратиш, шунингдек, ҳар бир туманда томорқа ер эгалари ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантириш мақсадида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг **ПҚ-54-сонли "Томорқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги қарори қабул қилинди.

➤ **2023 йил 12 декабрда** - Қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини янада ривожлантириш, пахта-тўқимачилик кластерлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар ўртасидаги муносабатларни бозор тамойиллари асосида такомиллаштириш, тармоқда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг **ПФ-205-сонли "Қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"**ги фармони имзоланди.

➤ **2024 йил 5 мартда** - Мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва уларнинг экспортини ошириш, қишлоқ хўжалиги кичик ишлаб чиқарувчиларини янада қўллаб-қувватлаш, экин ерларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш, пировард натижада ер эгаларининг даромадларини кўпайтириш мақсадида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг **ПҚ-115-сонли "Аҳоли хонадонларида саноат усулида маҳсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ҳамда томорқа ва деҳқон хўжаликларида янги захираларни ишга солишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"**ги қарори қабул қилинди.

# ФУҚАРОЛАРНИНГ ЕР ВА УЙ-ЖОЙЛАРИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛИШИ ЖАРАЁНЛАРИ БОШЛАНДИ



**Бекмаматов Азамат Рахматиллаевич,**

Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси Ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва методик таъминлаш шўъбаси бошлиғи.

**Ҳаммамизга маълумки, Республикамизда ҳуқуқий ҳужжатлари йўқ ёки тўлиқ бўлмаган, ер участкасидан узоқ йиллар давомида фойдаланиб келаётган ёки ерга бўлган ҳуқуқларни расмийлаштириш масаласи ер эгасига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра охирига етмаган ер участкалари мавжуд эди.**

Фуқароларимизни қийнаб келаётган мазкур кўп йиллик муаммоларни ҳал этиш мақсадида 2024 йилнинг 8 ноябрь куни “Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги Қонуни расмий кучга кирди.

Мазкур Қонун билан ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкаларида қурилган бино ва иншоотларга эгалик ҳуқуқини эътироф этиш тартиби амалиётга жорий этилди.

Ушбу тартиб асосида республика бўйича ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган 4 млн.

га яқин, шу жумладан Қашқадарё вилояти бўйича 2024-2025 йилларда 155 мингга яқин уй-жой ва бошқа турдаги иншоотларга эгалик ҳуқуқи берилиши режалаштирилган.

Қонунга кўра кадастр органлари томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларини ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларни босқичма-босқич хатловдан ўтказиш ҳар йилги режа-жадвал асосида амалга оширилади.

Эгалик ҳуқуқини эътироф этиш Эътироф автоматлаштирилган тизими орқали амалга оширилиб, ваколатли органлар (ҳокимлик, қурилиш, экология, солиқ, “Ўзбеккосмос” агентлиги ва бошқалар) маълумотларни кўриб чиқиб, зарур маълумотлар ва хулосаларини дастурга киритиш орқали амалга оширилади.

Қонуннинг 12-моддасига кўра якка тартибдаги уй-жой қурилган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи қуйидагича:

1) агар ер участкаси 1998 йил 1 июлга қадар эгалланган бўлса, — барча ҳудудларда 0,24 гектардан кўп бўлмаган ўлчамда;

2) агар ер участкаси 1998 йил 1 июлдан 2018 йил 1 майга қадар эгалланган бўлса, — Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоят марказларида 0,06 гектардан, қолган ҳудудларда 0,12 гектардан кўп бўлмаган ўлчамда эътироф этилади.

Якка тартибдаги уй-жой эгаллаган ер участкасининг амалдаги майдони ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ўлчамлардан ошган ҳолларда, ер участкасининг ортиқча эгалланган қисмига бўлган ижара ҳуқуқи, башарти бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаса, деҳқон хўжалигини ёки томорқа хўжалигини юритиш учун эътироф этилади.

Вилоятимизда мазкур соҳада амалга оширилаётган ишларнинг дастлабки самараси кўрина бошлади.

Хусусан, Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг қарори билан вилоятимизда шу кунга қадар жами 42 нафар фуқароларнинг ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари ва уларда қурилган уй-жойларига бўлган ҳуқуқлари расман эътироф этилди.

Эндиликда, ушбу фуқароларимизнинг уй-жойларига мулк ҳуқуқини эътироф этилиши натижасида прописка, болаларини мактаб ва мактабгача таълим муассасаларига жойлаштириш, моддий ёрдам олиш каби муаммолари ҳал этилади ҳамда кўчмас мулкни сотиш, ижарага бериш, кредит таъминоти сифатида гаровга қўйиш, ер участкаси жамоат эҳтиёжлари учун олинганда компенсация олиш каби иқтисодий имкониятлардан фойдаланишлари мумкин бўлади.

Зеро, ҳар бир уй-жойларига бўлган ҳуқуқлари эътироф этилган фуқаронинг ўзи билан биргаликда уларнинг оила аъзоларининг ҳам қонуний манфаатлари таъминланишига ва ҳуқуқларини амалга оширишга имконият берилиши ҳам бизни ушбу Қонуннинг ижросига масъулият билан ёндашишимизни талаб этади.

# АГРОСАНОАТ
## СЕКТОРИНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШДА БОШҚАРУВНИ ДЕМОКРАТЛАШ АСОСЛАРИ

**А. А. Мадалиев,**

Тошкент гуманитар фанлари университети профессори, иқтисодиёт фанлари доктори.

**Кириш. Агросаноат секторини самарали ривожланиши учун ишлаб чиқариш жараёнлари демократик асосдаги яхлит тизим сифатида ташкил этилиши лозим. Бунда фермер хўжаликлари, таъминот ташкилотлари, қайта ишлаш саноати, молиявий ва консалтинг хизматлари ҳамкорликда иш олиб бориши муҳим аҳамият касб этади. Соҳада ишлаб чиқаришни бошқариш муаммоси анчадан бери мавжуд, аммо унинг оптимал ва самарали амалга оширилишининг умумэътироф этилган усули ҳалигача ишлаб чиқилмаган. Қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, агротехнологик жараёнларни микро- ва макро даражада бошқаришга ёндашувни кўриб чиқамиз.**

Жамоатчилик бошқарувини ташкил этиш ана шундай ҳамкорликни таъминлайдиган ва соҳадаги субъектларни бирлаштирадиган механизм ҳисобланади.

Жамоат бошқарувини ташкил этиш ва унинг вазифалари:

Микродаражада агротехнологик ишлар корхона доирасидан ташқаридаги хизмат субъектлари томонидан амалга оширилади. Анъанавий ёндашувда бошқа корхоналарнинг агротехнологик жараёнларини такомиллаштириш устувор вазифа сифатида кўрилмайди. Бу эса агросаноат сектори ривожланишига жиддий тўсиқ бўлиб хизмат қилади.

Анъанавий бошқарув усулидан фарқли ўлароқ, агротизимни техник, технологик, иқтисодий ва методологик жиҳатдан интеграция қилиш орқали бошқариш агросаноат секторидаги ўзаро боғлиқ ҳамкор корхоналарнинг ягона тизимли фаолиятини ташкил этиш ва агротехнологик тадбирларни самарали амалга ошириш имконини беради.

Қишлоқ хўжалиги фермерларини қўллаб-қувватловчи инфратузилма субъектларининг фаолиятини мувофиқлаштириш зарур. Бу агросаноат соҳасининг яхлит тизим сифатида шаклланишига, узвий ҳамкорликда самарали ишлашга имкон яратади.

Жамоатчилик уюшмаси доирасида янги хизмат кўрсатувчи корхоналарни ташкил этиш зарурати мавжуд бўлиб, бу муайян ҳудуд имкониятлари ва захираларидан келиб чиқиб, янги иш ўринларини

яратиш каби муҳим вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади. Акс ҳолда, уюшма тузилмаларида мавжуд бўлмаган хизмат турларидан фойдаланиш учун бошқа ҳудудлардан корхоналарни жалб этишга тўғри келади. Бу эса вақт, хизмат сифати, мувозанатсизлик ва харажатлар каби бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Агар бундай хизматлар жамоатчилик уюшмаси таркибида ташкил этилса, кўплаб масалаларни жойида ва ўз вақтида ҳал қилиш имкони яратилади.

Умумий мақсадга эришиш йўлида уюшма аъзолари ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилади ва бир-бирини қўллаб-қувватлаб, уюшма ва корхоналар ривожига ҳисса қўшади. Бу эса ўзаро рақобатдан кўра, самарали ҳамкорликни рағбатлантиради. Бунда субъектлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик механизмини яратиш зарур бўлади.

Жамоатчилик бошқаруви фермерлар, агросаноат субъектлари ва техникавий-сервис хизмати кўрсатувчи корхоналарни бирлаштирган ҳолда, қуйидаги вазифаларни бажаради:

Ҳамкорликни ривожлантириш;

Ресурсларни самарали тақсимлаш;

Ер, сув, техника ва молиявий ресурслардан мақсадли фойдаланишни таъминлаш;

Таъминот ва хизмат кўрсатиш тизимини яхшилаш;

Уруғчилик, ветеринария, агротехника ва бошқа хизматлар билан таъминлаш;

Қайта ишлаш ва маркетинг: Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва бозорга чиқаришда ҳамкорликни таъминлаш;

Инновациялар ва таълим: Илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик қилиш, фермерларнинг билим ва кўникмаларини ошириш.

Ҳозирги кунда турли идоралар таркибида фаолият юритувчи корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари ўз манфаатлари ҳамда вазифаларидан келиб чиққан ҳолдаги қарорларни қабул қилади. Бу эса ҳамкор корхоналарнинг уйғун тарзда изчил ривожланишига тўсқинлик қилади. Шу сабабли, ҳудудларда агросаноат сектори комплекс ривожланиши учун жамоатчилик уюшмалари ташкил этиш ва корхоналарнинг уларга ихтиёрий аъзо бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бундай уюшмаларга бирлашиш мавжуд шароитлардан келиб чиққан ҳолда аниқ мақсадларга эришишда муваффақият кафолати бўлади.

Айни пайтда агросаноат соҳасида ягона мақсад ва тизимли ёндашув мавжуд эмас. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун корхоналар ва тадбиркорлик субъектлари ҳамкорликда иш олиб бориши лозим. Бу эса уларнинг жамоатчилик уюшмалари доирасида бирлашган ҳолда ҳаракат қилишини талаб этади.

Технологик жараённи талаб қилинган сифат ва ҳажм даражасида ташкил этиш учун барча шерик корхоналарнинг фаолияти ўзаро мувофиқлаштирилиши жуда муҳим. Жамоатчилик уюшмаси доирасида бирлашиш ҳар бир иштирокчининг манфаатларини амалга оширишга ёрдам беради ва натижада агротехнологик тадбирларнинг ўз вақтида сифатли бажарилиши таъминланади. Бунинг учун уюшмага аъзо ҳар бир корхона ўз зиммасидаги вазифаларни ўз вақтида ва юқори сифат билан бажариш кафолатини бериши керак.

Жамоатчилик бошқаруви қуйидаги асосий субъектлардан ташкил топиши мумкин:

Фермер ва деҳқон хўжаликлари – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар.

Илмий-тадқиқот марказлари ва таълим муассасалари – агротехнологиялар ва инновацияларни жорий этиш.

Машина-трактор парклари – механизация ва техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш;

Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари – суғориш тизимини самарали бошқариш.

Қайта ишлаш саноати корхоналари – маҳсулотни қайта ишлаш ва сақлаш.

Маркетинг ва савдо пунктлари – маҳсулот сотиш ва экспорт.

Транспорт ва логистика хизматлари – маҳсулотларни етказиб бериш.

Молиявий ва консалтинг хизматлари – кредит, лизинг ва молиявий маслаҳатлар.

Агротузилмаларни ягона жамоатчилик бошқарувига ўтказишнинг долзарблиги барча агротехнологик ишлар ва тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва инновацион ёндашув асосида амалга ошириш зарурати билан боғлиқ. Бундай бошқарувни ташкил этишдан асосий мақсад учун икки асосий омил мавжуд:

-Биринчиси – қишлоқ хўжалик экинларини белгиланган ҳудудда самарали жойлаштиришда зарур техник ва технологик ишлар билан шуғулланувчи шерик корхоналар имкониятларини инобатга олишдир.

Натижада:

Хизматлар нархи сезиларли даражада пасаяди, чунки бажариладиган ишлар учун турли альтернатив вариантлар танлаш имконияти яратилади;

Агротехнологик корхоналар томонидан кўрсатиладиган хизматларга ишонч ва кафолат ортади, чунки умумий мақсадга эришиш барча иштирокчилар учун манфаатли бўлади.

Иккинчи муҳим омил шундаки, агротехнологик тадбирларнинг барча жараёнлари жамоатчилик уюшмаси аъзолари ўртасида келишилган ҳолда амалга оширилади. Жамоатчилик бошқаруви тизимида ҳар бир корхона муҳокамада иштирок этиб, қарор қабул қилиш жараёнига бевосита таъсир ўтказади. Шу билан бирга, агротехнологик тадбирларда корхоналарнинг ихтисослашуви ва уларнинг иқтисодий салоҳияти ҳисобга олинади. Бу эса тизимда ҳар бир корхонанинг ўз имкониятларидан самарали фойдаланишини таъминлаб, умумий иқтисодий самарадорликнинг ошишига хизмат қилади. Бундан ташқари, интеграция натижасида муваффақиятнинг кафолати шундаки, ҳамкор корхоналар ягона иш графиги асосида фаолият юритади. Улар агротехнологик тадбирларни амалга оширишда барча ташкилий ва техник масалаларни биргаликда ҳал қиладилар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасининг ўзига хос хусусиятлари туфайли юзага келиши мумкин бўлган кутилмаган ҳолатларда ўз ҳаракатларини мувофиқлаштирадилар.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши юқори даражада мураккаб ва илмий асосланган жараён бўлиб, унинг исталган босқичида йўл қўйилган хатолар ёки эътиборсизлик якуний натижага, яъни самарадорлик ва ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатади. Бир бор йўқотилган имкониятни кейинги босқичларда тиклаш ёки бартараф этиш деярли имконсиз. Шу сабабли, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида барча жараёнларни пухта режалаштириш, ўз вақтида ва юқори сифатда бажариш жуда муҳимдир.

Жамоат бошқаруви ташкилоти иерархияси қуйидаги тарзда шаклланиши мумкин:

Директорлар кенгаши – жамоат бошқарувининг олий органи, асосий қарорларни қабул қилади.

Фаолият йўналишлари бўйича комиссиялар – агротехнологиялар, молия, маркетинг, таълим каби соҳалар бўйича иш олиб боради.

Маҳаллий офислар ва филиаллар – жойларда хизмат кўрсатиш ва амалий ёрдам кўрсатиш.

Жамоатчилик бошқарув уюшмаси доирасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш режасини шундай ишлаб чиқадики, унда ҳар бир иштирокчининг аниқ вазифалари, бажариш муддатлари, иш ҳажми ва бошқа муҳим жиҳатлар аниқ белгилаб берилади. Шу билан бирга, бошқарув ишлаб чиқариш, таъминлаш, молиявий ва ахборот функцияларини марказлаштирилган тарзда мувофиқлаштириб, самарадорлик ва ишончлиликни оширишга эришади.

Жамоатчилик уюшмаси доирасида юқоридаги вазифаларни самарали амалга ошириш учун унинг фаолият тамойилларини аниқ белгилаш ва агросаноат сектори тузилмасининг моделини ишлаб чиқиш зарур. Моделлаштириш – бу агросаноат соҳасидаги энг муҳим жараёнларни аниқ ва тўғри акс эттириш воситаси бўлиб, агротехнологик вазифаларни бажараётган корхоналарнинг ўзаро ҳамкорлигини тизимли равишда таҳлил қилиш имконини беради.

Агросаноат сектори комплекс ривожланишини таъминлаш учун жамоатчилик уюшмаси фаолиятининг моделини ишлаб чиқиш, агросекторда кечаётган барча жараёнларни математик ифодалар ва формулалар ёрдамида тасвирлаш муҳим аҳамиятга эга. Агросектордаги агротехнологик жараёнларнинг математик модели илмий ва амалий нуқтаи назардан турли муаммоларни таҳлил қилиш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш имконини беради. Бу эса агросаноат секторида самарали бошқарувни таъминлаш ва умумий иқтисодий самарадорликни оширишга хизмат қилади.

Математик моделни яратиш агротехнологик жараёнларни ўрганиш, ташкил этиш ва самарали амалга ошириш учун мустаҳкам пойдевор яратади. Бошқача айтганда, ишлаб чиқариш жараёнларини моделлаштириш бошқарув қарорларини қабул қилишда муҳим воситага айланиб, агросаноат сектори ривожланишини оптимал бошқариш имконини беради.

Агротехнологик жараёнлар ва ҳодисаларни математик моделлаштириш ҳамда компьютер воситалари ёрдамида ҳисоб-китобларни амалга ошириш бутун агросаноат тизимидаги жараёнларнинг динамикасини олдиндан таҳлил қилиш, уларнинг ривожланиш йўналишини аниқлаш ва мақсадли тарзда бошқариш имконини яратади.

Жамоатчилик уюшмасининг таркибига (ихтиёрий асосда) қуйидаги субъектлар кириши мумкин:

фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, шахсий ёрдамчи хўжаликлар (томорқа ерлари эгалари);

илмий-тадқиқот марказлари, таълим муассасалари;

машина-трактор парклари;

сувдан фойдаланувчилар уюшмалари;

таъминот ва логистика ташкилотлари;

қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш ва тарқатиш марказлари;

зооветеринария хизматлари;

маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналари;

транспорт ва логистика хизматлари;

агрофирмалар, кластерлар;

молиявий, ахборот, консалтинг ва бошқа инфратузилма ташкилотлари (1- расм).




**1-расм. Аграр секторни комплекс ривожлантириш жамоатчилик уюшмасининг ташкилий тузилмаси. [8]**

Бу тизимнинг тўғри йўлга қўйилиши агросаноат секторида ресурслардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини яхшилаш ва умумий иқтисодий самарадорликни оширишга хизмат қилади.

Жамоатчилик уюшмасига саноат корхоналари (қайта ишлаш, қайта ишлов бериш, кимё ва бошқалар), банклар, суғурта агентликлари ва бошқа ташкилотларнинг ихтиёрий равишда аъзо бўлишидан кўзланган асосий мақсад – агросаноат сектори ривожланишида корпоратив имкониятлардан самарали фойдаланишдир. Бу корхоналар жамоавий фаолият юритишга қизиқиш билдириб, ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда тармоқ ривожи йўлида ҳамкорликда ҳаракат қилиш имкониятига эга бўладилар.

Жамоатчилик уюшмасининг агросаноат сектори комплекс ривожланишига қаратилган асосий

вазифалари қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

фермерлик хўжаликларини ривожлантириш;

чорвачилик соҳасини тараққий эттириш;

сув таъминоти ва мелиорация ҳолатини яхшилаш;

илмий тадқиқотлар ва инновацияларни ривожлантириш;

кадрлар тайёрлаш ва бандлик масалалари;

техник хизмат кўрсатишни такомиллаштириш;

минерал ўғитлар етказиб беришни таъминлаш;

уруғчилик ва селекция ишларини ривожлантириш;

қайта ишлаш саноати муаммоларини ҳал этиш;

ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш;

банк тизими, лизинг ва молиявий муаммоларни ҳал қилиш;

маркетинг ва ахборот хизматларини такомиллаштириш;

консалтинг хизматларини ривожлантириш ва бошқа муҳим йўналишлар.

Бу вазифаларни амалга ошириш орқали жамоатчилик уюшмаси агросаноат секторидаги барқарор ривожланишни таъминлаш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ушбу йўналишлар жамоатчилик уюшмаси аъзолари, олимлар ва мутахассислар томонидан билдирилган таклифлар ва илмий ишланмалар асосида янада такомиллаштирилиши мумкин. Шу билан бирга, уларни ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этиш учун аниқ чора-тадбирлар белгилаш ҳар бир иштирокчининг фаолиятини янада самарали ва мақсадли йўналтириш имконини беради.

Бундай уюшмаларда иштирокчиларнинг меҳнатсеварлиги, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини шакллантириш, атроф-муҳитга масъулият билан ёндашиш, ижодий ва креатив фикрлаш, янгилик излаш ва инновацияларни қўллаш қобилиятини ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Энг асосийси, барча иштирокчилар ягона ва аниқ стратегик мақсадга эга бўлиши керак. Шунингдек, муваффақиятга эришишда муҳим бўлган омилларни чуқур таҳлил қилиш, уларни бошқа фермер хўжаликлари тажрибасига жорий этиш бўйича аниқ механизмлар ишлаб чиқиш ва уларни тарғиб этиш зарур.

Шу мақсадда, илғор фермер хўжаликлари негизида доимий равишда илмий-амалий семинарлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Муваффақиятли тадбиркорлар, малакали мутахассислар ва илмий ходимлар билан доимий мулоқот қилиш, уларнинг бой тажрибаси, таклиф ва тавсияларини ўрганиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш қишлоқ хўжалигини барқарор ва самарали ривожлантиришга хизмат қилади.

Фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари ва бошқа аграр корхоналар ўз ривожланиш стратегияларини мустақил ишлаб чиқиши зарур. Шу асосда жамоатчилик уюшмаси ўз фаолиятининг устувор йўналишларини белгилайди. Уюшманинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

Инновацион иқтисодиётни шакллантириш – аграр соҳада янги технологияларни жорий этиш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш.

Индустриал-инновацион сиёсатни амалга ошириш – иқтисодиётни диверсификациялаш ва қишлоқ хўжалигида юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш.

Ҳудудий агросаноат мажмуасининг ишлаб чиқариш стратегиясини шакллантириш – ҳар бир ҳудуднинг иқлим ва ресурс хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, узоқ муддатли ривожланиш режаларини ишлаб чиқиш.

Кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш – фермерлар, мутахассислар ва бошқарув ходимлари учун самарали таълим ва малака ошириш тизимини йўлга қўйиш.

Маҳсулот сифатини ошириш, меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигини кучайтириш – замонавий агротехнологиялар ва бошқарув усулларини татбиқ этиш орқали қишлоқ

хўжалигида самарадорликни ошириш.

Фермер хўжаликларининг имконият ва ресурсларини ўрганиш – аграр секторидаги мавжуд инфратузилма ва эҳтиёжларни таҳлил қилиш, уларни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Жамиятларда ижтимоий ва маънавий муҳитни мустаҳкамлаш – тадбиркорлик маданиятини юксалтириш, ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини шакллантириш.

Корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш ва бозордаги имкониятларини белгилаш – аграр корхоналарнинг ички ва ташқи бозордаги мавқеини мустаҳкамлаш учун маркетинг ва бошқарув стратегияларини ривожлантириш.

Бундан ташқари, агросаноат сектори комплекс ривожланиши бўйича жамоатчилик уюшмасининг энг олий бошқарув органи сифатида директорлар кенгашини ташкил этиш зарур. Ушбу кенгаш уюшманинг стратегик йўналишларини белгилаш, муҳим қарорлар қабул қилиш ва уларни самарали амалга ошириш учун масъул бўлади.

Директорлар кенгаши таркибига фермер хўжаликлари раҳбарлари, хизмат кўрсатиш корхоналари, таъминот ташкилотлари ва уюшмага аъзо бўлган бошқа ҳамкор корхоналарнинг вакиллари киритилади.

Кенгашнинг самарали фаолият юритишини таъминлаш ва бошқарув жараёнларини мувофиқлаштириш мақсадида ижроия раҳбар сайланади (2-расм).

Жамоатчилик уюшмаси кенгаши доимий мониторинг натижалари, интеграция, инновациялар ва бошқа ресурсларга оид маълумотлар асосида уюшма фаолиятини мувофиқлаштириш, таҳлил қилиш ва назорат қилиш ваколатига эга бўлиши лозим.

Жамоатчилик уюшмасининг ижроия раҳбари фермер хўжаликлари, ишлаб чиқариш субъектлари ҳамда тегишли соҳаларда фаолият юритаётган корхоналар вакиллари томонидан сайланиши мумкин.

Фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги хизмат ташкилотлари, қайта ишлаш саноати корхоналари, банк ва суғурта муассасалари ҳамда уюшмага ихтиёрий равишда қўшилган бошқа ташкилотлар Уюшма раҳбарини сайлайди. Ушбу раҳбар ҳар йили амалга оширилган ишлар юзасидан уюшма аъзоларига ҳисобот беради.




**2-расм. Аграр секторни комплекс ривожлантириш жамоатчилик уюшмасининг директорлар кенгаши.**

Қишлоқ хўжалиги фаолияти кўп қиррали ва мураккаб тизим бўлиб, у ўз ичида синергетик хусусиятларни мужассам этган. Стратегик бозор бошқаруви бўйича етакчи мутахассислар Девид А. Аакер [1] ва Жерри Жонсон [6] таъкидлашича, «синергия» концепциясининг моҳияти шундаки, бутун тизим унинг таркибий қисмларининг оддий йиғиндисидан кўра анча катта қийматга эга бўлади. Яъни, компания ичидаги бир нечта стратегик бизнес-бўлинмаларнинг ҳамкорлиги уларнинг ҳар бири мустақил равишда иш олиб борган ҳолатга нисбатан анча самаралироқ бўлади.

Э. Кемпбелл ҳам шу фикрни қўллаб-қувватлаб, синергия афзалликлари фақат фаолият турлари ёки жараёнлар бир-бирини самарали тўлдирганда намоён бўлишини таъкидлайди. Натижада, умумий самара алоҳида қисмларнинг оддий йиғиндисидан юқори бўлади.[4]

А.В. Четвериков эса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида синергетик самарага эришишнинг энг самарали йўли интеграцион тузилмаларни

шакллантириш эканлигини таъкидлайди. Унга кўра, бу усул қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва самарадорлигини юксалтириш имконини беради. [5]

Бироқ, бугунги кунда айрим раҳбарлар синергия имкониятларидан самарали фойдалана олмайди. Бу, асосан, уларнинг вазиятни реал баҳолаш, режалаштирилаётган чора-тадбирларнинг ҳақиқий таъсирини аниқ ҳисоблашдаги муаммолари билан боғлиқ. Шунингдек, хизмат кўрсатувчи инфратузилма ташкилотлари қишлоқ хўжалигининг ривожланишига алоҳида эътибор қаратиши зарур. Чунки аграр соҳанинг тараққиёти сервис ташкилотлари учун ҳам кўпроқ талаб ва имкониятлар яратиб беради, бу эса ўз навбатида, соҳадаги умумий иқтисодий ўсишни таъминлайди.

Жамоатчилик уюшмасининг самарали фаолиятида инсон омили ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, интеграциялашган тизимнинг барқарор ривожланишида асосий омил сифатида намоён бўлади. Академик Т. И. Заславскаянинг таърифича, инсон омили – “бу жамиятнинг турли қатламлари, ижтимоий гуруҳлари ва ташкилотлари ўртасидаги ўзаро таъсир тизими бўлиб, уларнинг биргаликдаги фаолияти жамиятнинг барқарор ва илғор ривожланишини таъминлайди” [3].

Агар инсон омили тўғри ва самарали бошқарилса, жамоатчилик уюшмаси доирасида корпоратив иқтисодий самарадорликни ошириш учун қулай шароитлар вужудга келади.

Жамоатчилик уюшмаси кўп қиррали бўлиб, аграр тармоқнинг барқарор ривожланиши ва самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи йўналишларни қамраб олиши лозим. Унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Агрокластерлар – қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ишлаб чиқариш тизимларини бирлаштириш, улар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш;

Агрологистика – қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришдан тортиб, уни сақлаш, ташиш ва бозорга етказиб бериш тизимини такомиллаштириш;

Агрокооперация – кичик фермер ва деҳқон хўжаликларининг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаш.

Бу тузилмалар мустақил бўлса-да, жамоат уюшмаси доирасида биргаликда иш юритиб, умумий мақсадлар ва стратегия асосида ҳаракат қилиш орқали юқори самарадорликка эришиш мумкин.

Тизимли ҳамкорлик ва ресурсларнинг оқилона бошқарилиши орқали қуйидаги синергетик самараларга эришиш мумкин:

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш;

Меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларни тежаш;

Ер ҳосилдорлиги ва маҳсулот сифати ошиши;

Ишлаб чиқариш жараёнларининг барқарорлиги ва самарадорлиги ортган ҳолда, янги инновацион ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш [2]. Шу тариқа, жамоатчилик уюшмаси доирасида инсон омилининг самарали бошқарилиши, аграр сектордаги турли тармоқлар ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилиши ва замонавий инновацияларнинг қўлланилиши қишлоқ хўжалигини барқарор ва самарали ривожлантиришнинг асосий гарови ҳисобланади.

Шундай қилиб, агросаноат секторида ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни таъминлайдиган яхлит тизимни шакллантириш зарур. Бу тизим қуйидаги муҳим тамойилларга асосланиши лозим:

Тармоқлараро интеграция – аграр секторнинг барча тузилмалари бир-бири билан мувофиқлашган ҳолда ҳаракат қилиши ва самарадорликни ошириши;

Сифатли бошқарув – агросаноат комплексининг барқарор ривожланиши учун стратегик режалаштириш ва самарали бошқарув тизимини жорий этиш;

Ягона мақсадга йўналтирилганлик – жамоатчилик уюшмаси аъзоларининг манфаатларини уйғунлаштириш ва умумий мақсад сари ҳаракат қилиш.

Натижада, аграр секторда инновацион ва барқарор ривожланишга эришиш, ресурслардан оқилона фойдаланиш, агротехнологик жараёнларни

уйғунлаштириш ҳамда иқтисодий самарадорликни ошириш имкони яратилади.

Жамоатчилик бошқарувини ташкил этиш афзалликлари:

Иқтисодий самарадорлик: Ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш.

Ташкил этилган бозор механизми: Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини барқарор сотиш имкониятини яратиш.

Инновация ва технологияларни жорий этиш: Илғор агротехнологияларни тезроқ татбиқ этиш.

Фермерларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш: Уларнинг бозорда рақобатбардошлигини ошириш.

Жамоат бошқаруви ташкилотини ташкил этиш босқичлари.

Ташкилий ишларни бажариш: Ҳудуддаги ҳамкор фермерлар ва агросаноат субъектларининг бирлашган жамоатчилик бошқврувини ташкил этиш.

Ҳуқуқий асосларни яратиш: Жамоат бирлашмаси низоми ва ички қоидаларини ишлаб чиқиш.

Ресурсларни жалб қилиш: Молиявий ва технологик ресурсларни излаб топиш.

Фаолият механизмларини ишлаб чиқиш: Ҳар бир субъектнинг ўзаро ҳамкорлик механизмларини белгилаш.

Илғор лойиҳаларни амалга ошириш: Бошланғич босқичда тажриба лойиҳаларини татбиқ этиш.

Тизимни кенгайтириш ва такомиллаштириш: Муаммоларни аниқлаб, уларни бартараф этиш асосида жамоат бошқаруви моделини ривожлантириш.

**Хулоса.** Агросаноат секторида интеграциялашган жамоат бошқаруви тизимини жорий этиш соҳада барқарор ривожланишни таъминлайди. Фермерлар ва агробизнес субъектларининг ҳамкорлиги орқали агросаноат соҳасидаги муаммоларни самарали ҳал этиш мумкин.

Жамоат бошқаруви ташкилоти ҳудудий ресурсларни мақсадли бошқариш, инновацияларни жорий этиш ва бозордаги рақобатбардошликни оширишга хизмат қилади.

Бундай тизимни шакллантириш натижасида агросаноат секторининг узоқ муддатли барқарорлиги таъминланади ва мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги мустаҳкамланади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Аакер Д.А. Бизнес-стратегия: от изучения рыночной среды до выработки беспроигрышных решений [пер. с англ.]; под ред. С.Г. Божук. – М.: Эксмо, 2007.

2. Горбунов В.С. Методология и модели управления инновационным развитием сельского хозяйства: автореф. дис….докт. экон. наук. – Саратов, 2011. - 48 с.

3. Заславская Т.И., Ривкина Р.В. Социалогия общественной жизни: очерки теории. – Новосибирск. Наука. 1991.

4. Кемпбелл Э. Стратегический синергизм/Э. Кемпбелл, К.Саммерс Лачс, 2-е изд.– СПб, Питер. – 2004.

5. Четвериков А.В. Основные направления повышения эффективности экономического механизма хозяйствования в агропродовольственных холдингах // Экономические науки. -2009. - №8.

6. Джонсон Д., Шоулз К., Уиттингтон Р. Корпоративная стратегия: теория и практика, 7-е издание [пер. с англ.]. - М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2007.

7. Мадалиев А.А. Агросаноат секторини комплекс ривожлантириш концепцияси. Монография. – Т.: Наврўз, 2020 й.

8. Мадалиев А.А. Агросаноат секторида бошқарувни демократлаштириш концепцияси. Монография. – Т.: Наврўз, 2020 й.

# ҚЎРҚУВ ҚУРОЛИ

## ТЕРРОРИЗМНИНГ РУҲИ ВА СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАРИ



**Карим Мажидов,**
Жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур
туман суди судья ёрдамчиси

**Гап бошида мақоламни шундан бошлашга аҳд қилдим ўзи “терроризм” нима, террор — қўрқинч, даҳшат маъноларини англатиб сиёсий рақибларни, мухолифларни, йўқотиш ёки қўрқитиш, аҳоли ўртасида ваҳима ва тартибсизликлар келтириб чиқариш мақсадидаги зўравонлик ҳаракатлари (таъқиб қилиш, бузиш, гаровга олиш, қотиллик, портлатиш ва бошқалар).**

Маьлумки, терроризм ва экстремизм балолари нафақат бугунги кунда, балки у мавжуд бўлган барча замонларда инсоният ва жамият учун том маьнодаги фожиа бўлиб келган. Бугунги нотинчликлар ҳукм сураётган минтақаларнинг деярли барчасидаги барқарор вазиятни издан чиқарувчи омиллари ҳам мазкур икки нарсадир.

Бу атамаларга бундан олдин ҳам кўплаб таьрифлар берилган бўлсада, уларнинг асл мазмун-моҳияти нотинчлик ва беқарорликни келтириб чиқариш, инсонлар қалбига қўрқув ва ваҳима солиш, уларни жисмонан йўқ қилиш, зўравонлик йўли билан ҳокимиятга интилиш каби салбий унсурлардан иборатдир.

Экстремизм ва терроризм биргаликда, бир маслакка хизмат қилувчи икки унсур деб қараладиган бўлса, экстремизм кўпроқ ғоявий ва назарий, терроризм эса кўпроқ ҳаракат жиҳатларига мос келади. Экстремизм барча динларда, масалан, буддизм, христианлик,

исломдаги норасмий оқимларда учраб туради. Франция фанлар академияси XVIII асрда чоп этган луғатида терроризмни “қўрқитиш тизими” деб таърифлайди. Бошқа гуруҳ олимлар терроризмни «ҳаракат орқали тарғибот» деб атайдилар. Айрим манбаларда эса терроризмга “қўрқитиш сиёсати” дея нисбат берилади. Кўриниб турибдики, террор ва қўрқув – эгизак тушунчалар ҳисобланади.

Террорчилик ҳеч қачон эзгуликка қаратилган эмас, аксинча ҳар доим диний ва инсоний меъёрлар, умуминсоний қадриятлар ва аҳлоқий фазилатларга қарши ишлатилганлиги учун энг оғир жиноят ҳисобланиб келган. Унинг тарихи қон билан ёзилган. Террорчилик дин, миллат, элат ва чегара билмайди. Энг ваҳший, маданиятсиз ва инсоний хислатларини йўқотган ашаддий жиноятчилар, бу қабиҳ ишга қўл урадилар. Муқаддас Ислом динини ҳам ниқоб қилиб олган экстремистик ва террористик ҳаракатлар бўлиб, улар ўз олдиларига исломнинг аслига қайтишни ва халифалик давлати қуришни куч ишлатиш йўли билан амалга оширишни мақсад қилган овимлардир. Бундай оқим ва ҳаракатлар диний мутаассибликка асосланган бўлиб, муайян сиёсат ва иқтисодий манфаатларни таьминлаш мақсадида амалга оширилади.

Шу билан VII асрнинг II-ярмидан XIII асрнинг I-ярмигача ислом дунёсида давом этган диний экстремистик ҳаракатлар инқирозга учраган бўлса ҳам, орадан беш аср ўтиб, XVIII аср ўрталарида Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб (1703-1794) томонидан Арабистон ярим оролида “Ваҳҳобийлик” номи билан аталган диний-сиёсий экстремистик ҳаракат, 1928 йил Мисрда Ҳасан ал-Банно томонидан “Иҳвонул муслимин” ҳаракати, 1952 йилда Фаластинда Тақиюддин Набаҳоний бошчилигида “Ҳизбут таҳрир ал исломий”, “салафийлик”, “ИШИД” ва шу каби кўплаб оқимларга асос солиндики, бу ҳам бўлса, ёвузликка хизмат қилган эски ота-боболарининг изидан борувчи, замонга ҳамоҳанг ҳолатда уларнинг бузғунчилик фаолиятларини давом қилдирувчи, бутун дунё тинчлигига раҳна солувчи янги бир ёвузлик жамоасини вужудга келтирди.

Мазкур жамоаларнинг деярли кўпчилик қисми бутун дунёда Ислом халифалигини барпо этишни ўзларига шиор қилиб, қилаётган амаллари бунёдкорлик ўрнига фақатгина бузғунчилик ва қирғиндан иборатлигига бутун дунё гувоҳ бўлишмоқда. Бу эса, Ислом дини таълимотининг нотўғри талқин қилинишига, эзгуликка чақирувчи муқаддас динимиз шаънига ноўрин таъна тошлари отилишига олиб келмоқда. Ваҳоланки, “ислом” сўзининг ўзаги “салом” сўзидан олинган. Яъни, тинчлик ва саломатлик маъноларини англатади. Учинчи маъноси – итоат. Яъни, Аллоҳ ва Унинг Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам кўрсатмаларига амал қилиш ҳаракатида бўлиши лозим, деган хулоса чиқади. Ислом дини нафақат инсоннинг ўзи, балки ўзга одамларга, ҳатто ўсимлик ва ҳайвонотга, қўйингки, барча мавжудотга нисбатан раҳм-шафқатли ва меҳрибон бўлишга чақиради. Зўравонлик, кўпорувчилик ва тажовузкорликни у ҳеч қачон оқлаган эмас ва оқламайди ҳам. Қуръони каримнинг Моида сураси 32 — ояти мазмунида шундай дейилади: “Кимки бирон жонни ўлдирмаган ва ерда бузғунчилик қилиб юрмаган одамни ўлдирса, демак гўё барча одамларни ўлдирибди ва кимки унга ҳаёт ато этса, демак, гўё барча одамларга ҳаёт берибди”.

Динимизнинг тинчликсевар, мўътадил таълимот эканлигини, у ҳеч қачон қон тўкиш, уруш оловини ёқишни ёқламаслигини бутун жаҳон аҳли яхши билади. Шулардан келиб чиққан ҳолда тўла ишонч билан айтишимиз мумкинки, террорчи ва экстремистлар бу дунёдаги ёвузлик меросхўрларидир.

Ҳозирги вақтда 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт

стратегияси доирасида, жумладан:

• экстремизм ва терроризмни келтириб чиқарувчи омилларнинг олдини олишга қаратилган превентив механизмларни такомиллаштириш, ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, ёт ғоялар таъсирининг олдини олиш ва бундай таъсирга тушиб қолганлар билан тизимли ишлаш орқали уларнинг муаммоларини бартараф этиш;

• аҳоли, айниқса ёш авлодда терроризм ва экстремизм мафкурасига қарши қатъий ва барқарор иммунитетни шакллантириш;

• экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг халқаро-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳамда хорижий давлатлар, минтақавий ва халқаро ташкилотлар билан экстремизм ва терроризмга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини кенгайтириш;

• дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалари, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, шунингдек, чет элга узоқ вақтга кетаётган ҳамда яшаб келаётган фуқаролар билан шуғулланувчи бошқа идораларнинг кадрлар салоҳияти ва ресурсларини мустаҳкамлаш;

• хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан экстремизм, терроризм ва уларни молиялаштиришга қарши кураш соҳасида ахборот ҳамда тажриба алмашиш;

• фаолияти экстремизм ва терроризмга қарши курашишга қаратилган халқаро ва минтақавий ташкилотларда фаол иштирок этиш;

• Марказий Осиёда БМТнинг Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларни биргаликдаги ҳаракатлар режаси доирасида мувофиқлаштириш;

• Марказий Осиёда экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича биргаликдаги ишлар доирасида ахборот алмашинуви ва ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам берувчи халқаро ташаббусларни амалга оширишда Ўзбекистоннинг ролини кенгайтириш;

• дунё ҳамжамияти ва минтақавий ташкилотлар эътиборини Афғонистонда тинчлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга жалб қилиш борасидаги ташаббусларни жадаллаштириш ва ушбу мамлакатни минтақавий ҳамкорлик жараёнларига, шу жумладан экстремизм ва терроризмга қарши курашишга жалб қилиш каби муҳим масалалар доирасида изчил ишлар бошлаб юборилган.

Халқаро конференцияда инсон ҳуқуқлари масалаларига катта эътибор қаратилаётгани, таъбир жоиз бўлса, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлида илгари сурган “Инсон қадри учун” тамойили билан ўзаро уйғун ва ҳамоҳангдир.

Буни анжуман доирасида “Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон миқёсида ҳурмат қилиниши ва қонун устуворлиги таъминланиши – терроризмга қарши курашнинг асосий таянчи” мавзуси алоҳида сессия мажлисида муҳокама қилиниши кўзда тутилаётгани ҳам яққол тасдиқлайди.

Мамлакатимиз Бирлашган миллатлар ташкилотининг Глобал аксилтеррор стратегиясини қўллаб-қувватлаган, терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш бўйича 14 та халқаро конвенция ҳамда протоколни ратификация қилган.

Бундан ташқари, бу борада мамлакатимизда “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”, “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”, “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

# “МЕНИ ПРОФЕССОР ДЕЙИШСА БЎЛДИ...”

**Биз буюк аждодларимизнинг ютуқлари билан фахрланибгина қолмасдан, уларга муносиб авлод бўлишга ҳам интилишимиз керак.**

***Ш.М. Мирзиёев,***

***Ўзбекистон Республикаси Президенти***




**Суратда: Устознинг 100 йиллик юбилейлари муносабати билан 2020 йилда нашрдан чиққан китоб муқоваси**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси, физика-математика фанлари доктори, профессор Саъди Ҳасанович Сирожиддинов Ўзбекистонда математиканинг эҳтимоллар назарияси ва математик статистика йўналиши бўйича илмий мактаб яратган олим сифатида тарихда чуқур из қолдирганлар.

Улар ташкил этган илмий-ўқув семинари ҳозирги даврда ҳам на фақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда, қолаверса бутун жаҳонда ҳам мана ярим асрдан кўп вақт давомида тан олиниб келинмоқда, нуфузи йилдан-йилга ошиб бормоқда.



**Суратда: Шоҳимардоннинг “Ёрдон” қишлоғида “Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика” бўйича ўтказилган илмий-амалий конференциясининг бир гуруҳ қатнашчилари (суратнинг ўнг ва чап томонининг юқорисидан биринчи, С. Ҳ. Сирожиддиновнинг яқин шогирдлари физика-математика фанлари доктори, профессор, МГИМОнинг Тошкент филиали Академик директори Матёқуб Тешаевич Бакоев ва профессор Анатолий Николаевич Старцев (1983 йил, сентябрь)**

Саъди Ҳасанович ёшларга бўлган эътиборлари жуда катта бўлиб, ёшларга бир назар солгандаёқ ички иқтидорини англаб олиш хусусиятига эга эдилар. Ана шу қобилиятлари сабаб, ўзларининг илмий мактабларини яратиб кетдилар.

Ёшларга мактабнинг бошланғич синфлариданоқ математикани чуқур ўргатиш зарурлигини доимо такрорлашдан чарчамас эдилар.

Ушбу масалани янада оммалаштириш бўйича ташкиллаштириладиган учрашувларга албатта ўзлари бориб иштирок этишликни олимлик вазифаларидан бири деб билар эдилар.

1982 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг вице-президенти бўла туриб, у вақтларда энди оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилишни бошлаган, ҳозирги вақтдаги машҳур журналист Қуддус Аъзамов томонидан Математика институтида мактаб ўқувчилари билан ташкиллаштирилган учрашувда, уларнинг математиканинг сир-асрорлари билан таништирганликлари ҳали-ҳали кўз олдимда намоён бўлади, салобатли товушлари эса қулоғимда жаранглаб туради.

Устоз шахматга ниҳоятда катта ҳурмат билан қарардилар, шу сабабли бўлса керак, 1984 йилда Марказий Осиёдан чиққан биринчи гроссмейстер, ўзбекистонлик Георгий Тожиевич Агзамов билан дўстона алоқада бўлиб, 1984 йилнинг кеч кузида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Математика институтида, бошқа илмий текшириш институтларининг олимларини ҳам жалб қилган ҳолда, бирваракайига 32 та шахмат тахтасида, шахмат турнирини ўтказишни ташкиллаштирганлар, бунда фақатгина Математика институтининг ходими Лев Васильевич Ким, фахр билан гроссмейстер билан дуранг натижага эришган эди.



**Суратда: Гроссмейстер Георгий Агзамов хотирасига бағишланган 2023 йил 5-12 апрелида Халқаро шахмат академиясида ўтказилган XVI Халқаро шахмат турнири. Ўнг томонда, турнир ташкилотчиларидан бири - таниқли журналист Шароф Убайдуллаев**

Бундан ташқари, 1980 йилларда машҳур бўлиб кетган, венгриялик Рубикнинг кублари эҳтимоллар назарияси (стохастик анализ)га боғлиқлик жойи бўлганлиги учун, ёшларга ўхшаб тез эмас, балки умуман вақтга боғлиқ бўлмаган ҳолда йиғишни ўрганиш ҳаммага бирдай фойдали бўлишлигини айтиб, 1982 йилнинг кузида, Венгрия давлати томонидан ўтказилган илмий кўргазма сабаб, устозга совға сифатида берилган оригинал Рубик кубини яқин шогирдлари, ҳозирда профессор Матёқуб Тешаевич Бакоевга эҳтимоллар назарияси йўналиши олими сифатида ўрганиб чиқишлик учун берганликлари ёдимда.

Математика институтида ўтказиладиган байрам тадбирларида С. Ҳ. Сирожиддинов рафиқалари билан келиб, бутун жамоа ходимларини табриклаб кетардилар.

Математика институтининг ёнида Механика институти жойлашган бўлиб, унинг директори, профессор (кейинчалик академик) Тўхтамурод Жўраев, агарда домла институтга ташриф буюрганликларини билсалар албатта учрашиб, маслаҳатлашиш учун чиқар эдилар. Математика институтининг директори, академик Маҳмуджон Салохиддинов ҳам уларнинг суҳбатида иштирок этишни маъқул кўрардилар.

**Суҳбатларида:**

- ҳисоблаш техникалари катта ҳажмдаги компьютерлардан кичик ҳажмдаги шахсий компьютерлар томон шиддат билан ривожланиб бораётганлигини ҳам биз ёшлар биринчи бўлиб уларнинг суҳбатларидан эшитганмиз. У даврда устознинг, ҳозирги шахсий компьютрларнинг илк намоёндаси бўлган, программалаш имкониятларига эга, кўп функционалли калкуляторлари бор бўлиб, уни хорижга хизмат сафарига борганларида, ҳеч нарса харид қилмасдан, бор маблағларига шу калькуляторни олган эканлар. Ушбу калькуляторни доимо ёнларида, ўзлари билан олиб юрар эдилар;
- суҳбатларининг бирида эҳтимоллар назариясини, академикларни сайлашда, калькуляторда дастурлаш орқали қандай қилиб татбиқ этганликларини, иккинчи жаҳон уруши даврида Эрон чегарасида ҳарбий хизматни ўтаганликларини, шароитлар жуда оғир бўлганлигини сўзлаб берган эдилар.

Ўз суҳбатларида тарбия ҳақида сўз юритар эканлар, 2 та ўғиллари: Олимжон ва Юсупжонлар борлигини айтган эдилар. Шуни қайд этиш керакки, Юсупжон ака кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида кичик акамлар, ҳозирда Турон Фанлар Академиясининг академиги Маҳмудхон Тоиров билан узоқ муддат масъул лавозимларда бирга ишлашган. Маҳмудхон акам Юсупжон акани доимо ҳақиқий олийжаноб ва камтарин инсон деб таърифлаб келадилар.

Саъди Ҳасанович бир суҳбатларида, ўзлари Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси бўлсалар ҳам, камтарлик билан “мени профессор дейишса бўлди” деб мурожаат қилишларини маъқул кўришларини айтиб ўтганлар. Чунки (у даврларда), бизнинг республикамиз академикларини хорижда унчалик тан олишмас, хорижга чиқилганда профессорлик унонининг нуфузи баланд эди.

Биз ёшлар билан гаплашганда “билимни чайнаб”, ҳазм қилиб юбориш керак, дердилар. “Билимни чайнаб” ташлаш эса ўз-ўзидан бўлмаслигини, бунинг учун одам тинимсиз ҳаракатда, тинимсиз изланишда бўлишлиги, кунни тунга, тунни эса кунга улаб ўқиб-ўрганиб амалга оширилишлигини уқтирар эдилар. Илмий семинарларда лавозим ёки мартабага қараб эмас балки илм нуқтаи назардан ким ҳақ бўлса, шу йўналишни дарҳол илғаб олиб, шу йўналишни қўллаб юборар эдилар.

Буюк математик Ал-Хоразмийнинг 1200 йиллигини Халқаро миқёсда нишонланишлиги муносабати билан, хориждан келадиган меҳмонларни кутиб олиш учун, инглиз тилини янада чуқурроқ ўрганиш шартлигини кун тартибига кўндаланг қўйганлар, ҳамда ҳамма учун қўшимча равишда инглиз тилидан ўқиш курсларини ташкиллаштириб берганлар.

Саъди Ҳасанович прагматик олим эдилар, яъни назарияни амалиётда қўлланишлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлар эдилар.

Математика институтининг Зарафшон олтин-кон компанияси билан ўзаро ишлаб чиқариш шартномаси бўлиб, Саъди Ҳасанович ўзлари ҳам бевосита конга бориб, ишлаб чиқариш жараёнларини жойида ўрганишни маъқул кўрганлар.

Шундай хизмат сафарларининг бирида кон раҳбари, конда ташкил этилган музейни ҳам кўрсатган, шунда устоз стандарт олтин қуймаларни кўрсатиб, вазни қанчалигини сўраганлар. Бунга жавобан кон раҳбари “агар олтин қуймасини қўл билан жойидан силжитиб кўтара олсалар, олтин қуймаси сизники” дейди. Устоз қўл билан қуймани

силжитишга, кўтаришга ҳаракат қилиб кўрадилар, уддасидан чиқа олмайдилар.

Шунда устозга ҳамроҳ бўлиб борган, профессор Анатолий Николаевич Старцев, ҳазиллашиб, “олтин қуймасини меҳр билан, кучоқлаб кўтарса бўлмайдими” деб, лутф этган экан.

Ҳозирги кунда билсак ушбу қуйма олтин стандартларининг ҳажми кичик бўлгани билан, ҳар бирининг оғирлиги 13 килограммдан бўлиб, уни кўтариш у ёқда турсин, икки қўл билан жойидан силжитиш ҳам унча-мунча полвоннинг қўлидан келмас экан.

Туғма қобилиятли математик бўлганликлари учун бўлса керак, рақамларга бўлган ҳурматлари чексиз эди. Катта сонларни ёзишда, ҳар учта хонадан сўнг оралиқ қолдириб ёзишни яхши кўрар эдилар, палапартиш бир-бирига қўшилиб кетган сонларни маъқул кўрмас эдилар, биз ёшлардан ҳам шуни талаб қилар эдилар.

Устоз билан бевосита мулоқатларим натижаси ўлароқ, мен уларнинг қуйидаги асосий инсоний хусусиятларини алоҳида кўрсатиб ўтмоқчиман:

- оддийлик-салобатлилик билан бирга, камтарлик ва тарбиялилик;
- юқори муомала маданияти;
- қобилиятли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлик;
- илм-фанга содиқлик;
- устозларга эҳтиром кўрсатиш;
- илмий дунё қарашларининг кенглиги ҳамда янгиликларга чанқоқлик;
- илмий муҳокамаларда умуман тенгликни, ҳур фикрлиликни маъқуллашлик.



**Устоз шогирдларининг хотирасида абадий яшайди…**

Яқинда, бир суҳбатимизда, профессор Матёқуб Тешаевич, 1988 йилнинг баҳорида, устознинг дала ҳовлиларида учрашганликларини, ҳамда улар “мана энди пенсияга чиқдим, эндиликда сиз билан бирга фақат илм билан шуғулланамиз” деб айтганликларини, шундан кейин санаторийга дам олиш учун кетиб, 30 апрель куни, тўсатдан оламдан ўтганликларини, чуқур қайғу билан айтиб бердилар.

Ҳозирги кунда Саъди Ҳасанович Сирожиддинов яратиб кетган математика мактабининг вакиллари Янги Ўзбекистонни қуриш ва III Ренессанс асосларини яратишда фаол иштирок этиб келишмоқда.

**Фозилхон Тоиров,**

Москва Давлат Халқаро муносабатлар институти (МГИМО-Ташкент) Тошкент филиалининг мустақил тадқиқотчиси.

# ТАНИҚЛИ ШОИР БИЛАН УЧРАШУВ

**Яқинда Тошкент вилоятида ўзининг гўзал табиати, меҳнаткаш ва самимий, меҳмондўст халқи билан алоҳида ажралиб турадиган Чиноз туманидаги 14-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабида “Уч авлод учрашуви” шиори остида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, таниқли шоир ва таржимон Асрор Мўминнинг 70 йиллигига бағишланган ижодий кеча бўлиб ўтди.**







Учрашувда туман ҳокимияти, республика “АгроИнформ” ва “АгроБизнесИнформ” журналлари вакиллари, Кексалар маслаҳати гуруҳи аъзолари, ЎзЛиДеП ва хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, афғон уруши қатнашчилари, мазкур мусиқа мактаби ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этдилар.







Тадбирни Чиноз туман ҳокимининг Ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш, маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари Насиба Қорабоева кириш сўзи билан очди ва олиб борди.

Ижодий кеча қаҳрамони Асрор Мўмин адабиёт ва санъатнинг уйғунлиги, ҳаётимиздаги ўрни, буюк аждодларимиз қолдирган беназир мерослар, ватанимизнинг тарихи ва келажаги ҳақида сўз юритди ва ўзининг ижодидан намуналар ўқиб берди.

Сўзга чиққан "АгроБизнесИнформ" журнали бош муҳаррири Маҳмуд Тоиров, Чиноз туман "Нуроний" жамғармаси раиси Мирсоат Мирсодиқов, хотин-қизлар қўмитаси фаоли, "Мўтабар аёл" кўкрак нишони сохибаси Танзила Аллабергановалар Асрор Мўминнинг ҳаёти ва ижодида тўхталиб ўтдилар.

— Бугунги тадбир нафақат ёшлар, балки кексаларимиз учун ҳам катта маънавий озиқа бўлди десам муболаға бўлмайди, — деди ЎзЛиДеП Чиноз туман Кенгаши аппарати раҳбари Файзулла Тожиқулов. — Чунки Асрор Мўминнинг шеърлари ёшларнинг ҳам, кексаларнинг ҳам қалбларидан муносиб жой олишга қодир ижод намуналаридир.

— Ушбу тадбир айнан бизнинг мусиқа мактабимизда бўлиб ўтаётганидан мен жуда мамнунман, — деди 14-сонли Болалар Мусиқа ва санъат мактаби директори ... Дилмурод. — Бундай тадбирлар ватанпарвар, ҳар томонлама етук, баркамол авлодни тарбиялашда мухим ўрин тутади...

Тадбир давомида ўзбек халқ қўшиқларини маромига етказиб ижро этган мусиқа мактаби ўқувчилари Толибжон Махкамжонов, Сарварбек Абдумўминов, Аслиддин Абдувалиевларга Асрор Мўминнинг китоблари совға тариқасида топширилди.

Ижодий кеча якунида бўлиб ўтган савол-жавоблар, учрашувнинг янада қизиқарли ва жонли ўтишига хизмат қилди.

Элимиз назари тушган, таниқли шоир ва таржимон Асрор Мўмин билан бўлиб ўтган ушбу ижодий кеча барча тадбир иштирокчиларининг хотираларида абадий сақланиб қолиши шубҳасиз.

**Сирожиддин Рустамов,**

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

# СЛАВНЫЙ ЮБИЛЕЙ ГОСУДАРСТВЕННОГО И ОБЩЕСТВЕННОГО ДЕЯТЕЛЯ, ТАЛАНТЛИВОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЯ И ПРОСТО ХОРОШЕГО ЧЕЛОВЕКА

**Мы последовательно продолжим политику по укреплению согласия между нациями и конфессиями, обеспечению свободы совести каждого гражданина Узбекистана, независимо от национальности, языка, религии и социального происхождения.**

**Будем уделять особое внимание развитию институтов гражданского общества на основе положений и норм, закрепленных в Основном законе, путем повышения роли негосударственных организаций, укрепления гарантий их прав.**

***Ш.М. Мирзиёев,***
***Президент Республики Узбекистан***

Мой дядя — Абдулхай Таирович Таиров, — известный освоитель Голодной степи, в своё время был заместителем начальника «Главголодностепстроя» Акопа Абрамовича Саркисова, потом работал вместе с ним и в «Главсредазирсовхозстрое». Говоря об Акопе Абрамовиче, дядя всегда подчёркивал: «Он узбекский армянин. Настоящий патриот Узбекистана. Верный друг Шарафа Рашидовича». Сейчас, когда отмечается славное 85-летие известного предпринимателя Александра Николаевича Мелкумова, я хотел бы эти слова отнести и в его адрес. Добавил бы к этому, что он является представителем славной когорты руководителей, воспитанных ещё замечательным сыном узбекского народа, выдающимся государственным и общественным деятелем, Шарафом Рашидовичем Рашидовым, четверть века возглавлявшим нашу страну. Потому что он весь отдаётся работе, всё делает для увеличения экономического могущества нашей страны, для строительства Нового Узбекистана… В своё время я работал первым заместителем заворготделом, заворготделом ЦС НДП Узбекистана и непосредственно общался с Александром Николаевичем, восхищался им. Не случайно он дважды избирался депутатом Олий Мажлиса Республики Узбекистан от Народно-демократической партии Узбекистана, депутатом Ташкентского городского Кенгаша народных депутатов. Он щедро помогал нам в проведении различных акций партии…



Мелкумов Александр Николаевич, родился 28 марта 1940 года, в г. Самарканд.

В 1962 году окончил Химико-технологический факультет Ташкентского политехнического института им. Беруни, по специальности инженер-технолог по переработке пластических масс.

1962-1969 гг. – работал в системе химической промышленности на должностях: старший техник, ведущий инженер, руководитель группы, начальник лаборатории пластмасс, начальник отдела пластмасс, заместитель главного инженера ЦКТБ химической промышленности.

В 1969 году по его инициативе в Ташкенте создается самостоятельное подразделение Московского Института НИПТХим. В 1974 году — он создал ПО «Узбытхимпласт». Депутат Олий Мажлиса двух созывов, с 1994-1999 гг. и 1999 по 2004 гг. В декабре 2004 г. был избран депутатом Ташкентского городского Кенгаша. Заслуженный работник промышленности Узбекистана, награждён орденом «Дустлик», золотой медалью Академии Художеств Узбекистана, орденом «Звезда Содружества» за выдающиеся заслуги в укреплении взаимовыгодного сотрудничества в сфере экономики.

А. Н. Мелкумов кандидат технических наук, почетный доктор Ташкентского химико-технологического института. Автор более 80 научных трудов, свыше 600 изобретений и промышленных образцов.

В 1987 г. по инициативе А. Н. Мелкумова на базе научной части и опытного завода НПО «Узбытпластик» создается совместное советско-итальянское предприятие «Совпластитал».

С 1987 года он является руководителем СП «СОВПЛАСТИТАЛ». Для того чтобы создать такую индустрию, как «СОВПЛАСТИТАЛ», мало быть просто предпринимателем. Необходимо быть созидателем, каждый день создавать нечто принципиально новое, в этом Александр Николаевич видит свою гражданскую позицию.

А. Н. Мелкумов бесконечно благодарен итальянцам, с которыми он начинал создавать «Совпластитал», фирме «Алма Розе», своему коллеге Джузеппе Матавелли и другим, которые признают, что все случилось по формуле «ученик превзошел учителя». Ресурсные возможности родного Узбекистана таковы, что позволяют воплощать в жизнь все новые идеи. Ведь здесь сосредоточена вся таблица Менделеева… «В священный месяц Рамазан, накануне ночи Лайлатул кадр кечаси, когда сбываются все добрые надежды, мы возносим молитвы, чтобы в нашей стране, во всем мире всегда царили мир, взаимопонимание и доброта!» Слушая эти слова Президента Республики Узбекистан Шавката Миромоновича Мирзиёева на церемонии ифтарлик в резиденции «Куксарой» 25-го марта с.г., мы все как один, подняли руки в знак присоединения к ним. Вместе с нами поддержали эти пожелания присутствовавшие руководители всех конфессий, все руководители дипломатических миссий, представители разных народов, живущих в нашей стране, для которых Узбекистан — наш общий дом…

И вот мы отмечаем юбилей знаменитого армянина, сына родного Узбекистана, талантливого предпринимателя …

Александр Николаевич полон новых идей и помыслов во славу родного Узбекистана. Поздравляя его со славным юбилеем, мы желаем ему крепкого здоровья, большого счастья, новых успехов в его благородной деятельности, направленной на строительство Нового Узбекистана под руководством и вместе с Главой нашего государства.

**Носир Таиров,**

член Союза журналистов Узбекистана,

заместитель председателя Совета ветеранов при ЦС НДП Узбекистана.

Примечание: при подготовке данной статьи, использованы материалы из интернета

# ТАШКИЛОТЧИ, КАДРЛАРГА ҒАМХЎР ИНСОН ЭДИ

**(Юсуп Толипов портретига баъзи чизгилар)**

**1975 йил 26 ноябрда пойтахт вилояти номи билан аталадиган Тошкент тумани ташкил этилди. Ўша вақтни одати бўйича, тегишли ташкилий қўмита тузилди ва унга раис этиб, Янгийўл туманидаги “Ленинизм” жамоа хўжалигининг раҳбари Юсуп Толипов раис этиб тайинланди ва у кейинчалик Тошкент туман партия қўмитасининг биринчи котиби этиб сайланди.**

**У пайтлар мен собиқ Калинин ҳозирда Зангиота тумани туман партия қўмитасининг тарғибот ва ташвиқот бўлимининг инструктори бўлиб ишлардим...**

Тошкент тумани ташкил этилган куннинг эртасига мени туманимиз партия қўмитаси биринчи котиби, кейинчалик Меҳнат қаҳрамони унвонига сазовор бўлган раҳматли Раҳматилла Қамбаров қабулига таклиф этишди. Раҳбар олдига кирсам, олдиларида Тошкент тумани бўйича Ташкилий қўмита раиси Юсуп ака Толипов ўтирган эканлар. Раҳматилла ака “Бу йигит Носир Тоиров, инструктор. Тарғибот ва ташвиқот бўлим мудирлигига тавсия этамиз”, – дедилар.

Шу тарзда туман комсомол қўмитаси биринчи котиби Қобилжон Тошмуҳамедов Ташкилий бўлим мудирлигига, Светлана Зарипова умумий бўлим мудирлигига, Тўлқин Эгамбердиев инструктор этиб тавсия этилди...

Шундан сўнг Зоирхон Жалилов раҳбар бўлган Йўлдош Охунбобоев номли жамоа хўжалиги клубида Тошкент тумани ташкил этилиши муносабати билан йиғилиш ўтказилди. Йиғилишда вилоят ижроқўми раиси Пўлат Юсупов, Калинин тумани раҳбари Раҳматулла Қамбаров, Оржоникидзе тумани раҳбари Ёқуб Пўлатовлар иштирок этишди.

Кейинчалик туман партия конференцияси, Халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси бўлиб ўтди. Юсуп Толипов биринчи котиб, Муқаддам Умарова иккинчи котиб, Аъзамхон Тўрахонов котиб, Иляш Турсуметов ижроқўм раиси, Ғуломқодир Исломов ижроқўм раиси ўринбосари, Бўстон Эргашев туман халқ назорати қўмитаси раиси сифатида ишлай бошлашди.

Шундай қилиб, янги туман раҳбарияти шакллантирилди. Шуни қайд этиш керакки, Қобил Тошмуҳамедов ички ишлар тизимига ишга ўтиши муносабати билан туман партия қўмитаси Ташкилий бўлим мудири лавозимига Тўлқин Эгамбердиев тайинланди...

Тошкент туманига биринчи раҳбар бўлган Юсуп Толиповни эслар эканмиз, шуни қайд этиш керакки, туманга раҳбарлик қилар экан, Юсуп Толипов туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, унинг маънавий ва маърифий равнақига улкан ҳисса қўшди. Ходимлар саводхонлиги, уларнинг ижрочилик қобилиятига алоҳида эътибор,



**Суратда: Тошкент туманининг раҳбари Юсуп Толипов Меҳнат қаҳрамонлари М. Мирзаев, Т. Мирзаев, М. Исоқова ва бошқа фаоллар билан**

кадрлар тайёрлаш, уларнинг сиёсий-маънавий савиясини юксалтириш ҳақида ғамхўрлик қилди.

Ю.Толипов раҳбарлигида қишлоқ хўжалигига илғор технологиялар, илм-фан ютуқлари изчил жорий этилгани, халқимизнинг бой деҳқончилик анъаналари тикланиб боришлиги, ишлаб чиқариш муносабатлари оқилона ташкил этилгани сабабли, туманда ҳар йили картошка, сабзавот ва боғдорчилик, чорвачилик маҳсулотлари бўйича, шартнома режалари ортиғи билан бажариларди, пойтахт аҳолисини қишин-ёзин мева-сабзавот, чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашда, туман меҳнаткашлари муносиб ҳисса қўшишарди.

Юсуп Толипов раҳбарлик йилларида Тошкент туманидан республика ва вилоят миқёсида ишлаган ва ишлаётган кўплаб раҳбарлар етишиб чиқди. Улар орасида генерал-полковник Зокиржон Алматов, генерал-майор Комилжон Ғофуров, полковниклар Тоҳир Маҳкамов, Бахтиёр Ҳакимов, Виктор Колинковский, Бахтиёр Султонов ва бошқалар...

Шуни қайд этиш керакки, Юсуп Толипов мафкуравий ишларга катта эътибор берар эди. Шунинг учун биз бу борада кўплаб тадбирлар ўтказар эдик. Чунончи, Ҳасанбойда шоира Эътибор Охунова ва бошқа бир гуруҳ адиблар билан учрашув ўтказилди. Ленин номли (Ғиёс Умаров) колхозда Ҳалима Худойбердиева ва бошқа бир гуруҳ адиблар билан учрашув ўтказилди. Карл Маркс (Ғуломмаҳмуд Абдуллаев) номли колхозида шоирлар Миртемир домла, Акмал Пўлат, Эркин Воҳидов билан учрашув ўтказилди. Шу колхозда ўз вақтида машҳур артистлар Разззоқ Ҳамроев, Соиб Хўжаев томоша кўрсатишди. Разоқ Ҳамроев “Ўзбегим” қасидасини ўқиганда зал ларзага келди... Туманда Тўхтамурод Деҳқоний ва Темур Убайдулло ака-ука шоирлар бор эди. Юсуп Толиповнинг туман шаънига қасида

ёзган қўшиқчи шоир Тўхтамурод Деҳқонийга ҳурмат кўрсатиб тўн кийгизгани ҳаммани ҳурсанд қилган эди.

У пайтлар туман халқ таълими бўлими мудири Рустам ака Акбаров эди. Ҳурмати катта инсон эди. Уларнинг бир гал Кенсойда ўтказилган ўқитувчилар конференциясига келган вазир академик  Саид Шермуҳамедов келиб, катта таъсирчан нутқ билан чиққан эди...

1976 йилда туманга 2 марта республика раҳбари Шароф Рашидович Рашидов вилоят раҳбари Мирза Маҳмудович Мусахонов билан келишди. У пайтда туман партия қўмитаси Туман автомобиль йўллари бошқармаси биносида жойлашган эди. Биринчи марта келганларида иккинчи қаватда Юсуп Толипов кабинетида бюро аъзолари билан учрашдилар. Янги туман ишларига муваффақиятлар тиладилар.



**Суратда: Тошкент туманининг раҳбари Юсуп Толипов туманга келган меҳмонлар билан**

Иккинчи марта келганларида биринчи қаватдаги катта хонада йиғилиш қилдилар. Шунда Келесга туман тасарруфидаги шаҳар мақоми берилиши масаласи ҳал бўлган эди...

1976 йилнинг май ойида туманда мотоциклчилар  гуруҳи иштирокида уруш фахрийларига бағишланган ташвиқот мото юриш ташкил этилди. Тузилган йўналиш бўйича туман айланиб чиқилди. Жойларда тантанали учрашувлар ўтказилди...

Қишлоқ хўжалигида йиғим-терим пайтида туман партия қўмитаси биноси олдига флагшток ўрнатилди. Илғор хўжаликлар шарафига байроқ кўтариладиган бўлди. Байроқ тагида илғор хўжалик номи ва раҳбар исми ёзиб қўйилар эди...  Туманни улуғлаш учун туман партия қўмитаси биноси рўпарасига  тумандаги Меҳнат Қаҳрамони унвони олган  Ҳикоят Абдуллаева,  Мунаввар Исоқова, Мирзааҳмад Абдуллаев,  Маҳмуд Мирзаев, Турғун Мирзаев,  Ғуломмаҳмуд Абдуллаевларнинг  мўйқалам  усталари тайёрлаган салобатли  суратлари ўрнатилди. Унинг молиявий томонини Карл Маркс хўжалиги раиси Ғуломмаҳмуд Абдуллаев ва матлубот жамияти раиси Мавлуда опа Қўчқорова ҳал этишганди.

Туман ижроқўми ва партия қўмитаси учун янги бино қурилиши ишлари бошланди (ҳозирги ҳокимият биноси). Ижро қўмита раиси Иляш Турсуметов ўз вақтида Давлат план қўмитасида ишлаган, Олий Совет депутати эди. Унинг ташкилотчиги билан бино тез орада (менимча  8 ойда ) бино битди. Лекин у кишига бу бинода ишлаш насиб этмади: оғир касаллик билан вафот этди...

"Ҳасанбой" жамоа хўжалиги раиси Саъдулла Раҳматуллаев уруш қатнашчиси эди ва ватанпарварлик ишларига катта эътибор берар эди. Хўжаликда уруш қатнашчиларига ёдгорлик ўрнатилиб, байрамларда гул қўйиш маросими ўтказиш анъанага айланди...

Собиқ "Ленин йўли" (М.Фозилов) номли хўжалигида космонавт Алексей Леонов билан учрашув ўтказганмиз. Шу хўжаликда машҳур рус шоири Роберт Рождественский билан ҳам ижодий учрашув ўтказилди. Учрашувда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг раиси

Комил Яшин ва вилоят партия қўмитаси котиби Аъло Хўжаев иштирок этишган...

Шуни қайд этиш керакки, Тошкент туманининг ўз газетаси бўлмаганлиги боис, бир муддат иккала туманга битта газета бўлиб, тажрибали журналист Ҳалил ака Қаюмов раҳбарлик қилди. Кейинчалик туманнинг ўз газетаси "Шонли меҳнат" ташкил топиб, унга биринчи бўлиб раҳматли Пўлат Нишонов муҳаррирлик қилди...

1976 йилда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар бўлди. Вилоят раҳбари Мирза Мусахонов вилоят Кенгашига бизнинг тумандан кўрсатилди. У киши билан учрашув Йўлдош Охунбобоев жамоа хўжалигининг боғида кўтаринки руҳда ўтди. Вилоят раҳбарининг бизнинг тумандан сайланиши туманимиз учун катта шараф эди.

А.Абдураҳмонов хўжалигида Янгийўл винзаводи филиалининг очилиши туманда катта воқеага айланди. Боиси туманда яна бир ишлаб чиқариш корхонаси пайдо бўлганди.

Шу даврда аҳоли учун Давлат томонидан ўнлаб янги кўп қаватли уйлар, мактаб ва болалар боғчалари, тиббиёт масканлари, чорвачилик ва паррандачилик фермалари қурилди. Уларда туман раҳбарининг ташкилотчилик хизматлари катта бўлганлигини айтиб ўтишим ўринли.

Тошкент туманининг қисқа давр ичида вилоятимизда, қолаверса, республика миқёсида ҳам салоҳиятли, ўз ўрнига эга туманлар қаторидан ўрин эгаллашида туманнинг биринчи раҳбари Юсуп Толиповнинг беназир хизматлари бўлганлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Ўз ишига ўта масъулиятли, ташкилотчи ва қаттиққўл бўлиш билан бирга, меҳрибон, айниқса, ёш кадрларга ғамхўр инсон эдилар. Шу боис ҳам у инсонни таниган билганлар ҳозир ҳам катта ҳурмат билан тилга олишади.

Юсуп Толипов, Муқаддам Умарова, Аъзамхон Тўрахонов, Ильяш Турсуметов, Аъзам Абдувалиев, Ҳалима Сайдалиева, Роза Усмонова, Ғуломқодир Исломов, Эркин Раҳимов, Маҳмуд Мирзаев, Рустам Акбаров, Сиддиқжон Муҳаммаджонов, Зоирхон Жалилов, Ғиёс Умаров, Турғун Мирзаев, Мақсудали Маъмуров, Нодир Боймуҳамедов, Тўлқин Эгамбердиев, Светлана Зарипова, Бўстон Эргашев, Бахтиёр Ҳакимов, Григорий Гвалия, Виктор Колинковский, Азимжон Сотволдиев, Ҳоким Муротов, Фатҳулла Қосимов, Ҳалил Қаюмов, Пўлат Нишонов, Саъдулла Матёқубов, Раҳмат Ҳамидов, Мавлуда Қўчқорова, Абдулла Соатов, Ўткир Маҳмудов, Карим Нурмуҳаммедов, Исроил Муҳамедов ва бошқалар билан ишлаган даврни завқ билан эслайман...

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин! Ҳаёт биродарларимиз соғ-саломат, бахтли-саодатли, фаровон ҳаёт кечиришсин!

**Носир Тоиров,**

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси,
Халқ депутатлари Тошкент туман Кенгаши собиқ депутати.

# КНИГА О ДЖАДИДАХ

**«Ключ к процветанию – в образовании, воспитании, знаниях. Ибо все благие цели достигаются благодаря знаниям и воспитанию». Эти слова наших предков-просветителей джадидов должны стать практическим руководством для депутатов и сенаторов, политических партий, местных Кенгашей, всего государственного аппарата и общественности.**

***Ш. М. Мирзиёев,***
***Президент Республики Узбекистан***




**На днях, из беседы с известным государственным и общественным деятелем, писателем и пламенным публицистом Хуршидом Дустмухаммадом, кавалером ордена «Дустлик», политическим обозревателем, автором телепроекта «Муносабат» Куддусом Агзамом, профессором Дадаханом Якубовым, я узнал, что вышла новая книга известного поэта, писателя и публициста Тулкина Эшбека, о которой они восторженно говорили. Я хорошо знаю Тулкина Эшбека уже много лет и это сообщение меня заинтересовало…**

Тулкин Эшбек является автором ряда книг на узбекском языке, таких как: «Родные», «День, когда подул ветерок», «Повесть о мальчике из кишлака», «Судьба заблудившейся девушки», «Караваны жизни», «Сын Самарканда», «Плохих узбеков не бывает», «Человек двух веков», «Прекрасная жизнь без коррупции», «Вечная звезда генерала», «Драгоценности Бабура», «Свет священной Бухары», «Женщина и Луна» и других.

Он является членом Союзов писателей и журналистов Узбекистана, кавалером ордена «Дустлик», лауреатом премии имени Усмана

Носира по литературе и Национальной премии «Золотое перо» (“Олтин қалам”)...

И вот у меня красочно оформленная новая книга Тулкина Эшбека “Жемчужина джадидов” (Тўлқин Эшбек. Жадидлар жавҳари. Достонлар, шеърлар, дил битиклари. Лотин ва кирилл алифбосида. DUNYO NASHR. Тошкент.2025)...

В книге опубликовано слово о данном произведении под названием ”“Наследие джадидов – вечный маяк” бывшего председателя Союза журналистов Узбекистана, кандидата исторических наук, доцента Сабира Курбанова...

Нужно отметить, что в своё время пресс-служба Президента Республики Узбекистана отмечала, что «Тысячи наших невинных соотечественников были подвергнуты репрессиям во время тоталитарного режима. В 1937-53 годах в Узбекистане были беспощадно репрессированы 100 тысяч человек, 13 тысяч были беспощадно расстреляны. Многие семьи были разрушены, а дети остались сиротами».

Глава нашего государства Шавкат Миромонович Мирзиёев в связи с этим, поручил провести изыскания по каждому из 100 тысяч репрессированных, узнать их историю, встретившись с их родственниками, издать книги об их деятельности, увековечить память о них, назвав их именами махалли и школы. Большая часть репрессированных были джадидами.

Т. Эшбек своей книгой делом отвечает на поручение Лидера нашего народа. Книга Тулкина Эшбека это произведение о деятельности наших предков-джадидов, которая является примером для нынешнего поколения...

Как известно, в декабре 2023 г. Президент Узбекистана Шавкат Мирзиёев выступил на открытии международной конференции «Джадиды: национальное самосознание, идеи независимости и государственности». Он сказал: «Все мы знаем, что джадиды, выступившие с благородной идеей “Единство в языке, мыслях, действиях”, считали, что пробуждение народов и их освобождение от оков отсталости и невежества возможно лишь путем распространения знаний и просвещения, светского развития».

Принятие Президентом Республики Узбекистан Постановления «О широком праздновании 150-летия со дня рождения основателя джадидского движения в Туркестане, выдающегося писателя, общественного деятеля, издателя и педагога Махмудходжи Бехбуди», это ещё один яркий пример внимания Главы нашего государства к джадидам...

В книге Т.Эшбека мы знакомимся с материалами о таких самоотверженных джадидах как Махмудходжа Бехбуди, Абдулла Кадыри, Абдулхамид Чулпан, Абдулла Авлони, Мунавваркари Абдурашидхонов, Исхакхан Ибрат, Обиджон Махмудов и других. Идеи джадидов и сегодня являются актуальными…

Поэмы, стихи о джадидах, другие материалы, опубликованные в книге Тулкина Эшбека, несомненно будут служить повышеиию духовности строителей Нового Узбекистана и создателей основ III Ренессанса.

**Носир Таиров,**

член Союза журналистов Узбекистана.

# “КЎРИНМАС ФРОНТ ЖАНГЧИСИ” ҲАҚИДА КИТОБ




Китобхонлар орасида ўзбек разведкачиси Саид Исломбек ҳақидаги «26-отилмасин», Вайс ва Штирлиц ҳақидаги “Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси”, “Қилич ва қалқон” кинофильмларни берилиб кўрмаган кишилар кам бўлса керак...

Ҳаммамиз ёшликда чегарачилар, разведкачилар, хавфсизлик хизмати ходимлари фаолиятига қизиққанмиз, улардан кўп нарсаларни ўрганишга ҳаракат қилганмиз... Бу касб эгалари ҳақида, уларнинг иши ҳақида оммавий ахборот воситаларда деярли ёзилмайди ёки кам ёзилади...

Яқинда Ўзбекистонга дўст Белоруссияда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси Абдулҳамид Пардаев ва Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси Носир Тоировнинг “Бургут парвози” номли китоби нашрдан чиқди (Абдухамид Пардаев, Носир Тоиров. Бургут парвози. “Альфа-книга”. Минск. 2025)...

Яқин тарихимизда халқ, Ватан ва адолат йўлида фидокорона хизмат қилган сиймоларни ёритиш – бугунги авлод учун ҳам ғурур, ҳам ибрат манбаидир. Абдуҳамид Пардаев ва Носир Тоировнинг ҳамкорликда ёзган “Бургут парвози” асари ана шундай муқаддас мақсадга хизмат қилади.

Бу китоб ватандошимиз, истеъфодаги полковник, фалсафа фанлари номзоди, таниқли ёзувчи ва жамоат арбоби Исмат Раҳматович Кўчиев ҳаёти ва фаолиятига бағишланган...

Маълумки, Исмат Раҳматович Кўчиев – 1955 йилда туғилган.

Самарқанд Давлат университетининг чет тиллар филологияси факультети, Минск шаҳридаги ДХҚсининг махсус курси, Россия Хавфсизлик вазирлиги академиясини тугатган.

Исмат Кўчиев Ўзбекистон ва Белоруссия Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, таниқли публицист, ёзувчи ва шоир,

жамоат арбоби. Ўзбек ва рус тилида ижод қилади.

И. Кўчиев Ўзбекистон Республикасининг “Дўстлик” ордени ва Озарбайжон Республикасининг “Озарбайжон дўсти” олтин ордени билан тақдирланган.

Исмат Кўчиев асарларининг Ўзбекистон, Озарбайжон, АҚШ, Белоруссия, Россияда кенг кўламли тақдимотлари бўлиб ўтган ҳамда мутахассислар ва жамоатчилик томонидан юқори даражада қабул қилинган...

Китоб назм ва наср мухлислари, Ўзбекистоннинг яқин тарихи билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

Исмат Кўчиев ҳаёти – ибрат мактабидир. У нафақат “кўринмас фронт жангчиси” сифатида хавфсизлик хизматларида фаолият юритган виждонли адолат посбони, балки қалами билан ҳам тарихга муҳр урган адибдир. Унинг “Шароф Рашидов. Ғолиб”, “Абадиятнинг беш довони”, “Улуғлар чорбоғи”, “Бобур. Асрлар оралаб” каби асарлари миллий руҳни, тарихий меросни, маънавий бойликни қаламга кўчирган халқ навқиронлигининг юксак намунасидир. Исмат Кўчиев – ҳар қандай шароитда ҳам ҳақиқатни ёзган, Ватанни севган ва халқ дарди билан яшаган зиёли. Шунинг учун, китоб муаллифлари, Исмат Кўчиевни бургутга ўхшатганлари бежиз эмас.

Китобда Исмат Кўчиевнинг лирик шеърлари, тарихий достонлари, фалсафий мулоҳазалари орқали унинг қалб олами, дунёқараши очилиши ишончли кўрсатилади. Асарда шоир ва ёзувчининг шеърий туркумлари, рубоийлари, публицистик мақолалари чуқур таҳлил этилади ва уларда унинг халқпарвар ва ҳақиқатсевар руҳи намоён бўлганлиги эътироф этилади.

Асарнинг муаллифлари – бу китоб орқали наинки бир инсон ҳақида, балки бутун бир давр, бутун бир авлод ҳақида сўзлайдилар. Улар Исмат Кўчиевни қалбан тушунишган, унинг дунёқарашини ёрқин ва самимий ифода этишган.

Муаллифлар ўз зиммаларига олган масъулиятли вазифани муваффақиятли уддалаб, ўқувчига бадиий ёритилган, қалбга яқин, кучли илҳом бағишловчи асарни тақдим этишган.

2 марта чопиқ (культивация) қилиш, Биогумус 3 т/га+ Naturamin 80% 300 г/га меъёрда қўлланилган учинчи вариантда 174,6 см.га. 2 марта чопиқ (культивация) қилиш, Биогумус 5 т/га+Naturamin 80% 300 г/га меъёрда қўлланилган тўртинчи вариантда 183,6 см.га. 2 марта чопиқ (культивация) қилиш, Биогумус 7 т/га+Naturamin 80% 300 г/га қўлланилган бешинчи вариантда 192,3 см.га тенг бўлганлиги аниқланди (2-жадвал).

Кузги буғдойдан кейин амарант ўсимлигини 70X15-1 схемада экилганда ҳосил йиғишдан олдин (01.10) рўвак ҳосил бўлиш жараёнини ҳисобга олинганда назорат вариантида 4 марта чопиқ (культивация) қилиш, N200P100K50 меъёрда минерал қўлланилганда 90,4%ни ташкил қилиб, 3 марта чопиқ (культивация) қилиш, компост 20,0 т/га+N200P100K50 меъёрда қўлланилган иккинчи вараинтда 93,2%ни, 2 марта чопиқ (культивация) қилиш, Биогумус 3 т/га+ Naturamin 80% 300 г/га меъёрда қўлланилган учинчи вариантда 94,4%ни, 2 марта чопиқ (культивация) қилиш, Биогумус 5 т/га+Naturamin 80% 300 г/га меъёрда қўлланилган тўртинчи вариантда 96,8%ни, 2 марта чопиқ (культивация) қилиш, Биогумус 7 т/га+Naturamin 80% 300 г/га қўлланилган бешинчи вариантда 98,1%ни ташкил қилган.

Бу кўрсаткич назорат вариантига нисбатан рўвак ҳосил бўлиши 2,8-7,7% кўп бўлди (2-жадвал).

Амарант уруғи 70X25-1 схемада экилганда ҳосил йиғишдан олдин (01.10) рўвак ҳосил бўлиши назорат олтинчи вариантида 4 марта чопиқ (культивация) қилиш, N200P100K50 меъёрда минерал қўлланилганда 91,5% бўлган бўлса, 3 марта чопиқ (культивация) қилиш, компост 20,0 т/га+N200P100K50 меъёрда қўлланилган еттинчи вараинтда 94,7%ни, 2 марта чопиқ (культивация) қилиш, Биогумус 3 т/га+ Naturamin 80% 300 г/га меъёрда қўлланилган саккизинчи вариантда 95,8%ни, 2 марта чопиқ (культивация) қилиш, Биогумус 5 т/га+Naturamin 80% 300 г/га меъёрда қўлланилган тўққизинчи вариантда 96,6%ни, 2 марта чопиқ (культивация) қилиш, Биогумус 7 т/га+Naturamin 80% 300 г/га қўлланилган ўнинчи вариантда 98,1%ни ташкил қилган. Бу экиш схемасида ҳам назорат вариантига нисбатан 3,2-6,6% кўпроқ бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Хулоса. 1. Кузги буғдойдан кейин амарант ўсимлигини етиштиришда экишдан олдин ва экиш билан бирга органик ўғитлар компост ва биогумус солиш тупроқнинг сув-физик ва агрокимёвий кўрсаткичларини яхшиланишига олиб келди.

2. Амарант ўсимлигини етиштиришда қатор орларига 24 марта чопиқ (культивация) қилиш ва органиқ препарат "Натурамин" билан бир марта 300 г/га меъёрда озиқлантириш ўсиб-ривожланиши яхши бўлишини таъминлади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Allanov H.K., Sottorov O.A., Normurodova M. 2021 Amaranth cultivation technology AGRO ILM 2(72)

2. Abdullaev M.Sh. 2021 Sprinkler irrigation of amaranth plants in the conditions of Uzbekistan Universum: technical sciences: electron scientific journal 5(86)

3. Artamonov E.I., Zhiltsov S N, Kotov D N 2013 The influence of the uniformity of sowing with a cellular disc sowing machine on the yield of panicled amaranth Agronomy

4. Borodycheva E.I., Shults I.A. 2008 Agrotechnics of cultivation of purple amaranth for seeds in the lower Volga region 21-22

5. To‘xtaboyev N.X. Amarant (Amaranthus hybridus L.) moyi ajratib olishdagi chiqitdan pektin moddalari ajratib olish kimyoviy-texnologik ko‘rsatkichlarini o‘rganish. Farg‘ona vodiysi o‘simlik, hayvonot dunyosi va ulardan oqilona foydalanish muammolari. Regional anjuman materiallari. Andijon, 26-yanvar 1999. 117-bet

6. Olowoake A A 2014 Influence of organic, mineral and organomineral fertilizers on growth, yield, and soil properties in grain amaranth (Amaranthus cruentus L.) Journal of Organics 1(1) 39-47

7. Xoshimjonova N., To‘xtaboyeva F., Mo‘minov M., To‘xtaboyev N.X. Amarantdan shifobaxsh moy ajratib olishni joriy qilish istiqbollari. “Farg‘ona vodiysi biologik xilma-xilligi: dolzarb muammolari va ularning yechimi” respublika ilmiy anjumani materiallari to‘plami. 78-80 betlar. Andijon, 2015

8. To‘xtaboyev N.X., Rustamova G., Ismoilova N., Xoshimjonova M. Amarant kunjarasidan pektin moddalari ajratib olish istiqbollari “Tovarlar kimyosi muammolari va istiqbollari” V Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. Andijon, 2018 yil 4-5 sentabr. 77-78 b.

9. Sagdullaev Sh.Sh., Gusakova S.D., Khidoyatova Sh.K., Rakhmanberdieva R.K., Malikova M.Kh., Sanoev A.I., Mukarramov N.I., Muminov M.M. Modern technologies for raw materials processing by the example of amaranth // Abstract CCS 12th National Symposium on Natural Organic Chemistry July 28-31, 2018, Kunming (China). P.32

10. Charshanbiyev U.Y., Allanov Kh.K., Safaraliyev L.H., Berdiboev E.Y. The effect of organic fertilizer application in growing amarant (amaranthus) plant. ICECAE 2022, IOP Conf. Series: Earth and Environmental Science 1140 (2022) 013005, IOP Publishing. Doi:10.1088/1755-1315/1140/1/011021.

УЎТ 631.8:40.40:25

# ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ҒЎЗАНИНГ ЎСИБ-РИВОЖЛАНИШИ ҲАМДА ҲОСИЛДОРЛИГИГА МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ МЕЪЁР ВА НИСБАТЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

**Алланазаров О.[1], Ташкулов С.[2], Исмайилов Ж.[3],**

[1] қ.х.ф.ф.д. (PhD), Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти Сурхондарё минтақавий филиали

[2] қ.х.ф.ф.д. (PhD),Ингичка толали пахтачилик ИТИ

[3] қ.х.ф.ф.д. (PhD), катта илмий ходим, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари ИТИ

**Аннотация.** Озиқа-унсурлари билан кам даражада таъминланган тақир-ўтлоқи тупроқлар шароитида ингичка толали ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги учун мақбул шароит минерал ўғитларнинг меъёри N-220, Р2О5-154, К2О-110 кг/га меъёрлари 1,0:0,70:0,50 нисбатларда қўлланилганда яратилиши аниқланган.

**Ғўзани озиқланишида минерал ўғитлар самарадорлигини оширувчи омиллардан бири уларни қўллаш меъёр ва муддатларига ҳамда нисбатларига боғлиқдир [1].**

**Бизнинг тадқиқотларда эса ўғитларнинг самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатувчи омилларидан нисбатлари ингичка толали ғўзада ўрганилган.**

Дала тажрибаси Сурхондарё вилоятининг Ингичка толали пахтачилик илмий-тадқиқот институти (собиқ ПСУЕАИТИ нинг Сурхондарё илмий тажриба станцияси) тажриба хўжалигида қадимдан суғориб келинаётган, тақир-ўтлоқи тупроқлар шароитида олиб борилган.

Тажриба майдонининг дастлабки агрокимёвий кўрсаткичларига кўра ҳайдов (0-30 см) ва ҳайдов ости (30-50 см) қатламларида мос равишда гумус миқдори 0,900-0,690 %, умумий азот 0,089-0,060 %, умумий фосфор 0,110-0,086 %, умумий калий 1,300-1,100 %, нитрат шаклидаги азот 15,2-8,4, ҳаракатчан фосфор 20,5-10,2 ва алмашинувчи калий эса 205-180 мг/кг ни ташкил етиб, озиқа элементлари билан кам даражада таъминланган.

Дала тажрибасида ғўзанинг ингичка толали “Термиз-202” нави экилган. Вариантлар 3 қайтариқда олиб борилиб, ҳар бўлинманинг умумий майдони 4,8х30=144 м2 ни, ҳисоблаш майдончаси - 72 м2 ни ташкил этган. Тажрибада қуйидаги

минерал ўғитлар қўлланилган: аммиакли селитра (N-34 %), аммофос (N-10-11 %, P2O5-46 % ), калий хлорид (K2O-60 %). Фосфорли ўғитларни йиллик меъёрини 70 %, калийни 50 % кузги шудгор олдидан, фосфорли ўғитни қолган меъёри азотли ўғитлар билан биргаликда гуллаш даврида, калий ўғити эса шоналаш даврида берилган. Азотли ўғитлар 3-маротаба ғўзани озиқлантириш муддатларида яъни 2-3 чин барг, шоналаш ва гуллаш даврларида солинган [2; 3].

Бизнинг изланишларда минерал ўғитларни турли меъёр ва нисбатларда қўллашнинг ингичка толали ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири ўрганилган бўлиб, 2022 йилнинг шароитида ўғит қўлланилмаган назорат вариантда ғўза гуллаш кўсак - тугиш даврида (1-августда) бош поя баландлиги 61,3 см ни, ҳосил бўғимлар сони 11,7 донани, кўсаклар (1.09) 10,3 ва очилганлари 9,2 донани ташкил этганлиги кузатилган.

Азотли ўғитларнинг 170 кг/га меъёрида фосфор ва калий 1,0:0,50:0,25; 1,0:0,70:0,50 ва 1,0:1,0:0,75 нисбатларда қўлланилган (2-4) вариантларда ғўза бош поясининг баландлиги (1-августда) мутаносиб равишда 67,5; 70,0; 71,5 см ни ҳосил бўғимлар сони 13,3; 13,7; 13,9 донани, кўсаклар 11,6; 11,8; 11,7 ва 1-сентябрда 12,3; 13,2; 14,0 донани шу жумладан очилганлари эса 10,4; 11,2; 11,6 донани ташкил этганлиги аниқланган.

Демак, ўғит меъёрлари N170, P2O5 85, K2O 42,5 дан N170, P2O5 119, K2O 85 кг/га ва N170, P2O5 170, K2O 127,5 кг/га ортиши билан ғўзанинг ўсиши ва ривожланишининг яхшиланиши кузатилди. Лекин, вариантлар орасида фарқланишлар ўғитлар 1,0:0,70:0,50 нисбатларда қўлланилган 3-вариантда кўпроқ бўлдики, бунда бош поя баландлиги 2 ва 3 вариантлар орасида 2,5 см, ҳосил бўғимлар сони 0,4 донага, кўсаклар 0,9 донага очилганлари эса 0,8 донага фарқланган бўлса 3-4 вариантлар оралиғидаги бу фарқланишлар мутаносиб равишда 1,5 см, 0,2 дона, 0,8 ва 0,4 донага фарқланди. Бу холат эса нисбатан мақбул кўрсатгичлар минерал ўғитлар N170, P2O5 119, K2O 85 кг/га ёки 1,0:0,70:0,50 нисбатларда қўлланилганда олинган.

Тажрибада фосфор ва калийли ўғитлар азотни 220 кг/га меъёри фонида қўлланилган 5-7 вариантларда нисбатан юқори маълумотлар олинган, лекин ғўзани яхши ўсиши ва ривожланиши бу меъёрларда ҳам 1,0:0,70:0,50 нисбатларда қўлланилган 6-вариантда кузатилган.

Бунда, 1-августда бош поя баландлиги 76,9 см, ҳосил бўғимлари сони 15,1 донани, кўсаклар (1.09) 15,8 донани ва жумладан очилганлари 13,2 донани (83,5 %) ташкил этган холда назоратдан мутаносиб равишда 15,6 см, 3,4; 5,5 ва 4,0 донага юқори бўлганлиги аниқланган (1-жадвал).

**1-жадвал.**

**Пахта ҳосили, ц/га**

| Вариантлар тартиби | Минерал ўғитларнинг йиллик меъёри, кг/га | | | Минерал ўғитларнинг қўллаш нисбатлари, N:P:K | Йиллар | | Ўртачаси | Қўшимчаси | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | N | $P_2O_5$ | $K_2O$ | | 2021 | 2022 | | ўғитлар-дан | нисбат-лардан |
| 1 | Назорат (ўғитсиз) | | | - | 22,5 | 25,4 | 23,9 | - | - |
| 2 | 170 | 85 | 42,5 | 1,0:0,50:0,25 | 28,1 | 31,4 | 29,7 | 5,8 | - |
| 3 | 170 | 119 | 85 | 1,0:0,70:0,50 | 30,2 | 32,8 | 31,5 | 7,6 | 1,8 |
| 4 | 170 | 170 | 127,5 | 1,0:1,0:0,75 | 31,3 | 33,6 | 32,4 | 8,5 | 0,9 |
| 5 | 220 | 110 | 55 | 1,0:0,50:0,25 | 33,1 | 36,8 | 34,9 | 11,0 | - |

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 6 | 220 | 154 | 110 | 1,0:0,70:0,50 | 35,6 | 38,6 | 37,1 | 13,2 | 2,2 |
| 7 | 220 | 220 | 165 | 1,0:1,0:0,75 | 36,3 | 39,2 | 37,7 | 13,8 | 0,6 |
| 8 | 270 | 135 | 67,5 | 1,0:0,50:0,25 | 34,8 | 38,2 | 36,5 | 12,6 | - |
| 9 | 270 | 189 | 135 | 1,0:0,70:0,50 | 36,7 | 39,0 | 37,8 | 13,9 | 1,3 |
| 10 | 270 | 270 | 202,5 | 1,0:1,0:0,75 | 37,3 | 39,6 | 38,4 | 14,5 | 0,6 |
| | | | | $НСР_{05}$ = | 0,8 | 0,9 | ц/га | | |
| | | | | $НСР_{05}$ = | 1,2 | 1,3 | % | | |

Изланишларда 1-ўғитсиз (назорат) вариантда икки йиллик ўртача пахта ҳосили 23,9 ц/га ни ташкил этган. Азотли ўғитларни N170 кг/га меъёрлари фонида фосфор ва калий 1,0:0,50:0,25; 1,0:0,70:0,50 ва 1,0:1,0:0,75 нисбатларда қўлланилган (2, 3 ва 4) вариантларда пахта ҳосили мутаносиб равишда 29,7; 31,5; 32,4 ц/га ни ташкил этган ҳолда назоратга нисбатан қўшимчалари 5,8; 7,6 ва 8,5 ц/га тенг бўлган.

Бу кўрсаткичларни таққослайдиган бўлсак, ўғитлар меъёри N170, P2O5 85, K2O 42,5 кг/га дан (1,0:0,50:0,25) N170, P2O5 119, K2O 85 кг/га (1,0:0,70:0,50) га ортиши билан пахта ҳосилининг қўшимчаси 1,8 ц/га ортган бўлса, нисбатлари 1,0:1,0:0,75 га ўзгариши билан 0,9 ц/га ортганлиги аниқланган. Демак, мақбул кўрсаткичлар 1,0:0,70:0,50 нисбатларда эканлиги кузатилади.

Фосфор ва калийли ўғитлар азотни N220 кг/га фонида 1,0:0,50:0,25; 1,0:0,70:0,50 ва 1,0:1,0:0,75 нисбатларда қўлланилган (5, 6 ва 7) вариантларда пахта ҳосили мос холда 34,9; 37,1 ва 37,7 ц/га ни ташкил этиб, назоратга нисбатан қўшимчалари 11,0; 13,2 ва 13,8 ц/га га тенг бўлган, бу охирги кўрсатгичлар 2-4 вариантлардан эса 5,2; 5,6 ва 5,3 ц/га юқори бўлган, қолаверса 5, 6 ва 7 вариантларда ўғитлар нисбатининг ўзгариши ҳисобига 2,2 ва 0,6 ц/га пахта ҳосили ортган бўлса, 2-4 вариантлар орасида бу кўрсатгичлар 1,8 ва 0,9 ц/га ни ташкил этган. Демак, тажрибада нисбатан мақбул кўрсаткичлар азотни 220 кг/га фонида, нисбатлар 1,0:0,70:0,50 бўлганда олинган. Бу (7) вариантда қўшимча пахта ҳосили назоратдан 13,8 ц/га ни ташкил этган ҳолда, фосфор ва калий нисбатини янада 1,0:1,0:0,75 га ортиши билан 0,6 ц/га қўшилган холос.

Чунки минерал ўғит меъёрларини янада (азотни 270 кг/га фонида) ошириш натижасида пахта ҳосилининг ортиши мақбул вариантдан деярли фарқланмаган. Лекин бу холда ҳам нисбатан юқори кўрсатгичлар ўғитлар 1,0:0,70:0,50 нисбатларда қўлланилганда олиниб, 37,8 ц/га ни ташкил этган. Азот N220 кг/га фонида фосфор ва калий 1,0:0,70:0,50 нисбатларда қўлланилган 6-вариантга қўшимча пахта ҳосили 0,7 ц/га ортган, вахоланки 3 ва 6 вариантлар орасидаги бу фарқланишлар 5,6 ц/га ни ташкил этган эди.

Юқорида келтирилган маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, Республика пахтачилигида минерал ўғитларни тупроқдаги ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчан калий миқдорларига боғлиқ ҳолда мақбул меъёр ва нисбатларда (N-220, P2O5-154, K2O-110 кг/га) қўллаш кераклиги тақир-ўтлоқи тупроқлар шароитида исботланган.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Ғўза агротехника. Тошкент. 2021, 304 б.

2. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Тошкент, 2007, 147 б.

3. Ингичка толали ғўза навларини етиштириш агротехнологиялари бўйича тавсиялар. Тошкент. 2017, 32 б.

УЎТ:635.632.76.9.

# ПОЛИЗ АГРОБИОЦЕНОЗИДА ПОЛИЗ ҚЎНҒИЗИНИНГ БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА ЗАРАРИ

**Алланазаров О. Я.,**

қ.х.ф.ф.д., (PhD)., ЎКҲИТИ Сурхондарё минтақавий филиали катта илмий ходими

**Аннотация.** Мақолада полиз экинларининг жиддий зараркунандаси полиз қўнғизининг морфологияси, биологияси, полиз экинларига келтирадиган зарари ва унга қарши курашиш тўғрисида фикр юритилади.

**Таянч сўзлар:** Полиз, зараркунанда, полиз қўнғизи, личинка, ғумбак, тухум, генератив.

**Жаҳонда озиқ-овқатга эҳтиёж ортиши хусусан полиз маҳсулотларига бўлган талабнинг ортиб бориши полиз экиладиган майдонни кенгайишига олиб келмоқда. Шу билан бирга полиз маҳсулотларига бир қанча зарарли организмлар зарар етказмоқда.**

Ўзбекистонда кокциналидларнинг фитофаг турларидан полиз қўнғизи (Epilachna chrysomelina) полиз ўсимликлари билан озиқланадиган ягона тур хисобланади. Тадқиқотчи муалифларнинг маълумотига кўра бу тур Кавказорти ўлкаларида; Азарбойжонда, Ўрта Осиё Республикаларидан Туркаманистонда, Тожикистонда ва Ўзбекистоннинг жанубий туманларида кенг тарқалган[1;3;5].

Полиз қўнғизи полиз экинларидан қовун, тарвуз, бодринг, ҳандалак ва қовоқнинг барг, поя, гул ҳамда меваларига жиддий зарар етказади. Қўнғизи ва личинкалари полиз экинларининг барги, гули, пояси ва меваси билан озиқланади. Айниқса қўнғиз ва личинкалар қовуннинг вегетатив ва генератив органларини жиддий зарарлайди, ҳатто қовун, хандалакнинг етилган меваларини тешиб кириб чуқурчалар ҳосил қилади[4].

Полиз қўнғизининг тарқалиши, кўпайиши, зарари ва унга қарши кураш чоралари ўтган асрнинг 60-80-йилларида Азарбойжон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон республикаларида тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Аммо кейнги 40-50 йилдан буён Республикамизда бу зараркунанда ҳашарот ўрганилмаган.

**Тадқиқот усули ва жойи:** Полиз қўнғизини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотларни Ўзбекистоннинг жанубий худуди Сурхондарё вилояти полиз майдонларида 2022-2024 йиллар мобайнида олиб бордик. Тадқиқотларда Фенологик ва фаунистик кузатиш ишлари В.П.Паллий[2] ҳамда А.Қулмаматовнинг[6] услубий қўлланмалари ёрдамида бажарилди.

**Тадқиқот натижаси.** Полиз қўнғизи Ўзбекистоннинг жанубий худуди бўлган Сурхондарё вилоятининг барча туманларида айниқса Жарқўрғон, Қумқурғон, Термиз, Ангор, Шерабод, туманларида кенг тарқалган. Зараркунанда қовун, тарвуз, бодринг, ҳандалак экинларига 70-80% гача зарар етказади.

Полиз қўнғизининг имагоси 7-9 мм ўлчамда бўлиб, кенг овал шаклда танасининг остки томони ясси, усти қавариқ, қизил қўнғир; қанот устликларининг ҳар бирида 6 тадан қора доғлари бор.



**1-расм. Полиз қўнғизи етук зоти (Ориг.).**

Тухуми сариқ узунчоқ овал шаклда бўлиб, узунлиги 1.7 ммга яқин.





**2-3 расм. Полиз қўнғизининг қовун баргига қўйилган тухумлари (Ориг.).**

Катта ёшдаги личинкасининг ўлчами 9 мм бўлиб, ранги сарғиш, орқаси бўйлаб 6 қатор йирик тармоқли тиканчалари мавжуд. Полиз қўнғизининг личинкалари кокцинеллидларга хос типда бўлиб, нисбатан боши катта ва узун кўкрак оёқларига эга. Личинкаларнинг боши катта юмалоқ тўртбурчакли формада бўлиб, эни ва бўйи бир хил кўринишга эга, мўйловлари 2 ёки 3 бўғимли, личинкаларининг мандубуласи кўп тишли учбурчак шаклда бўлиб, ўсимликхўр ҳаёт кечиришида муҳим аҳамиятга эга. Кўпчилик личинкаларда олдинги кўкрак сезиларли узун бўлиб ўрта ва орқа кўкракдан ажралиб туради. Полиз қўнғизи личинкаларининг оёқлари узун бўлиб, асоси майда тишчаларга эга.

Ғумбагининг ранги сариқ орқасида қора нуқталари бор, ғумбак танасининг орқа учи билан субстратга ёпишиб туради. Ғумбагнинг танаси туклар билан қопланган, унинг ривожланиши 1-1.5 ҳафта давом этади. Полиз қўнғизи вояга етган қўнғиз фазасида тупроқ юзасида ўсимлик қолдиқлари тагида қишлаб чиқади. Қўнғизлар кузда озиқланган даласи атрофларида ўсимлик қолдиқларида қишлайди. Кеч кузда қўнғизлар қишлаш учун полиз экинлари қолдиқларида тўкилган хазонлар остида дала четларидаги кўп йиллик ўсимлик тупларига, дарахт ва бута тупларига йиғилади.



**4-расм. Полиз қўнғизининг ғумбаги (Ориг.).**

Кузатишларимиз мобайнида биз дала атрофида тупроқнинг юза қаватида бегона ўтлар қолдиқлари остида тўп-тўп бўлиб қишлаётган қўнғизларни топдик. Баъзи муалифлар (Яхонтов.В.В. 1953 йил Атаева М.А.1972 йил) полиз қўнғизининг кўп йиллик бегона ўсимликлар илдиз бўйнида тўп-тўп бўлиб қишлашини таъкидлаганалар. Кофирнихон ва Вахш дарё водийларида қишловчи полиз қўнғизининг асосий массаси дала атрофида ўсадиган қамишзорлар орасида қайд этилган[5;1].

Бунда ҳар бир қамиш тупи остида, бир қанча қишловчи қўнғиз тўдалари учраган. Қишловчи полиз қўнғизлари қишлаш жойидан апрел ойининг иккинчи ўн кунлигидан бошлаб, полиз кўчатлари

униб чиқиши билан пайдо бўлади.

Эрта баҳорда уйғонган қўнғизлар полиз экинларининг юмшоқ қисми билан озиқланади, кўпинча қўнғизлар баргнинг орқа томонида пластинкасини кемириб, камдан кам ҳолларда эса баргни тўлиғича кемиради. Қўнғизларнинг қишлаш жойидан чиқиб, полиз далаларида пайдо бўлиши узоқ давом этиб 15-20 кунгача чўзилади. Қўнғизлар асосан қуёш чиқа бошлашидан, ботгунича кундуз куни озиқланади. Қишловдан чиққан қўнғизлар бир неча кун озиқлангандан сўнг, урғочилари тухум қўя бошлайди. Қўнғизларнинг қишлаш жойидан чиқиши чўзилиши асосан уларнинг қишлаш шароитига ҳамда эрта баҳорда тўпланган фойдали ҳарорат йиғиндисига боғлиқ.

Кузатишларимиз натижасига кўра 2022-2024-йилларда Термиз туманида биринчи қўнғизлар апрел ойининг иккинчи ўнкунлигида (16-19 апрел) пайдо бўлди ва охиргиси май ойининг биринчи ўнкунлигида (2-5 май) пайдо бўлди. Полиз экинлари далаларида ўсимликлар 3-4 барг чиқарган вақтда қўнғизлар пайдо бўлди. Доимий ва актив озиқланишга киришган ҳамда оталанган урғочи қўнғизлар баргнинг пастки қисмига 20-50 тадан тўп-тўп қилиб сариқ рангли тухумлар қўяди. Полиз қўнғизи урғочиларининг пушторлиги 150 тадан 300 тагача тухумни ташкил этади. Қўнғизларнинг пушдорлигига асосан уларнинг озуқа ўсимликларнинг таъсири юқори бўлади. Полиз қўнғизи қовун барглари билан озиқланганда бошқа ўсимликлар билан озиқланганларига нисбатдан пушдорлиги юқори бўлади. Сурхондарё вилояти шароитида тадқиқот ўтказилган йиллари полиз қўнғизи эрталаб ва кечқурун ҳаво ҳарорати 250-300С бўлган ҳолатда фаол бўлиб, кун ўртасида эса яъни ҳаво ҳарорати 350Сдан юқори кўтарилганда ҳаракати ва озиқланиши сусайиб улар барглар остига соя жойларга баъзан эса тупроқнинг юза қатламидаги пана жойларга кириб кетади.

Баҳорда ва кузда эрталаб кечқурун салқин бўлиб кунлик ҳаво ҳарорати 20-250С атрофида бўлганда қўнғизлар кун ўртасида фаол озиқланади. Кузатишларимизга кўра Сурхондарё вилоятида 2022-йили полиз қўнғизининг оммавий тухум қўйиши май ойининг иккинчи ярмида бошланди. Полиз қўнғизи тухумларининг ривожланиши май ойида 6-7 кунда, ёз ўрталарида эса 3-5 кунда кузатилади. Қўнғизлар тухум қўйгандан кейин 2-4 кун ўтиб, оқ рангли бутун танаси беш қатор тикканлар билан қопланган, личинкалар чиқади. Личинкалар уч марта туллаб, пўст ташлаб 15-18 кундан сўнг, яъни учинчи бор пўст ташлагандан сўнг ғумбакка айланади. Уларнинг ғумбаги очиқ типда бўлиб барг юзасида бир томони билан барга ёпишиб туради. Ғумбаклар сариқ рангда бўлиб орқасида қатор майда қора доғлар билан қопланган. Полиз қўнғизи ғумбалик фазасида 7-10 кунда ривожланади. Хулоса қилиб полиз қўнғизининг тўлиқ бир авлодининг ривожланиши учун бир ой таълаб этилади. Қўнғизларнинг қишловга кетиши 2022-2024 йилларда ноябр ойининг биринчи ярмида кузатилди. Сурхондарё вилояти шароитида об-ҳавога боғлиқ ҳолда Полиз қўнғизининг 3-авлоди ривожланади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Атаева М.А. Материалы по биологии и экологии бахчевой коровки в Таждикистане.Извест АН тажд.ССР,отд. биологич.наука,1972,(146)

2. Палий В.Ф. Методика фенологических и фаунистических исследований насекомых. -Фрунзе. -1966.- 238 с.

3. Тиллавов Т.Т. Бахчевая коровка. Ж. Защита растений, 1980,№1

4.Тиллавов Т.Т. Бахчевая коровка. Ж. Защита растений, 1985,№4

5. Яхонтов В.В. Вредители сельскохозяйственных растений в Средней Азии и борьба с ними. Госиздат.1953 С.674.

6. Қулмаматов А. Умуртқасизлар зоологаясидан ўқув дала амалиёти // Ўқув қўлланма. –Тошкент: Ўқитувчи. - 2004. - 200

UO'T: 632.7.633.

# O'RGAMCHAKKANA ZARARKUNANDASIGA QARSHI QO'LLANILGAN OLTINKO'Z KUSHANDASINING SAMARADORLIGI

**Irgasheva N. R., Sa'dullaeva M. A.**

[1]q.x.f.f.d., dotsent, Toshkent davlat agrar universiteti O'simliklarni himoyasi va karantini kafedrasi
[2]assistent, Toshkent davlat agrar universiteti O'simliklarni himoyasi va karantini kafedrasi

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada zararkunandalarga qarshi biologik kurash usullarining afzalliklari hamda oltinko'z kushandasi haqida adabiyotlar taxlili asosida keltirib o'tilgan. Olib borilgan tadqiqotlar atirgulda o'rgimchakkanalarga qarshi oltinko'z kushandasining biologik samaradorligi jadval asosida yoritilgan.

**Tayanch so'zlar:** zararkunanda, o'simlik, atirgul, oltinko'z, o'rgimchakkana, samaradorlik.

**Kirish. Dunyoning shiddat bilan rivojlanishi эr yuzining ekologik muvozanatini izdan chiqarishi oqibatida ko'pgina tirik organizmlarning butunlay yo'qolib ketishi kuzatilmoqda. Buning uchun domiy ravishda tirik organizmlarning rivojlanishi va ularning boshqa omillar bilan bog'liqligi, o'zaro munosabatini o'rganish talab etiladi.**

Yer yuzi entomofaunaini o'rganish ko'p jihatdan qishloq xo'jaligi bilan chambarchas bog'liqdir. Agrobiotsenozda fitofaglar va ularning zarari ekinlar hosili va sifatiga jiddiy xavf solmoqda.

Etishtirilayotgan barcha oziq -ovqat maxsulotlari sifati va havfsizligi jihati bilan ahamiyatli hisoblanadi. Shu bilan birga etishtirish davomida ko'plab muommolarning yildan yilga ortishi, maxsulotlar tannarxiga bevosita ta'sir qilib borishi kuzatilmoqda.

Bu ko'rsatgichlar dunyo axolisining kam ta'minlangan qismi to'yb oqatlanmasligi, oziq-ovqat taqchilligini vujudga keltirishi bu masala bo'yicha chuqurroq o'rganishni talab etadi.

Eng muhim qishloq xo'jalik ekinlarini ashaddiy zararkunanda va kasalliklardan uyg'unlashgan himoya tizimida biologik usul hamon etakchi o'rinda turadi.

Entomofaglarni samarali qo'llagan holda va atrof muhit musaffoligiga putur etkazmagan holda qishloq xo'jalik mahsulotlarini etishtirish hajmini keskin oshirishi va yig'ib olingan hosilni yaxshi saqlashni ta'minlashi zarur.

Biologik usulga ko'ra, qishloq xo'jalik ekinlarning kushandalari ko'plab sutemuzuvchilarni, hasharotlarni, yirtqichhasharotlar, honqizi (Socinellidae) oltinkuz (chrusopa) o'rgimchaklar va boshqa hasharotlarni qirib, ular sonini kamaytirib, iqtisodiy xavfi bartaraf etadi.

Entomafaglar orasida oltinko'zlar oilasiga mansub xashoratlar alohida o'rin egallaydi. Hozirgi vaqtda Markaziy Osiyoda oltinko'zning 24 turi

aniqlangan. O‘zbekistonda Chrysopa sarnea Steph., Ch. septempunktata W., Ch. abbreviata Curt ., Ch. albolineata L., Ch. vittata W. kabi turlari keng tarqalgan va ko‘plab uchraydi.

Oltinko‘z va uning lichinkalari o‘z o‘ljalarini eyishga nihoyatda o‘ch bo‘lgan va joydan-joyga tez ko‘chib, epchil o‘lja topishga qodir bo‘lgan xo‘randa hasharotlardir.U hammaxo‘r bo‘lib, bo‘g‘imoyoqlilarning 70 dan ziyod turlari shu jumladan, kanalarning 11 turi bilan oziqlanadi

Bu hasharot tur qanotlilar (Neuroptera) turkumi, oltinkuzlar (chrysopidae) oilasini tashkil qiladi.

Bu oilaga kiruvchi entomofag juda ko‘pchilik hasharot turlari o‘simlik shiralari, mayda qurtlar va kanalar bilan oziqlanib, foyda keltiradi.

O‘zbekiston sharoit ayniqsa, etti nuqtali oltinkuz (chrysopa septempunctata Wegrn) va oddiy oltinkuz (Chrysopa carnea steph) ko‘proq uchraydi.

Oziq -ovqat maxsulotlarini yetishtirish ko‘p jihatdan ularni zararkunanda va kasalliklardan himoya qilish ko‘p jihatdan hosil mo‘lligini ta’minlaydi. Shu inobatga olib ushbu soha bo‘yicha muommo va kamchiliklarni har tomonlama chuqur o‘rganib ilmiy asoslangan usul va vositalarni amaliyotga keng joriy etish, sohaning jamiyatda solmog‘ini yanada oshirish dolzarb muommolardan biri bo‘lib hisoblanadi.

Qishloq xo‘jalik ekinlarining juda ko‘plab zararkunandalari mavjud bo‘lib, ayrim tur zararkunandalari o‘simliklarni ma’lum rivojlanish fazasidagina ta’sir ko‘rsatadi. Ana usha zararkunandalar qatoriga o‘rgimchakkanani olishimiz mumkun.

O‘rgimchakkana - o‘rgimchaksimonlar sinfi, kanalar turkumiga mansub bo‘lib, mayda bo‘g‘im-oyoqli, ayrim jinslidir. Tanasi oval shaklda, bo‘yi 0,3-0,6 mm ga boradi.

Uning bahor yozdagi avlodi ko‘kish-sariq, qishlab chiqadiganlari to‘q sariq-qizil rangda bo‘ladi. Tanasining yon tomonlaridagi ikkita qoramtir dog‘lari yaqqol ko‘rinib turadi.

Urg‘ochisi o‘zining rivojlanishida tuxum, lichinka, pronimfa, deytonimfa va etuklik (imago) davrlarini kechiradi. Tuxumi yumaloq-sharsimon bo‘ladi. Lichinka, pronimfa va deytonimfa shakldagilari etugi (imago) sidan kichikligi bilan farq qiladi.

Lichinkada uch juft, nimfa va imagoda to‘rtta juftdan oyoq bo‘ladi. O‘rgimchakkana uchun harorat +26-30°, havoning nisbiy namligi 55-60% bo‘lishi optimal sharoit hisoblanadi.

Yozda harorat pasayib ketganda, yog‘ingarchilik bo‘lib, shabnam tushganida, kushanda yirtqichlar paydo bo‘lganida o‘rgimchakkanalar soni kamayadi.

O‘rgimchakkana qishlovdan juda barvaqt, o‘rtacha harorat 7,3°C dan oshganda chiqadi. Birinchi avlodi begona o‘tlarda, Ayniqsa qo‘ypechak kabi o‘tlarda rivojlanadi. Begona o‘tlar qurib dagallashganidan keyin yoki zararkunandaning ko‘chishi natijasida, shuningdek, ekindan

Barg ostki epiderma hujayralarining g‘ovak parenxima hujayralari qavatining balandligi o‘rgimchakkanaga chidamli navlar uchun xarakaterli darajada 150,7-166,9 mkm ga teng bo‘lganida kana ustunchasimon parenxima hujayralarining shirasi bilan oziqlana olmaydi, chunki etuk o‘rgimchakkanada sanchib so‘ruvchi og‘iz apparatining uzurligi 116,9-120,7 mkm ni katta yoshdagi lichinkalarida esa 102,6-165,4 mkm ni tashkil qiladi.

Tadqiqotlar davomida o‘rgimchakkanaga qarshi biolaboratoriyalarda ko‘paytirilayotgan oltinko‘z kushandasining biologik samaradorligini aniqlash maqsadida tadqiqotlar olib borildi.

Tadqiqotlarda har 10 tup atirgulga 100- 150 va 200 dona oltinko‘z lichinkalari zararkunanda ko‘payayotgan barglarga 3 variantda tarqatildi. 3-7-14 kun o‘tganda barglardagi zararkunandalar soni hisobga olib borildi. Oltinko‘z lichinkasi mavjud bo‘lgan barglardagi zararkunandalar sonini, entomofag uchramagan barglardagi soni bilan taqqoslangan holda Abbot formulasi yordamida tadbirning biologik samaradorligi o‘rganildi.

**1-jadval.**

**Atirgulda oʻrgimchakkanalarga qarshi oltinkoʻzni biologik samaradorligi.**
**(Toshkent davlat agrar universiteti tajriba dala maydoni 2023 ).**

| № | 1 tup atirgulda tarqatilgan oltinkoʻz soni, | Oltinkoʻz tarqatilmasdan oldingi kunlar | O’rgimchakkanalar soni, dona, bargda | | | Biologik samaradorlik, % | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 3 | 7 | 14 | 3 | 7 | 14 |
| 1. | 100 | 14,6 | 10,1 | 9,4 | 8,6 | 41,6 | 61,3 | 68,6 |
| 2. | 150 | 16,8 | 16,1 | 13,3 | 10,6 | 31,0 | 60,2 | 71,8 |
| 3. | 200 | 15,3 | 14,6 | 13,5 | 11,1 | 42,0 | 65,3 | 74,8 |
| 4. | Nazorat (entomofag tarqatilmadi) | 10,8 | | | | - | - | - |

Tadqiqotlar natijasiga koʻra oltinkoʻz lichinkalari 1 variantda 100 dona hisobida oltinkoʻz tarqatilganda biologik samaradorlik 14 kunda oʻrtacha 68,6%, 150 dona tarqatilgan 2 varianda esa 14 kunga kelib 71,8 % biologik samaradorlikka erishilgan boʻlsa 3 variantda 200 ta oltinkoʻz kushandasi zararkunandaga qarshi tarqatilganda 7 kunga kelib 65,3% hamda 14 kunga 74,8% biologik samaradorlikga erishildi.

### Foydalanilgan adabiyotlar:


1. Kimsanbaev X.X., Sulaymonov B. Biolaboratoriyada entomofaglarni koʻpaytirish.Uslubiy qoʻllanma.-Toshkent, 2000.
2. Кимсанбаев Х.Х., Сулаймонов Б.А., Автономов А., Ортиқов Д.У. Биологические метод защиты паслёновых культур в Республики Узбекистан //Агромередиан-Алматы, 2006. - №1(2).
3. Анорбаев А.Р., Кимсанбоев Х.Х., Эсонбаев Ш. Место биологического метода в интегрированной защите растений // Наука и молодежь: Новые идеи и решения.70-летию образования ВолГАУ посвящается. Материалы VIII Международной научно-практической конференции молодых исследователей. Часть 1. – Волгоград, 2014. – С.
4. Xamraev A.Sh., Xasanov B,A. Oʻsimliklarni biologik himoya qilish vositalari. Toshkent-2012.

UDK: 633.854.78:631.527.53:631.52(575.1)

# KUNGABOQAR O‘SIMLIGI NAV NAMUNALARIDA FENOLOGIK KUZATUVLAR

**Xabibullayev X. A.,**
Don-dukkakli ekinlar ilmiy-tadqiqot instituti tayanch doktoranti

**Annotatsiya.** Maqolada kungaboqar o‘simligi nav namunalarida fenologik kuzatuvlar yoritilgan. Ushbu maqolada dala sharoitida olib borilgan fenologik kuzatuvlarga ko‘ra, kungaboqar duragaylar, tizmalar va navlarning o‘rtacha unib chiqish ko‘rsatkichlari, poya balandligi, ilk savatchalar shakllanish bo‘yicha yangi yaratilgan Madina navining ustunligi, navning majmui qimmatli xo‘jalik belgilari bo‘yicha ustunligini hisobga olib amaliy seleksiya jarayonlarida foydalanishi tavsiya etilishi keltirib o‘tilgan.

**Таянч so‘zlar:** kungaboqar, duragay, tizma, nav, seleksiya jarayoni,urug‘, vegetatsiya davri, unib chiqish, poya balandligi, savatchalar,shakllanish.

**Kirish. Respublikamizda kungaboqardan yuqori sifatli urug‘ hosili olishda har bir mintaqa tuproq-iqlim sharoitidan kelib chiqqan holda, rayonlashtirilgan kungaboqar navlarini to‘g‘ri tanlash eng muhim vazifalardan biri bo‘lib hisoblanadi.**

**Shuningdek, tanlagan nav biotik va abiotik stresslarga chidamliligi yuqori bo‘lishi talab etiladi, bu esa yuqori daromad garovi bo‘ladi. Hozirgi vaqtda kungaboqar yetishtirishda seleksiya ishlarining samarali olib borilishi hisobiga, kungaboqarning ko‘plab duragaylari va navlari yaratilgan va ishlab chiqarishda maqsadli foydalanib kelinmoqda.**

Andijon viloyatining tuproq-iqlim sharoitida kungaboqarning birlamchi urug‘chiligini tashkil etish bo‘yicha olib borilayotgan ilmiy tadqiqotlar yetarli darajada olib borilmagan hamda ekologik muhitning o‘zgarib borayotganligi, seleksioner olimlar tomonidan bu yo‘nalishlardagi ilmiy izlanishlarni zamonaviy usullarni qo‘llagan holda nazariy va amaliy jihatlarni chuqur o‘rganish orqali amalga oshirilishi zarur ekanligini ko‘rsatadi.

Biz tomonimizdan olib borilgan tadqiqotning maqsadi tuproq-iqlim sharoitlariga mos keladigan, moyli kungaboqarni hosildorligi, moydorligi yuqori, kasallik va zararkunandalarga bardoshli, biologik tezpishar yangi navlarini tanlash, ajratish hamda birlamchi urug‘chiligini tashkil etish va ishlab chiqarishga joriy qilishdan iborat bo‘ldi.

Tadqiqotlar Andijon viloyati Izboskan tumani xududidagi Moyli ekinlar seleksiyasi va urug‘chiligi Ilmiy tadqiqot fermer xo‘jaligi tajriba dalasining tuproqlari o‘tloqi tuproq sharoitida, sizot suvi sathi

3,5-4 m, tuproqni mexanik tarkibi oʻrtacha qumoq, tuproq ona jinsi ollyuvial-prolyuval yotqiziqlardan tashkil topgan sharoitda olib borilgan boʻlib, analitik seleksiya usulida kungaboqarning hosildor, kasallik va zararkunadalarga bardoshli, texnologik sifat koʻrsatkichlari yuqori boʻlgan, tezpishar seleksion ashyolar hamda yangi navini yaratishga qaratilgan.

Tadqiqot manbai sifatida kungaboqarning xorijdan keltirilgan Olimp F1 duragayi va Liniya 1, Liniya 2 tizmalarining seleksion reproduksiyali urugʻlaridan, andoza nav sifatida Yangi zamon navi foydalanildi.

Tadqiqot natijalari. Unib chiqish: oʻsimlik unib chiqishi koʻrsatkichi urugʻ suvi berilgan kundan soʻng 30 % koʻchatlar unib chiqqach hisoblanadi. Bu jarayon uch marta oʻtkaziladi, bu jadvalda har bir qaytariqda 10 m2 joydagi, yaʼni 16,6 m masofaga ekilgan 60-63 dona koʻchatlarning oʻrtacha unib chiqishi keltirib oʻtildi (1-jadvalga qarang). Olimp F1 duragayi oʻrtacha 61 dona, yaʼni 91,6 %, Liniya 1 tizmasi 61,5 dona, yaʼni 92,3 %, Liniya 2 tizmasi 60,5 dona, 90,8 %, Madina navi 62,2 dona, yaʼni 93,5 % unib chiqib, eng yuqori unib chiqish darajasi ushbu navda kuzatildi. Ushbu Madina navi andoza nav sifatida ishtirok etayotgan kungaboqarning Yangi zamon naviga nisbatan 1,2 % koʻproq unib chiqqani qayd etildi.

**1- jadval.**

**Tajribadagi nav va tizmalarning oʻrtacha unib chiqish koʻrsatkichlari**

| T/R | Duragay, tizma va nav nomi | Qaytariqlar | | | | Oʻrtacha, % |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | |
| 1 | Olimp $F_1$ | 62 dona (93 %) | 61 dona (91.6 %) | 60 dona (90,1 %) | 61 dona (91,6%) | 61 dona (91,6 %) |
| 2 | Liniya 1 | 61 dona (91,6 %) | 62 dona (93 %) | 62 dona (93 %) | 61 dona (91,6%) | 61.5 dona (92,3 %) |
| 3 | Liniya 2 | 60 dona (90,1 %) | 62 dona (93 %) | 61 dona (91,6 %) | 59dona (88,5 %) | 60.5 dona (90,8 %) |
| 4 | Madina | 62 dona 93 % | 63 dona 94.5 % | 62 dona (93 %) | 62 dona (93 %) | 62.2 dona (93,5 %) |
| 5 | Yangi zamon (st) | 63 dona (94,5 %) | 61 dona (91.6 %) | 62 dona (93 %) | 60 dona (90,1 %) | 61.5 dona (92,3 %) |

Nisbatan pastroq unib chiqish darajasi Liniya 2 (90,8 %) tizmasida namoyon boʻlib.

Tajribamizda chin barg hosil qilish oʻrganilayotgan nav va tizmalar orasida eng tez chin barglarini hosil qilishi Olimp F1da kuzatilib, vegetatsiyaning 11-kunida 90 % chin barg hosil qildi.

Oʻsimliklarning vegetatsiya davrlari turlicha boʻlib, buni ularning poya balandligida ham koʻrish mumkin (2-jadvalga qarang). Masalan, kungaboqar nav va duragaylarining poyalari oʻsish jadalligida vegetatsiya davri qisqa va poyasi uzun boʻlgan.

Tadqiqotlardagi jadval maʼlumotlarida Madina navining boshqa nav, tizma va duragaylarga nisbatan poyasining baland boʻlganligi namoyon boʻlib, 90,2 sm ni tashkil etdi.

Oʻrganilgan nav va duragaylarda belgi boʻyicha koʻrsatkich 55,7 sm (Olimp F1) dan 73,5 sm (Liniya 2) gacha boʻlganligi qayd etildi.

**2-jadval.**

**Tajribadagi nav, duragay va tizmalarning 01.06.2022 xolatiga oʻrtacha poya balandligi**

| T R | Duragay, tizma va nav nomi | Qaytariqlar | | | | Oʻrtacha, % |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | |
| 1 | Olimp $F_1$ | 56 sm | 55 sm | 56 sm | 56 sm | 55,7 sm |
| 2 | Liniya 1 | 61 sm | 62 sm | 63 sm | 62 sm | 62 sm |
| 3 | Liniya 2 | 72 sm | 73 sm | 75 sm) | 74 sm) | 73,5 sm |
| 4 | Madina | 90 sm | 91 sm | 88 sm | 90 sm | 90,2 sm |
| 5 | Yangi zamon (st) | 68 sm | 66 sm | 67 sm | 68 sm | 67,2 sm |

Vegetatsiya davrining davomiyligi savatchalarning hosil qilishida ham oʻz aksini topib, ushbu belgi boʻyicha kuzatuv natijalari 3-jadvalda keltirib oʻtilgan, ushbu belgining muhimligi shundaki kelgusida kerakli ashyolarni oʻzaro duragaylash zarurati boʻlganda ushbu ashyolarning gullash muddatlari hisobga olinib ekiladi.

Jadval maʼlumotlariga koʻra, savatchalarning hosil boʻlishi oʻrgaligna duragay,tizma va navlarda 1-qaytariqda 8 iyun (Madina) dan 14 iyun (Olimp F1, Liniya 2) gacha, 2-qaytariqda 7 iyun (Madina) dan 16 iyun (Olimp F1) gacha, 3-qaytariqda 3 iyun (Madina) dan 15 iyun (Liniya 2) gacha, 4-qaytariqda esa 8 iyun (Madina) dan 15 iyun (Liniya 2) gacha boʻlganligi qayd etildi.

Ilk savatchalarning shakllanishi boshqa duragay va tizmalar hamda andoza Yangi zamon naviga nisbatan Madina navida ertaroq hosil boʻlganligi namoyon boʻldi.

**3- jadval.**

**Tajribadagi namunalarda ilk savatchalar shakllanish sanasi**

| T R | Duragay, tizma va nav nomi | Qaytariqlar | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 1 | Olimp $F_1$ | 14-iyun | 16-iyun | 15-iyun | 14-iyun |
| 2 | Liniya 1 | 11-iyun | 12-iyun | 12-iyun | 10-iyun |
| 3 | Liniya 2 | 14-iyun | 15-iyun | 15-iyun | 15-iyun |
| 4 | Madina | 8-iyun | 7-iyun | 3-iyun | 8-iyun |
| 5 | Yangi zamon (st) | 17-iyun | 18-iyun | 19-iyun | 18-iyun |

Demak, xulosa tarzida taʼkidlab oʻtish joizki, dala sharoitida olib borilgan fenologik kuzatuvlarga koʻra, kungaboqar duragaylar, tizmalar va navlarning oʻrtacha unib chiqish koʻrsatkichlari, poya balandligi, ilk savatchalar shakllanish boʻyicha yangi yaratilgan Madina navining ustunligi qayd etildi. Ushbu navning majmui qimmatli xoʻjalik belgilari boʻyicha ustunligini hisobga olib amaliy seleksiya jarayonlarida foydalanishi tavsiya etiladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Turdiyev SH.SH. Oʻzbekiston sharoitida kungaboqar navlarini yaratish va mahalliylashtirish. «Oʻzbekistonda kungaboqar yetishtirishning ilmiy asoslari» Toshkent, “Fan” nashri. 2002.

2. A.H. Qodirov va SH.SH. Turdiyev «Kungaboqar yetishtirish agrotexnikasi» ilmiy-amaliy qoʻllanma. Toshkent, “Oʻzbekiston” nashriyoti. 2000 yil. 88 bet.

UO‘T: 633.511:632.4:631.527.52(575.1)

# ҒЎЗА ТИЗМАЛАРИНИНГ КИЧИК НАВ СИНАШ (СТАНЦИОН) КЎЧАТЗОРИДАГИ ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАР БЎЙИЧА НАТИЖАЛАРИ

**Mirxamidova G. M.,**

Andijon qishloq xo‘jaligi agrotexnologiyalari instituti (AQXAI) tayanch doktoranti

**Аннотация.** Мақолада ғўза тизмаларининг кичик нав синаш (станцион) кўчатзоридаги қимматли хўжалик белгилар бўйича натижалари келтирилган. Вилтга бардошлиликда Т-8, Т-7 тизмалари, бир туп ўсимликдаги пахта ҳосили бўйича Т-8 тизмаси, битта кўсакдаги пахта вазни бўйича Т-8, Т-5, Т-12 тизмалари, тола чиқими ва тола узунлиги бўйича Т-8 тизмаси устунликни намоён қилиб, улардан белгиларни яхшилашда генетик-селекцион жараёнларда фойдаланиш имкониятлари мавжудлиги ёритилган.

**Таянч сўзлар:** ғўза, тизма, кичик нав синови, катта нав синови, қимматли хўжалик белги, вилтга бардошлилик, бир туп ўсимликдаги пахта ҳосили, тола чиқими, тола узунлиги

**Кириш. Дунё бўйича пахта етиштириш ҳажми 2023 йилда 25 миллион тоннадан ошди, бу эса қарийб 33 миллион гектар майдонда етиштирилганлигини англатади. Пахта асосан Хитой, Ҳиндистон, АҚШ, Бразилия ва Покистонда катта миқдорда етиштирилади. Бироқ, ҳосилдорлик ва тола сифатига жиддий таъсир этувчи омиллардан бири бу — вертицеллёз вилт (Verticillium dahliae Kleb.) касаллигидир. Бу замбуруғли касаллик айниқса пахта етиштириладиган ҳудудларда кенг тарқалган бўлиб, жаҳонда йиллик умумий ҳосилнинг 10–30 % гача йўқотилишига сабаб бўлади.**

Шу боис, юқори ҳосилдор, тола чиқими ва сифати юқори бўлган, айни пайтда вертицеллёз вилт касаллигига бардошли пахта навларини яратиш — жаҳон пахтачилик соҳасида долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

**Тадқиқот натижалари.** Биз томонимиздан яратилган тизмалар кичик нав синови далаларида вилт билан зарарлантирилган муҳитда 25 м2 6 қайтариқ, рендамизация усулида ҳар 10 та ўсимликдан кейин андоза С-6524 нави экилиб, қимматли хўжалик белгилари бўйича таҳлил қилинди.

Тадқиқотлар натижасида ажратиб олинган оилалар орасидан энг юқори кўрсаткичга эга бўлган ҳамда мажмуи қимматли хўжалик белгилари бўйича андоза С-6524 навидан устун бўлган янги тизмалар яратилди.

1-жадвал маълумотларига кўра, кичик нав синовида 6 қайтариқда ўрганилган тизмаларнинг ўртача ҳосилдорлиги 38,6 ц/га (Т-5) дан 40,3 ц/га (Т-8) гачани ташкил этди. Бу эса андоза С-6524 навидан (35,8 ц/га) тегишли равишда 2,8 ц/га дан 4,5 ц/га гача юқори ҳосилдорлигидан далолат беради.

2-жадвал маълумотларига кўра, 1 июль ҳолатида вертицеллёз вилт билан зарарланиш даражаси яратилган тизмаларда 0,10 % (Т-10) дан 0, 12 % (0,12) гача , андоза С-6524 навида 0,24 % зарарланганлиги, 1 август ҳолатида 1,0 % (Т-8) дан 1,2 % (Т-5, Т-10) гача, андоза навда 2,2 %, 1 сентябрь ҳолатида 3,0 % (Т-8, Т-7)дан 3,1 % (Т-10, Т-12,Т-5) гача зарарланганлиги қайд этилди.

**1-жадвал.**

**Кичик нав синовида ўрганилган тизмаларнинг ҳосилдорлиги ц/га**

| Тизмалар ва андоза нав | Қайтариқлар | | | | | | Ўртача | St дан фарқи | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | I | II | III | IV | V | VI | | | |
| Т-8 | 41,8 | 40,7 | 40,1 | 39,6 | 40,2 | 39,9 | 40,3 | +4,5 | |
| Т-5 | 38,2 | 38,8 | 38,5 | 38,6 | 38,8 | 38,6 | 38,6 | +2,8 | |
| Т-12 | 38,5 | 38,9 | 38,5 | 39,8 | 38,8 | 39,8 | 39,0 | +3,2 | |
| С-6524 (st) | 36,9 | 36,4 | 35,9 | 35,1 | 35,9 | 35,1 | 35,8 | | |
| | | $НСР_{05}$=0,87 Sx=2,01 % | | | | | | | |

**2-жадвал.**

**Яратилган ғўза тизмаларининг кичик нав синаш (станцион) кўчатзоридаги қимматли хўжалик белгилар бўйича кўрсаткичлари**

| № | Тизмалар | Келиб чиқиши | Вертицеллёз вилт билан зарарланиш, фоиз | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | 1.07 | 1.08 | 1.09 |
| 1. | Т-10 | О-10 | 0,10 | 1,2 | 3,1 |
| 2. | Т-5 | О-5 | 0,11 | 1,1 | 3,1 |
| 3. | Т-6 | О-6 | 0,10 | 1,1 | 3,1 |
| 4. | Т-12 | О-12 | 0,12 | 1,2 | 3,1 |
| 5. | Т-8 | О-8 | 0,11 | 1,0 | 3,0 |
| 6. | Т-7 | О-7 | 0,11 | 1,1 | 3,0 |
| 7. | С-6524 (St) | | 0,24 | 2,2 | 5,6 |



3-жадвал маълумотларига кўра, вилт билан табиий зарарланган муҳитдан тупроқнинг 0-10, 10-20, 20-30,30-40 см қатламидан намуналар олиниб, 1 г абсолют қуруқ тупроқдаги вилт касаллигини қўзғатувчи Verticillium dahliaeнинг тупроқдаги миқдори аниқланди. Fusarium oxysporum f. sp. Vasinfectum замбуруғи билан зарарланиш даражаси яратилган тизмаларда 25 % дан 50 % гача зарарланиш кузатилиб, Т-5 ва Т-6 тизмаларида 25 %, Т-10 ва Т-8 тизмаларида 30 % зарарланиш, қолган тизмаларда эса 50 % зарарланиш қайд этилди. Андоза С-6524 навида белги бўйича кўрсаткич 50 % ни ташкил этди. Fusarium verticillioides замбуруғи билан Т-8, Т-7, Т-5 тизмаларида 25 % зарарланиш кузатилиб, 25 % (Т-8) дан 55 % (Т-10) гача бўлганлиги кузатилиб, андоза навда 50 % зарарланиш қайд этилди.

Verticillium dahliae Kleb. замбуруғи ўрта толали ғўзада асосий касаллик ҳисобланиб, ушбу касаллик билан яратилган тизмалар 25 % дан 50 % гача зарарланди.

**3-жадвал.**

**Тизмаларнинг вилт касаллигини қўзғатувчи айрим патогенларига чидамлилиги, %**

| Тизмалар ва андоза нав | Вилт касаллигини қўзғатувчи патогенлар | Касалланган ўсимликлар, % |
|---|---|---|
| Т-10 | Fusarium oxysporum f. sp. Vasinfectum | 30.0 |
| | Fusarium verticillioides | 55.0 |
| | Verticillium dahliae Kleb.) | 30.0 |
| Т-5 | Fusarium oxysporum f. sp. Vasinfectum, | 25.0 |
| | Fusarium verticillioides | 50.0 |
| | Verticillium dahliae Kleb.) | 25.0 |
| Т-6 | Fusarium oxysporum f. sp. Vasinfectum | 25.0 |
| | Fusarium verticillioides | 50.0 |
| | Verticillium dahliae Kleb.) | 50.0 |

| | | |
|---|---|---|
| Т-12 | Fusarium oxysporum f. sp. Vasinfectum | 50.0 |
| | Fusarium verticillioides | 50.0 |
| | Verticillium dahliae Kleb.) | 25.0 |
| Т-8 | Fusarium oxysporum f. sp. Vasinfectum | 30,0 |
| | Fusarium verticillioides | 25,0 |
| | Verticillium dahliae Kleb. | 25,0 |
| Т-7 | Fusarium oxysporum f. sp. Vasinfectum | 50,0 |
| | Fusarium verticillioides | 50,0 |
| | Verticillium dahliae Kleb. | 25,0 |
| С-6524 (St) | Fusarium oxysporum f. sp. Vasinfectum | 50.0 |
| | Fusarium verticillioides | 50.0 |
| | Verticillium dahliae Kleb.) | 25.0 |

Ушбу замбуруғ билан аксарият тизмаларда 25 % зарарланиш кузатилиб, фақатгина Т-10 тизмасида 30 %, Т-6 тизмасида 50 % зарарланиш қайд этилди. Андоза навда ҳам ушбу белги бўйича кўрсаткич 25 % ни ташкил этди.

Бугунги глобал иқлим ўзгариши даврида ғўза навлари селекциясида турли хил касалликларга бардошлилик, ҳосилдорлик кўрсаткичлари билан бир қаторда тезпишарликка эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади. Чунки мамлакатимиз ғўза етиштирувчи давлатлар орасида энг шимолий минтақада жойлашган бўлиб, кескин континентал иқлимга эгадир. Тадқиқотларимизда яратилган тизмаларнинг тезпишарлигига баҳо бериб ўтдик.

5-жадвал маълумотларига кўра, яратилган тизмалар 113 (Т-5) кундан 117 (Т-10) кунгача пишиб етилганлиги кузатилди. Қолган тизмалар 116 кунда пишган бўлса, андоза С-6524 навида ушбу кўрсаткич 120 кунни ташкил этди.

Демак, кичик нав синави кўчатзорида нисбатан тезпишар тизма сифатида Т-5 тизмаси ажратиб олинди. Битта кўсакдаги пахта вазни ҳосилдорликнинг асосий компонентларидан ҳисобланади. Ушбу белги бўйича кўрсаткичлар 5,4 г (Т-5) дан 6,3 г (Т-8, Т-7) гача бўлиб, яратилган тизмалар андоза нав (5,3 г) дан тегишли равишда 0,1 г дан 1,0 г гача устунликни намоён қилди. Яратилган тизмалар орасида Т-8 тизмасида белги бўйича энг юқори натижа қайд этилди.

Бир туп ўсимликдаги маҳсулдорлик бўйича кичик нав синовида ўрганилган тизмалар 82,4 г (Т-10) дан 84,7 г (Т-8) гача бўлган натижаларни намоён қилди, ўз навбатида андоза С-6524 навида белги бўйича кўраткич 65,3 г ни ташкил этди. Битта кўсакдаги пахта вазни ҳосилдорликнинг асосий компонентларидан ҳисобланиб, яратилган тизмаларда юқори кўрсаткичларни намоён қилди.

Ушбу тизмаларда белги бўйича кўрсаткич 6,3 (Т-7) г дан 7,6 г (Т-8) гача бўлиб, андоза навдан тегишли равишда 0,9 г ва 2,2 г юқори бўлган натижалар қайд этилди.

Тола узунлиги асосий сифат кўрсаткичларидан бири ҳисобланиб, ушбу белги бўйича кўрсаткич 34,2 мм (Т-10) дан 34,5 мм (Т-8) гача, андоза навда

эса 33,6 мм бўлиб, қолган тизмаларда ҳам 34 мм дан юқори кўрсаткичлар намоён бўлди.

5-жадвал.

**Кичик нав синовидаги тизмаларнинг қимматли хўжалик белгилари бўйича кўрсаткичлари**

| Тизмалар ва андоза нав | Тезпишарлик, кун | | | Битта кўсакдаги пахта вазни, г | | | Бир туп ўсимликдаги маҳсулдорлик, г/ўсим. | | | Тола узунлиги, мм | | | Тола чиқими, % | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | M±m | σ | V,% | M±m | σ | V,% | M±m | σ | V,% | M±m | σ | V,% | M±m | σ | V, % |
| Т-10 | 117±1,56 | 2,2 | 1,89 | 6,0±0,09 | 0,1 | 2,53 | 82,4±1,74 | 2,5 | 3,13 | 34,2±0,11 | 0,2 | 0,47 | 38,1±0,10 | 0,1 | 0,40 |
| Т-5 | 113±0,74 | 1,0 | 0,93 | 5,4±0,07 | 0,2 | 1,76 | 83,3±1,63 | 2,3 | 2,58 | 34,5±0,07 | 0,1 | 0,31 | 38,1±0,08 | 0,1 | 0,30 |
| Т-6 | 116±1,41 | 2,0 | 1,72 | 6,2±0,08 | 0,2 | 2,06 | 84,4±2,13 | 3,0 | 3,76 | 34,6±0,12 | 0,2 | 0,54 | 38,0±0,09 | 0,1 | 0,37 |
| Т-12 | 116±1,33 | 1,8 | 1,63 | 5,6±0,08 | 0,1 | 2,10 | 84,5±2,29 | 3,2 | 4,34 | 34,5±0,12 | 0,2 | 0,53 | 38,0±0,13 | 0,2 | 0,52 |
| Т-8 | 116±1,31 | 1,0 | 1,54 | 6,3±0,09 | 0,1 | 2,04 | 84,7±2,10 | 3,0 | 2,70 | 34,6±0,10 | 0,1 | 0,50 | 38,5±0,08 | 0,1 | 0,36 |
| Т-7 | 116±1,33 | 1,8 | 1,63 | 6,3±0,08 | 0,1 | 2,10 | 84,3±2,20 | 3,1 | 2,30 | 34,5±0,10 | 0,2 | 0,59 | 38,3±0,10 | 0,2 | 0,59 |
| Андоза С-6524 | 120±1,15 | 1,6 | 1,36 | 5,3±0,07 | 0,1 | 1,99 | 70,7±1,67 | 2,4 | 3,35 | 33,8±0,08 | 0,1 | 0,34 | 36,3±0,10 | 0,1 | 0,42 |

Бизнинг тадқиқотларимизда тола чиқими кўрсаткичи 38,0 % (Т-12) дан 38,5 % (Т-8) гачани ташкил этди. Демак, белги бўйича андоза С-6524 нави (36,3 %) га нисбатан тегишли равишда 1,7 % дан 2,2 % гача юқори кўрсаткичга эришилди.

Хулоса тарзида таъкидлаб ўтиш жоизки, вилтга бардошлиликда Т-8, Т-7 тизмалари, бир туп ўсимликдаги пахта ҳосили бўйича Т-8 тизмаси, битта кўсакдаги пахта вазни бўйича Т-8, Т-5, Т-12 тизмалари, тола чиқими ва тола узунлиги бўйича Т-8 тизмаси устунликни намоён қилди.

Мажмуи қимматли хўжалик белгилари бўйича андоза навдан ҳамда бошқа тизмалардан устун бўлган Т-8 тизмаси ҳамда белгилар бўйича нисбатан устун натижаларни намоён қилган Т-5 ва Т-12 тизмалари конкурс нав синовида синаш учун топширилди.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Ахмедов Дж.Х., Нуриддинов А.М., Рахматуллаев Ғ.Д., Рахимов А.Д., Мирхамидова Г.М. F3 дурагай авлодларини тезпишарлик, вилтга чидамлилик белгилари ва айрим хўжалик қимматли кўрсаткичлари // “Фундаментал фан ва амалиёт интеграцияси: муаммолар ва истиқболлар” Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 25 май 2018 йил. 218-220 б.
2. G.Xolmurodova, S’h.Namazov, M.Xakimova. G‘o’zada murakkab oilalarning tola chiqimi va tola uzunligi o’rtasidagi korrelyativ bog‘liqliklar. J.“Agro kimyo himoya va o’simliklar karantini” № 5.2021, Tos’hkent. 62-b.
3. Рахимов А.Д., Мирхамидова Г.М., Ахмедов Ж.Х., Нуриддинов А.М. Нав ва намуналарни қимматли хўжалик белгилари ва тезпишарлиги бўйича баҳолаш // Агро илм “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журнали иловаси. Тошкент - 2019. Махсус сон (61), 12-13 б. (06.00.00.№1).
4. Жураев К. Ғўзанинг вертициллиоз вилтга чидамли хорижий нав дурагайлари. “Ғўза ва кузги бугдойнинг парваришлаш агротехнологияларини такомиллаштириш”. Ўз ПИТИ ва МАГАТЭ халқаро илмий-амалий конфренция маърузалари тўплами, Тошкент, 2003 йил. 240-241-б.

# УНИ МАҲМУД ТОИРОВ ДЕЙДИЛАР!..

**Газета-журналларда унинг мақола ва шеърларини ўқиганлар севимли шоиримиз Маҳмуд Тоир билан адаштиришади. Лекин уларнинг муаллифи севимли шоиримиз Маҳмуд Тоир эмас, серқирра ижодкор Маҳмуд Тоиров!**



**Суратда: муаллиф М.Тоиров билан.**

Зиёли, самимий ва камтарин Маҳмуд ака Тоиров билан "Ўзбекистон овози" – "Голос Узбекистана" газеталари бирлашган таҳририятида ишлаб юрганимизда танишганмиз. Долзарб мавзулардаги мақолаларим рус тилига таржима қилиниб, "Голос Узбекистана" газетасида ҳам берила бошланди. Бирлашган таҳририят бўлгани учун буни одатий ҳолдай қабул қилдим, лекин таржималарнинг пухталигидан ҳайрон қолдим. 2013 йил 17 май куни "Голос Узбекистана" газетасида "Звезда эстрады Анна Герман" мақолам чиққанда ҳайратга тушдим. Мақолам юксак савиядагина эмас, меҳр билан таржима қилинганди. Дарҳол мақолам таржимони Маҳмуд ака билан учрашиб, ташаккуримни айтдим. Ўша кундан кейин у киши билан учрашганда узоқ суҳбатлашадиган бўлдик.

1936 йил 14 март куни Урганчда туғилган машҳур хонандамиз Анна Германни Маҳмуд ака ҳам қадрлар ва қўшиқларини севиб тинглар эканлар. Биламизки, мустабид тузум гумашталари Аннанинг отасига "халқ душмани" айблови қўйиб, 1938 йилда қатл этишган ва улар онасини "халқ душмани"нинг хотини сифатида таъқиб қилишган. Онаси таъқиблардан қутулиш учун 1946 йили қизи ва онаси билан Польшага кўчиб кетган (Аннанинг отаси 1951 йилда оқланган). Истеъдодли Анна эстрада хонандаси бўлиб танилди. Юлдузли даврида Анна Германнинг ҳар бир ҳафтасигина эмас, ҳар бир куни олдиндан белгилаб қўйилганди.

Шу боис туғилган юрти Ўзбекистонга гастролга келишни қанчалар хоҳламасин имкониятини тополмаган. 1979 йили унинг Қирғизистон ва Қозоғистонга концерт гастроллари белгиланди. Қирғизистондаги гастроль тугагач, Алматига Тошкент орқали ўтишади. Ташкилотчилар зудлик билан Тошкент куранти ғарбидаги санъат саройида Анна Германнинг иккита концертини ўтказишга муваффақ бўлади. Анна Германнинг Тошкентдаги иккала концертини ҳам томоша қилган Маҳмуд акага ҳавасим келди, ҳурматим янада ошди. Ҳолбуки, бу концертнинг биттасини ҳам кўролмай армонда қолганлар сон-саноқсиз эди.

2021 йили Анна Герман ҳақида ўзбек ва рус тилларида китоб чиқаришни ўйладим. Газетада чиққан мақоланинг ҳажми катта бўлгани учун саҳифага сиғмаган айрим абзацлар олиб ташланганди. Маҳмуд акадан ўша абзацларни қайтадан таржима қилиб беришларини сўрадим. Улар таржимани бажонидил бажардилар. Китоб чиққач, тақдим этганимда мендан кўпроқ хурсанд бўлдилар. Бу вақтда улар "Агро-Информ" журнали бош муҳаррири ўринбосари эдилар. Дарҳол Анна Германга бағишланган мақоламни ва китоб ҳақидаги маълумотни журналда чоп этдилар. Ҳа, Маҳмуд ака ҳаммага манзур бўладиган мақолаларни ўқувчиларга тезроқ етказишга интиладиган зиёли муҳаррирларимиздан биридир.

Одам бир кунда ёки бирдан маърифатли бўлиб қолмайди. Бунинг учун аввало маърифатли оилада туғилиши ва тарбия олиши керак. Маҳмуднинг бахти шундаки, Тошкентдаги маърифатли оилада 1955 йил 1 февраль куни дунёга келди. Падари бузруквори Абдулҳақ ота билимли бўлиб, адабиётни яхши кўрардилар, кўплаб адабиётшунослар билан дўст тутингандилар. Қадрдонлари орасида Ҳамид Сулаймонов, Абдуқодир Ҳайитметов каби таниқли олимларнинг борлигининг ўзи уларнинг қандай маърифатли инсон бўлганидан дарак беради. Оналари Тоҳира ая ҳам эскича, ҳам янгича таълим олгандилар. Айнан Тоҳира ая ҳали мактаб ёшидан анча илгари Маҳмудга алифбони ва ўқишни ўргатгандилар. Ота-онаси янги чиққан китобларни сотиб оларди, уйларига обуна бўлган газета-журналлар мунтазам келиб турарди. Шу боис оиладаги болалар ўқиш-ўрганишга ташна бўлиб улғайишди. Носир акаси ўзи тез-тез китоб олиб турадиган уйи яқинидаги кутубхонага Маҳмудни ҳам олти ёшида аъзо қилди ва унга "Доктор Айболит" китобини олиб берди. Шу китоб Маҳмудга равон ўқишни ўргатди ва китобларга бўлган қизиқишини ошириб юборди. У адабиётга шунчалар қизиқиб кетдики, ўн ёшидан шеър ёзишни машқ қила бошлади ва ўқиган китобларидаги ибратли гапларни кичик қоғозга ёзиб йиғди, уларни такрор-такрор ўқиди.

Ўқувчилик даврида дарсларни яхши ўзлаштириш билан бир қаторда жисмоний тарбия машғулотларида ҳам мунтазам равишда қатнашди. Айниқса, енгил атлетиканинг югуриш тури мусобақаларида яхши натижа билан ғолиб чиқарди. Мусобақани кузатиш учун келган спорт мактаби мураббийи жисмоний тарбия ўқитувчисидан қобилиятли ўқувчисини шогирдликка беришини сўради. Ўқитувчиси ёнида турган Маҳмудни мураббийга тавсия этди. Мураббий Маҳмуд русча мактабда ўқишини билмагани учун ўқитувчисига қараб рус тилида деди: "Менга маҳаллий миллат боласидан эмас, рус шогирд керак". Бу гапдан Маҳмуднинг дили оғриди, ўша кунги мусобақаларда илгариги натижаларини ҳам такрорлай олмади.

Падари бузруквори Абдулҳақ ота меҳнат фаолиятини мактабда математика фанидан дарс бериш билан бошлагани учун Маҳмуд ўқувчилик даврида аниқ фанларга қизиқарди. Мактабни тугатиши билан ҳужжатларини Тошкент Давлат университети (ҳозиргиЎзМУ) нинг физика факультетига топширди ва

талаба бўлди. Лекин академик геологларимиз Ҳабиб Абдуллаев, Иброҳим Ҳамробоев, Обидхўжа Акромхўжаев ҳаёти ва фаолиятига оид мақолаларни газета-журналлардан кўп ўқигани учунми геологларнинг жўшқин ҳаёти қизиқтириб қўйганди ва ўқишини геология факультетига кўчирди. Яъни, Маҳмуд ака машҳур қозоқ шоири Ўлжас Сулаймоновга ўхшаб геология факультетида таҳсил олди.

Юқори босқичдаги талабалар амалиёт ўташ учун тоғлар бағрида экспедицияда бўлган геологлар қароргоҳига жўнатилади. Маҳмуд Тошкент вилояти Паркент тумани тоғларида изланиш олиб бораётган геологлар ҳузурига етиб борди. Унинг тиришқоқлиги барчага манзур бўлди ва диплом олиши билан ўзларига чақириб олишди. 1977 йилнинг октябрь ойи охирларида ҳеч кутилмаганда бир метрдан зиёд қалинликда қор ёғди. Геологлар ташқи оламдан ажралиб қолгани учун пастликга кўчишга қарор қилишди. Машина юролмагани учун отлар ёрдамида жиҳоз ва буюмларни кун бўйи ўн километр пастга қор кечиб ташишди. Кечқурун Маҳмуднинг иситмаси кўтарилди ва уни зудлик билан Тошкентга жўнатишди. Уч ойдан кўпроқ олдин шифохонада, кейин уйда даволанди. Тиббий назорат комиссияси унинг геологик экспедицияларга чиқа олмаслиги тўғрисида хулоса чиқарди. Бу меҳнат фаолиятини ўзгартиришини тақозо этарди.

Хуллас, Маҳмуд ака ҳозирги Юнусобод тумани ижроия қўмитаси ташкилий ишлар бўлимида йўриқчи бўлиб иш бошлади. Бу даврда Маҳмуд аканинг ижодий фаолияти бошланди, ёзган мақолалари 1978 йилдан “Вечерний Ташкент” газетасида чиқа бошлади. Шу билан бирга хабарлари Ўзбекистон радиосида бериб борилди. Баъзи шеърлари ўзбек халқининг атоқли шоири Эркин Воҳидов тавсияси билан Мирпўлат Мирзо томонидан “Ёшлар” альманахида, шоира Муқаддас Абдусаматова томонидан “Ёш ленинчи” газетасида чоп этилди. Ўз вақтида, Тошкент халқ хўжалиги институти “Иқтисодчи” газетаси эса, Маҳмуд Тоировнинг бир нечта асарларини босиб чиқарди... Билимли ва меҳнаткаш ёш мутахассис назарга тушди, уни янги-янги таклифлар йўлга чорлади. 1978–2001 йилларда давлат ташкилотларида мартабаси поғонама-поғона ошиб борди – туман ижроия қўмитаси ташкилий ишлар йўриқчисидан Олий Мажлис раиси ўринбосари ёрдамчисигача бўлган масъул лавозимларда ишлади. Албатта, янги иш жойи ва каттароқ лавозимга тайинланганда унга юклатилган масъулият юки ҳам ошарди, талаблар кўпаярди. У ўзига ишониб топширилган вазифани бажариш учун тўхтовсиз равишда малакасини оширди ва астойдил меҳнат қилди.

2001 йили Халқ демократик партияси Марказий Кенгашига ишга ўтди ва партия нашри бўлган “Ўзбекистон овози” – “Голос Узбекистана” газетаси билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйди. Ўзи долзарб мавзуларда мақолалар ёзди ва партиянинг фаол аъзоларини бу жараёнга таклиф қилди. Партия ишлари тарғиботини янада яхшилаш учун у 2008 йили “Голос Узбекистана” газетасига бўлим бошлиғи вазифасига тайинланди. Олти йил давомида ўзи ёзган, таржима қилган, тайёрлаган мақолалари газета саҳифаларидан жой олди ва зиёлилар эътиборини қозонди.

2014 йилдан “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” – “Сельское хозяйство Узбекистана” журнали таҳриятида фаолиятини давом эттирди. Бу бежиз эмас, падари бузруквори узоқ йиллар иккита жамоа хўжалигида раис, кейин юртимизда ташкил этилган биринчи иссиқхонада директор бўлиб ишлаганди. Шу боис у қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича етарли билимга эга эди. Бундан ташқари, Маҳмуд ака давлат ташкилотларида ишлаган даврида қанчадан-қанча қишлоқ хўжалиги илғорлари, олимлари билан яқиндан танишганди. (Шу журналда чиққан мақолалари кейинчалик

“Ҳаёт битиклари” китобига киритилди).

Қишлоқ хўжалигига ихтисослашган журналга ўтиши ижодининг янги қирраларини кашф этди. Қишлоқ хўжалиги фанлар академиясининг Ўрта Осиё бўлими раҳбари академик Шавкат Акмалхонов, Тошкент аграр университетида узоқ йиллар ректорлик қилган таниқли олим Эркин Шайхов ва бошқа қишлоқ хўжалиги фидойилари фаолиятига бағишланган мақолалари чиққанда барча қизиқиш билан ўқиди. Ўзбек халқининг асл фарзанди, атоқли давлат ва жамоат арбоби, таниқли ёзувчи ва шоир, оташин публицист ва нотиқ, чорак аср Ўзбекистонга раҳбар бўлган Шароф Рашидов, унинг сафдоши Мирзамаҳмуд Мусахонов, Оқил Салимов, Мирзаолим Иброҳимов, Пўлат Ҳабибуллаев, Бўритош Шодиева, Темур Алимов, Пўлат Абдураҳмонов, Омон Олимжонов, Маматхон Тешабоев, Мансур Алиев, “десантчи”лар билан мардона курашган матонатли инсон Абдулҳамид Саидхўжаев ва бошқа давлат арбоблари тўғрисидаги хотиралари, машҳур академигимиз Шавкат Воҳидов, рассом Рўзи Чориев, ёзувчи Шуҳрат, шоир Ориф Одилхонов, тажрибали журналистлар – Анвар Жўрабоев, Сафар Остонов, ёшлар етакчиси Орифжон Назаров ва бошқа таниқли юртдошларимиз ҳақидаги эсдаликлари ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

У 2022 йилдан “АгроБизнесИнформ” журнали бош муҳаррири сифатида фаолиятини давом эттириб келаяпти. Маҳмуд ака қаерда ишламасин ижод қилишдан тўхтамади. Бироқ, ижод маҳсулларини тўплаб, китоб ҳолида нашр эттирмади. Бу хайрли ишни олтмиш ёшга қадам қўйгандагина бажарди. 2014 йили унинг “Ҳаёт сўқмоқларида” номли китоби нашрдан чиқди. Муаллифнинг муқаддимадаги қуйидаги сўзлари китоб мазмунини ифода этган: “Дунёга келган ҳар бир инсоннинг тамаддунда ўз ўрни, ўз ҳиссаси борлиги баҳс талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Демак, менинг амалларим, билганларим, фикр-ўйларимнинг ҳам муайян аҳамияти бор дейишга ҳақлиман. Қолаверса, инсоният тарихи фақат буюк шахслар, подшолар, давлат арбоблари фаолияти, урушлару инқилобий ўзгаришлардан иборат эмас. Миллионлаб кишиларнинг сермашаққат ҳаёти, изланишлари, кашфиётлари, кундалик бунёдкорлик ишлари жаҳон тарихининг ғиштларидир. Менинг ҳаётим, кўп йиллик меҳнат фаолиятим, сайъ-ҳаракатларим шу ғиштлардан бири. Шу нуқтаи назардан қараганда, менинг эсдаликларимда ҳеч бўлмаганда, катта тарихий китобларга кирмай қолган баъзи бир тафсилотлар, далил ва мисоллар, айрим шахслар фаолиятининг кўпчиликка нотаниш томонлари, улар сиймосининг номаълум жиҳатлари бўлиши мумкин-ку!”

Маҳмуд аканинг отаси — қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тажрибали, билимли, ғайратли раҳбар Абдулҳақ Тоиров 1968 йили 54 ёшида оламдан ўтди. Маҳмуд 14 ёшида отадан етим қолди. Меҳнат фаолиятини 13 ёшидан бошлаган онаси Тоҳира ая икки талаба, икки ўқувчи фарзандини (катта фарзандлари ўз йўлини топишганди) тикувчилик фабрикасида ишлаб вояга етказди, олий маълумотли ва уйли-жойли қилди. Фарзандларининг бахтини,ували-жували бўлганини кўрган Тоҳира ая 2010 йили табаррук 90 ёшида вафот этди...

Биз Тоҳира ая фарзандларинингували-жували бўлганини кўргани ҳақида ёздик. Шундай фарзандларининг бири Маҳмуд ака. У 1980 йили консерваторияни тугатаётган Диломромга уйланди. Ҳозирги кунда турмуш ўртоғи пойтахтимиздаги 21-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабида фортепиано бўлими мудири бўлиб ишлаяпти. 1982 йили ўғли Азамат туғилди. У отаси изидан борди — журналист. 1987 йили туғилган қизи Малика — юрист.

2016 йили Маҳмуд аканинг “Сен ва мен” деб номланган шеърлар китоби нашр этилди. Китоб муаллифнинг камтарона сўзлари билан бошланади: “Умрида шеър ёзишга уриниб кўрмаган, бу борада машқ қилмаган кишини топиш қийин бўлса керак. Мен ҳам болалигимдан сўзларнинг қофиясини топишга, ўз фикр-ўйларимни, ҳис туйғуларимни шеър шаклида қоғозга туширишга кўплаб марта ҳаракат қилганман. Баъзида, менинг назаримда, машқларим талабга жавоб бергандек бўларди”. У йиллар давомида шеърият ҳақидаги билимларини бойитди ва талабга жавоб берадиган шеърлар ёзди.

* * *

Бахт излар одамзот бир умр бўйи,
Олисга етаклар хаёлот-ўйи.
Бахтини излайди у ҳар бир жойдан,
Ҳатто топмоқ бўлар самодан, ойдан.
Азиз дўстим, айтай чин бахтнинг сирин,
Юракнинг тубида удир яширин.
Чин бахт кўнгилни қаритмас экан,
Дилдан ҳаёт шавқин аритмас экан.

Маҳмуд аканинг “Ҳаёт битиклари” (2017), “Тафаккур неъматлари” (2018) ва “Тафаккур дурдоналари” (2023) китобларида тақдирнинг туҳфаси бўлган битиклари жамланган. Давлат ташкилотларида ишлаган ижодкорнинг катта-катта асарлар ёзишга фурсат топиши қийин. Лекин ҳар куни турфа инсонларга, воқеаларга дуч келади. Ўша кезларда тақдирнинг туҳфасидай бўлиб, улар қулоғига ибратли сўзларни шивирлайди. Агар бу сўзлар қоғозга кўчса қолади, ёзилмаса унутилиб кетади. Ижодкор бўлгани учун Маҳмуд ака ўша сўзларни қоғозга туширди. Китобга кирган битиклар тақдир туҳфаси бўлгани учун замон ва макон чегараларидан ўтиб кетади: “Ҳавас ва ҳасад – Қобил ва Ҳобил”, “Донолар ҳикматига қулоқ тутишнинг эрта-кечи бўлмайди, уларга амал қилишда кечикиш мумкин”, “Жарликдан кўринган нарсани энг баланд чўққидан ҳам кўриб бўлмайди”, “Саҳрода булоқ бўл, уммонда орол”, “Тушингда ҳам тушкунликка тушма”, “Тилинг тилладан бўлса ҳам тий”, “Ўзбекнинг дўпписи – миллатнинг тожи”, “Ҳар бир даврнинг ўз Арастуси ва Суқроти бўлган, улар бор ва албатта бўлади”, “Қуёш нурларини қалбингда тўплаб, сўнг одамларга улаш”... Хуллас, сўзи билан иши бир Маҳмуд ака қуёш нурларидай олтин сўзларни тўплаб, сизу бизга улашиб келаяптилар.

Жорий йилнинг февраль ойида етмиш ёшни қаршилаган Маҳмуд ака ҳаётда бахтини, қуёш нурларидай олтин сўзларни, юраги тубидаги шеърларни топди (шеърлар юракда яшайди дея бежиз айтилмаган). Истагимиз, топган бахти, сўзлари, шеърлари кўнглини қаритмасин, қалбидан ҳаёт шавқини аритмасин. Яна узоқ йиллар ижод намуналари билан ўзига, бизга шодлик улашаверсин!

**Асрор Мўмин**,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

# BAZA O‘ZGARISHINING TRAKTORNING BOSHQARUVCHANLIGIGA TA’SIRI

**Karimov Abror Qayumovich,**

Qarshi davlat texnika universiteti

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada to’rt g’ildirakli traktorlarda bazasining minimal va maksimal qiymatlarida traktorning boshqaruvchanligiga ta’siri bo’yicha olib borilgan tajriba natijalari keltirilgan.

**Tayanch so‘zlar:** g’ildirak, traktor, boshqaruvchanlik, baza, zveno, amplituda, bazaviy chiziq, trayektoriya.

**Traktorning boshqariluvchanligi boshqaruv organlari ta’siri yo‘li bilan berilgan trayektoriyadan nusxa olish qobilyatidir. Yaxshi boshqariluvchanlikka ega bo‘lgan traktor chopiladigan ekinlar qator oralari bo‘ylab aniq yurishi mumkin, bu uning bazasidagi MTA ekinlarga zarar yetkazmasdan minimal himoya zonalarida ishlash imkonini beradi. O‘simliklarni shikastlamasdan ishlov berish uchun ularning qator oralari teng va to‘g‘ri chiziqli bo‘lishi kerak.**

Tajribalarga ko‘ra, masalan ekish qancha to‘g‘ri amalga oshirilgan bo‘lsa, unga keyingi ishlov berishlar shuncha oson va sifatli bo‘ladi.

Ko‘plab tadqiqotchilarning fikriga ko‘ra, mexanizator harakatlarini qanday qilib mukammallashtirmasin, baribir rul boshqaruv tizimi zvenolaridagi tirqishlar, yer yuzasining notekisligi va maydon qiyaligi, g‘ildiraklarning sirpanishi va og‘ishi, mexanizatorning fiziologik holati hamda boshqa omillar sababli bu natijaga erishish imkoni yo‘q, natijada, qishloq xo‘jalik ekinlarini ekish va ularning unib chiqishi sinusoida shaklida joylashadi. E.F. Dvorsov va Yu.L. Kolchinskiy ma’lumotlariga ko‘ra sinusoida amplitudasi 5 sm, 10 sm, 15 sm bo‘lib, uning davriyligi 16 m dan 32 m gacha o‘zgaradi (1-rasm).




**1-rasm. Maxsus tayyorlangan maydon sxemasi**

Yuqoridagilarni hisobga olgan holda, bazasi oʻzgaradigan traktorni tajriba namunasining boshqaruvchanligiga baza o’zgarishining ta’sirini oʻrganish boʻyicha tajribalar maxsus tayyorlangan maydonda traktorning maksimal (2-rasm) va minimal (3-rasm) bazasida oʻtkazildi.




**2-rasm. Tajribaviy traktorning maksimal bazasida sinusoidal trayektoriya boʻylab harakati**




**3-rasm. Tajribaviy traktorning minimal bazasida sinusoidal trayektoriya boʻylab harakati**

Traktorni tajribaviy namunasining boshqaruvchanligini ogʻir ish sharoitlarida aniqlash uchun uning maksimal va minimal bazasida sinusoidaning davri eng kichik qiymatga, ya’ni 16 m ga teng deb qabul qilindi.

Laboratoriya tajribalarida traktorni tajribaviy namunasi asfalt qoplamali yuzaga chizilgan egri chiziq boʻylab harakatlantirildi hamda egri chiziq amplitudasi 5 sm, 10 sm, 15 sm va davri 16,0 m qilib belgilandi. Shu bilan birga, harakat trayektoriyasini aniqlashda maxsus qurilmadan foydalanib haqiqiy izlarni qoldirildi.

Traktorni tajribaviy namunasining harakat traektoriyasini aniqlash uchun asfalt yuzasida qoldirilgan izlar bazaviy chiziqdan 50 sm oraliqda oʻlchandi.

Maxsus qurilmaning iz qoldiruvchi uchlari old va orqa gʻildiraklardan mos

ravishda 295 mm va 450 mm masofada joylashtirildi. Tajribalar traktorni tajribaviy namunasining 2,97; 5,41 va 7,07 km/soat tezliklarda harakatlanishida amalga oshirildi.

Traktorni tajribaviy namunasi harakatlangandan soʻng, ikki ordinata boʻyicha oʻlchovlar bajarildi. Bu jarayonda maxsus iz qoldiruvchi qurilma bilan qoldirilgan haqiqiy izlar Ai (1-rasm) bazaviy chiziq B va sinusoida chizigʻi C orasidagi masofa oʻlchandi.

Olingan natijalar X = (Ac -Ai ) farqi boʻyicha statistik tahlil qilindi (1-jadval).

**1-jadval.**

**Traktorni tajribaviy namunasining boshqaruvchanlik koʻrsatkichlari**

| T/r | Sinusoida chizig'i amplitudasi | Tajribaviy traktor bazasi | Gʻildirak | ±σ qiymati (sm) harakat tezliklarida (km/h) | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | 2,97 | 5,41 | 7,07 |
| 1 | $A_c$=5 sm | Maksimal baza | Old. Gʻ | 2,71 | 2,84 | 3,09 |
| | | | Orq. Gʻ | 1,98 | 2,15 | 2,42 |
| | | Minimal baza | Old. Gʻ | 2,70 | 2,78 | 3,06 |
| | | | Orq. Gʻ | 1,96 | 2,05 | 2,38 |
| 2 | $A_c$=10 sm | Maksimal baza | Old. Gʻ | 2,75 | 2,91 | 3,17 |
| | | | Orq. Gʻ | 2,07 | 2,22 | 2,51 |
| | | Minimal baza | Old. Gʻ | 2,73 | 2,88 | 3,12 |
| | | | Orq. Gʻ | 2,02 | 2,15 | 2,43 |
| 3 | $A_c$=15 sm | Maksimal baza | Old. Gʻ | 2,77 | 2,97 | 3,22 |
| | | | Orq. Gʻ | 2,09 | 2,24 | 2,57 |
| | | Minimal baza | Old. Gʻ | 2,75 | 2,95 | 3,21 |
| | | | Orq. Gʻ | 2,07 | 2,22 | 2,48 |

**Izoh: Old. Gʻ – old gʻildirak, Orq. Gʻ – orqa gʻildirak.**

Tajribalar natijalari shuni koʻrsatadiki, traktorni tajribaviy namunasi boshqaruvchanligining asosiy mezoni – old boshqariluvchi gʻildiraklarning belgilangan harakat trayektoriyasidan oʻrtacha kvadratik ogʻishi traktor maksimal bazasida ±2,71-3,22 sm, orqa gʻildiraklarning oʻrtacha kvadratik ogʻishi esa ±1,98-2,57 sm ni tashkil etadi.

Ushbu koʻrsatkichlar traktorni tajribaviy namunasining minimal bazasi uchun old boshqariluvchi gʻildiraklarda ±2,70-3,21 sm, orqa gʻildiraklarda esa ±1,96-2,51 sm ni tashkil etadi.

Xulosa. Traktor bazasining minimal qiymatdan maksimal qiymatga yoki aksincha oʻzgarishi 2,97–7,07 km/h tezlik oraligʻida traktorni tajribaviy namunasining boshqaruvchanligiga sezilarli taʼsir koʻrsatmaydi.

## Foydalanilgan adabiyotlar:


1. Дворцов Е.Ф. Исследование факторов, определяющих точность копирования рядка хлопчатника рабочими органами навесных агрегатов: Автореф. дис. … канд. техн. наук. – Ташкент, 1960. – 28 с.

2. Колчинский Ю.Л. Исследование некоторых факторов, влияющих на устойчивость прямолинейного движения и управляемость трехколесного пропашного трактора для широкорядных посевов хлопчатника: Дис. … канд. техн. наук. – Янгиюль: САИМЭ. 1969. – 231 с.

3. Цай Г.Я. Исследование четырехколесного пропашного трактора с управляемой передней осью для комплексной механизации хлопководства.- Дисс. к.т.н., -Ташкент. -1972.

4. Кинематический расчет рулевого управления. http://www.transentry. ru/wots-300-1.html

5. Хайруллаев Х.Х. Исследование устойчивости прямолинейного движения и управляемости энергонасышенного колёсного трактора класса 1,4 т. на повышенных скоростях: Автореф. дис. … канд. техн. наук. – Волгоград, 1968. – 24 с.

UO‘T: 633.511.631.527:53

# G‘O‘ZA NAVLARI SELEKSIYASIDA TOLA CHIQIMI VA CHIGIT MOYDORLIGINING AHAMIYATI

**Xakimova M. M.[1], Xolmurodova Go‘zal R.[2],**

[1]Toshkent davlat agrar universiteti tayanch doktoranti,

[2]Toshkent davlat agrar universiteti

**Annotatsiya.** Maqolada, g‘o‘za navlari seleksiyasida tola chiqimi va chigit moydorligining ahamiyati yoritilgan. Tola chiqimi 40 % yuqori bo‘lgan ashyolarning aksariyatida chigit moydorligi ham ham 21 % dan yuqoriligi qayd etilib, ikki maqsadli (tola va moydorlik) navlar yaratishga zamin yaratilganligi, ulardan belgilarni yaxshilashda genetik-seleksion jarayonlarda foydalanish maqsadga muvofiqligi keltirib o‘tilgan.

**Tayanch so‘zlar:** g‘o‘za, seleksiya, tola chiqimi, chigit moydorligi, oila, nav, ko‘saklar, hosildorlik, mahsulot.

Kirish. Jahonda paxta seleksiyasidagi dolzarb muammolardan biri -tola chiqimi va chigit moy miqdori yuqori bo‘lgan navlar yaratish borasida tadqiqotlar jadal davom etmoqda. So‘nggi yillarda genom tahlillari asosida “dual-purpose” - ikki maqsadli (tola va moydorlik) navlar yaratish konsepsiyasi jahonda faol tadbiq etilmoqda. G‘o‘za chigiti moydorligini oshirish uchun lipoid to‘qimalardagi ferment faolligini selektiv nazorat qilish bo‘yicha tadqiqotlar samarali amalga oshirilmoqda. Ayniqsa, o‘rta tolali g‘o‘za navlari mamlakatimizda eng ko‘p yetishtiriladigan va sanoatda keng foydalaniladigan turlardan biri hisoblanadi.

Ular iqlim sharoitiga mos, tezpishar va qayta ishlashda qulayligi bilan ajralib turadi. Biroq, amaldagi o‘rta tolali g‘o‘za navlarida tola chiqimi va chigit moydorligi ko‘pincha o‘rtacha darajada bo‘lib, bu mahsulotning umumiy sifat va iqtisodiy samaradorligiga ta’sir ko‘rsatadi.

O‘zbekistonda g‘o‘za chigiti moyini ishlab chiqarish va qayta ishlash salohiyati katta bo‘lishiga qaramasdan, undan to‘liq foydalanishga to‘sqinlik qilayotgan asosiy omillardan biri - chigitda moy miqdori yuqori bo‘lgan, bir vaqtning o‘zida tola chiqimi ham yuqori bo‘lgan navlarning yetishmasligidir. Shu sababli, tolasi ko‘p va chigitida moy miqdori yuqori bo‘lgan seleksion ashyolar yaratish-milliy iqtisodiyotni diversifikatsiya qilish, eksport salohiyatini oshirish va agrar sohada yuqori qo‘shilgan qiymat yaratish uchun muhim ahamiyat kasb etadi. Zamonaviy seleksiya jarayonlarida biotexnologik va genetik tahlil usullarining joriy etilishi, mavjud navlar asosida yuqori moyli va yuqori tolali navlar yaratish imkoniyatini yaratadi.

Tadqiqotning maqsadi o‘rta tolali g‘o‘zada tola chiqimi va chigitida moy miqdori yuqori bo‘lgan seleksion ashyolarni yaratish, ularning agrobiologik va texnologik xususiyatlarini o‘rganish hamda kelgusida

yuqori mahsuldorlikka ega navlar yetishtirish uchun ilmiy asoslar ishlab chiqishdan iborat.

Tadqiqotning obyekti sifatida gʻoʻzaning G.hirsutum L. turiga mansub transgressiv rekombinatsiyalash prinsipi asosida yaratilgan murakkab va konvergent oilalari, andoza nav sifatida S-6524 navidan foydalanildi.

Tadqiqot natijalari. Oʻrta tolali gʻoʻzada tola chiqimi va chigitida moy miqdori yuqori boʻlgan seleksion ashyolar yaratish mavzusining ilmiy-nazariy va amaliy jihatdan dolzarbligi juda yuqori boʻlib, ushbu yoʻnalishda olib boriladigan tadqiqotlar mamlakatimiz agrosanoat majmuasini rivojlantirishda muhim oʻrin tutadi.

Tola vaznining paxta xom ashyosi vazniga nisbati tola chikimi deyiladi va foizlarda ifodalanadi. Tola chiqimi urugʻdagi tolalarning mikdori va vazniga bogʻliq boʻladi. Gʻoʻzaning gurli shakllarida tola chiqimi 12-15 foiz- dan 43-44 foizgacha boʻlishi mumkin.

Ma'lumki, gʻoʻza oʻsimligi asosan tolasi uchun yetishtiriladi, shu sababli tola sifati, tola chiqimini yaxshilash boʻyicha olib borilgan seleksiya ishlari ishlab chiqarishning toʻqimachilik sanoati uchun muhim ahamiyat kasb etadi.

Turli gʻoʻza shakllarining chigitida yadroda toʻplangan 15 foizdan 29-30 foizgacha moy boʻladi. Yadro nav va turdan kelib chiqqan holda chigitning 52-60 foiz ogʻirligini tashkil kiladi. Qilgan 40-48 foizi esa poʻstloq va chigit tuki hissasiga toʻgʻri keladi. Chigitda moy tuplanishi koʻsak oʻsib va rivojlanib borishi bilan ortadi xamda 50-kunga kelib toʻxtaydi. Gʻoʻzani toʻgʻri parvarishlash yadroning kattalashishi va chigitdagi moy miqdorining ortishini ta'minlaydi. Yetarli mikdorda fosfor, azot va suv bilan ta'minlanganda xamda tuprokka oʻz vaqtida ishlov berilganda chigitda moy va okrillar zaxirasi koʻpayadi. Tajribalarning koʻrsatishicha, agrotexnika sharoitidan kelib chiqqan holda madaniy gʻoʻza navlari chigitidagi moy mikdori 20-26 foiz oraligʻida oʻzgarib turadi, Gʻoʻza turlari ichida G.barbadense L. moy mikdori yuqoriligi bilan ajralib turadi. Chigit tarkibidagi moy mikdori boʻyicha G.hirsutum L. ikkinchi oʻrinni, G.herbaceum L. va G.arboreum L. turlari uchinchi oʻrinni egallaydi.

Chigitdagi moy miqdori koʻsaklar oʻsimlikning qaysi qismida joylashganligiga ham bogʻliq. Koʻsak oʻsimlikning qanchalik yuqori qismida va bosh poyadan qanchalik uzoqda joylashgan boʻlsa, chigitdagi moy miqdori shunchalik kam boʻladi. Oʻsimlik tupining ichkarisida joylashgan koʻsaklar chigitida moy birmuncha koʻp, ularning ekish va hosildorlik sifati ham yukori boʻladi.

Tadqiqotlarimizda "dual-purpose" - ikki maqsadli (tola va moydorlik) navlar yaratish maqsadida, ham tola chiqimi, ham chigitda moy miqdori yuqori boʻlgan ashyolar ajratib olish borasida izlanishlar olib bordik. Murakkab va konvergent duragaylash asosida olingan oilalarda belgi boʻyicha koʻsatkichlarni jadval ma'lumotlarida keltirib oʻtdik (jadvalga qarang).

**Jadval.**

**Gʻoʻzaning murakkab va konvergent duragaylash asosidagi oilalarida tola chiqimining shakllanishi (2023 y.)**

| Oilalar | Tola chiqimi | Chigit moydorligi |
|---|---|---|
| | M±m | M±m |
| S-6524 andoza nav | 37,02±0,70 | 19,3±0,7 |
| O-229-32/18 | 38,9±0,60 | 19,96±0,65 |
| O-197-200/18 | 38,8±0,85 | 20,36±0,54 |
| O-155-58/18 | 39,6±1,06 | 19,23±0,46 |
| O-241-42/18 | 38,1±1,29 | 19,66±0,40 |
| O-189-90/18 | 38,4±0,97 | 18,90±0,45 |
| O-51/18 | 39,2±1,17 | 19,05±0,51 |
| O-31-34/18 | 41,5±1,17 | 22,50±0,50 |
| O-143-48/18 | 39,2±1,13 | 20,08±0,69 |

| | | |
|---|---|---|
| O-71-74/18 | 39,3±1,41 | 18,56±0,80 |
| O-539-40/18 | 40,9±1,01 | 21,45±0,90 |
| O-495-500/18 | 40,8±1,13 | 21,95±0,78 |
| O-127-30/18 | 42,8±1,37 | 22,52±0,69 |
| O-503-08/18 | 41,0±1,77 | 21,55±0,70 |
| O-165-72/18 | 40,0±1,35 | 21,89±0,28 |
| O-357-68/18 | 40,5±1,97 | 21,91±0,57 |
| O-541-52/18 | 40,1±0,79 | 22,63±0,27 |
| O-313-22/18 | 41,7±1,31 | 22,33±0,46 |
| O-385-90/18 | 42,6±2,23 | 22,91±0,45 |
| $EKF_{0,5}$= 2,30 | | 1,20 |

Tola chiqimi andoza navda 37,02 % ni tashkil etgani holda biz tomonimizdan ajratib olingan oilalarning barchasida belgi bo'yicha andoza navdan ustunlik namoyon bo'ldi, ya'ni tola chiqimi 38,8 % (O-197-200/18) dan 42,8 % (O-127-30/18) gachani tashkil etdi. Tola chiqimi bo'yicha eng yuqori ko'rsatkich O-127-30/18 (42,8 %), O-385-90/18 (42,6 %) va O-31-34/18 (41,5 %) oilalarida kuzatilib, 41 % dan yuqori natijalar qayd etildi. Shuni ta'kidlab o'tish joizki, aksariyat oilalarda tola chiqimi 40 % dan yuqori bo'lganligi namoyon bo'ldi.

Chigit moydorligi bo'yicha bizning tadqiqotlarimizda 18,90 % dan 22,91 5 gachani tashkil etdi. Nisbatan yuqori ko'rsatkichlar 22 % dan yuqori bo'lib, bular O-386-90/18 (22,91 %), O-313-22/18 (22,33 %), O-541-52/18 (22,63 %) va O-127-30/18 (O-22,52 %) oilalarida aniqlandi. Aksariyat oilalarda chigitdagi moy miqdori 19 % dan 21 % ni tashkil etdi, faqatgina O-189-90/18 oilasida chigit moydorligi 18,90 % ga teng bo'ldi.

Shuni ta'kidlab o'tish joizki, O-127-30/18 (tegishli ravishda 42,8%; 22,52 %) va O-385-90/18 (tegishli ravishda 42,6 %; 22,91 %) oilasida ham tola chiqimi ham chigit moydorligi yuqori bo'lganligi qayd etildi. Shuningdek, O-313-22/18 oilasida tola chiqimi 41,7 %, chigit moydorligi 22,33 %, O-31-34/18 oilasida 41,5 %, chigit moydorligi 22,5 % yuqori natija ko'rsatganligi aniqlandi. O-503-08/18 oilasida tola chiqimi 41 % bo'lsa, chigit moydorligi 21,55 %, O-539-40/18 oilasida 40,9 %, chigit moydorligi 21,45 %, O-495-500/18 oilasida tola chiqimi 40,8 %, chigit moydorligi 21,95 % bo'lganligi qayd etildi. O-165-72/18 oilasida tola chiqimi 40,0 %, chigit moydorligi 21,89 %, O-357-68/18 oilasida tola chiqimi 40,5 %, chigit moydorligi 22,63 %, O-541-52/18 oilasida tola chiqimi 40,1 %, chigit moydorligi 22,63 % bo'lganligi aniqlandi.

Demak, xulosa tarzida olingan natijalarga ko'ra, tola chiqimi 40 % yuqori bo'lgan ashyolarning aksariyatida chigit moydorligi ham ham 21 % dan yuqoriligi qayd etilib, ikki maqsadli (tola va moydorlik) navlar yaratishga zamin yaratildi. Ulardan belgilarni yaxshilashda genetik-seleksion jarayonlarda foydalanish maqsadga muvofiq hisoblanadi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**


1. Nazarova N.T. G'o'za chigitidagi moy miqdori va uning texnologik ahamiyati. // "O'simliklar seleksiyasi va urug'chiligi" jurnali, 2020, №4. – B. 55–59.

2. Xakimova M.M., Xolmurodova G.R.. O'rta tolali g'o'zada chigit moydorligi va oqsil miqdori yuqori bo'lgan seleksion ashyolar yaratish. Miasto Przyszlosci Kiece 2024. 435-438

3. Cotton Incorporated. Cottonseed Oil – From Seed to Shelf. – USA, 2019. – 38 p. https://www.cottoninc.com

Inform
AGRO BIZNES

Jurnal har chorakda bir marta chop etiladi.

**Muassislar:**

- Oʻzbekiston Fermer, dehqon xoʻjaliklari va tomorqa yer egalari kengashi,
- Tadbirkorlik va fermerlikni qoʻllab-quvvatlash markazi
- “Kafolat servis” MCHJ

Nashr Oʻzbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining 2020-yil 31-dekabrdagi 290/10-sonli qarori bilan Oliy attestatsiya komissiyasining ilmiy jurnallar roʻyxatiga olingan.

Tahririyatga kelgan qoʻlyozmalar muallifga qaytarilmaydi.

ISSN 2010-9024

Nashr indeksi: 1123

Tahririyat manzili:
100140, Toshkent shahar,
Nukus ko'chasi 77-uy
Tel/faks: +99895 195-52-52.
Tel: +99897 480-34-82.

Jurnal "Agro Biznes Inform" MChJ kompyuter markazida sahifalandi.

Chop etildi: 13.05.2025-yil.

Guvohnoma raqami: №990721
2021-yil 17-mayda berilgan.

Qogʻoz bichimi: 60x84 1/8.

Buyurtma № 02.
Adadi: 1100 nusxa.

Баҳоси келишилган нархда.

Manzil: Toshkent shahar,
Nukus ko'chasi, 77-uy.

Нашрни тайёрлашда ЎзА ва интернет материалларидан фойдаланилди.

# MUNDARIJA

**Саттаров Т.** Жамғарма томонидан қишлоқ хўжалигидаги инновацион фаолиятларни қўллаб-қувватлаш истиқболлари ........ 2
**Фермерлик ҳаракатининг солномаси** ........ 4
**Бекмаматов А. Р.** Фуқароларнинг ер ва уй-жойларига бўлган ҳуқуқлари эътироф этилиши жараёнлари бошланди ........ 8
**А. А. Мадалиев.** Агросаноат секторини комплекс ривожлантиришда бошқарувни демократлаш асослари ........ 10
**Мажидов К.** Қўрқув қуроли терроризмнинг руҳи ва стратегик мақсадлари ........ 18
**Таиров Ф.** “Мени профессор дейишса бўлди…” ........ 21
**Рустамов С.** Таниқли шоир билан учрашув ........ 25
**Таиров Н.** Славный юбилей государственного и общественного деятеля, талантливого предпринимателя и просто хорошего человека ........ 27
**Таиров Н.** Ташкилотчи, кадрларга ғамхўр инсон эди ........ 29
**Таиров Н.** Книга о джадидах ........ 33
**Набиева Г.** “Кўринмас фронт жангчиси” ҳақида китоб ........ 35
**Рузимова Х. К., Нарбаев З. Н., Рузикулова З. У.** Значение деревьев и кустарников в обеспечении экологической безопасности ........ 37
**Искандаров З. С., Таиров М. А., Шокирхужаева У. З.** Хранение и транспортировка плодов дыни ........ 42
**Madartov B. Q., Xolmurodova G. R.** Paxta-toʻqimachilik klaster subyektlarida buxgalteriya hisobini takomillashtirishda elektron imzoning roli ........ 44
**Искандаров З. С., Таиров М. А., Шокирхужаева У. З.** Полезные и лечебные свойства дыни ........ 48
**Чаршанбиев У. Ю., Алланов Ҳ. К.** Амарант ўсимлигини етиштиришда қатор орасига ишлов бериш ва озиқлантиришнинг ўсиши ва ривожланишига таъсири ........ 50
**Алланазаров О., Ташкулов С., Исмайилов Ж.** Ингичка толали ғўзанинг ўсиб-ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига минерал ўғитларни қўллаш меъёр ва нисбатларининг таъсири ........ 55
**Алланазаров О. Я.** Полиз агробиоценозида полиз қўнғизининг биоэкологияси ва зарари ........ 58
**Irgasheva N. R., Sa’dullaeva M. A.** Oʻrgamchakkana zararkunandasiga qarshi qoʻllanilgan oltinkoʻz kushandasining samaradorligi ........ 61
**Xabibullayev X. A.** Kungaboqar oʻsimligi nav namunalarida fenologik kuzatuvlar ........ 64
**Mirxamidova G. M.** Ғўза тизмаларининг кичик нав синаш (станцион) кўчатзоридаги қимматли хўжалик белгилар бўйича натижалари ........ 67
**Асрор Мўмин.** Уни Маҳмуд Тоиров дейдилар! ........ 73
**Karimov A. Q.** Baza oʻzgarishining traktorning boshqaruvchanligiga ta’siri ........ 78
**Xakimova M. M., Xolmurodova Goʻzal R.** Gʻoʻza navlari seleksiyasida tola chiqimi va chigit moydorligining ahamiyati ........ 81